

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

Истиқлол йиллари: миллий-диний
қадриятларнинг халққа қайтиши

*Мустақиллик, Фарғона ва
миллий-диний қадриятлар
(Фарғона, 9 август)*

(Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига
бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни)

ТОШКЕНТ-2001

Истиқдол йиллари: миллий-диний
қадриятларнинг халққа қайтиши

Мустақиллик, Фарғона ва миллий-диний қадриятлар
(Фарғона, 9 август)

Таҳрир ҳайъати: З. Мунавваров
 Н. Жабборов
 Ш. Сирожиддинов

Техник муҳаррир: С. Смирнов

Н¹
И83

ПОДР.

2008/19 1002	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M+
-----------------	--

© Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001

26623
10 2/695

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Фарғона атамасининг иккита юкламаси борлигини барча яхши билади: кенг маънода у дунёдаги энг сераҳоли, қадимий ва гўзал водий-жуғрофий ҳудуднинг номи бўлиши билан бирга, кўплаб шоиру алломалар томонидан жаннатта қиёсланган улкан дурдона боғнинг «пойтахти»ни ҳам англатади. Шунинг учун ҳам Фарғона деганда, вилоятга ном берган шаҳар билан биргаликда, дарҳол, сўлим водийни ҳам эслайди киши, унинг мусаффо ҳавосидан тўйиб нафас олгандай сезади ўзини. Шу туфайли тарихий манбаларда «Фарғона мамлакати ҳосилдор ва кенг диёр, боғлари неъматга тўла, қишлоқлари соз, ҳавоси тоза, мевалари баракали, мозорлари муқаддас», дея таърифланган.

Фарғонанинг фазилатлари зикр этилган жиҳатлар билан чекланмайди, албатта. Зеро, уларнинг илдизи — ўта чуқур. Тахминан 2 минг йил бурунги вақтларда пайдо бўлган «Фарғона ёзуви» ёки Мустақиллик йилларида топилган «Селенғур» қароргоҳининг нечоғлик қадимийлиги ҳар қандай маърифатли инсонни чуқур мулоҳазаларга чорлайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, «...бу ерда асрлар мобайнида шаклланиб, буюк мазмун ва моҳият касб этган улуғ анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар миллатимизнинг тараққиёт йўлида муҳим аҳамият касб этади».

Фарғона деганда, нафақат Шарқда, балки бутун ҳамма ҳавас билан боқаётган ривожланган Фарб дунёсида ҳам илми нужум-астрономиянинг асосларини яратган, дунёдаги энг улкан дарёлардан бири — Нил суви ўлчагичини қуриб, ўзига мангу ҳайкал қўйиб кетган беназир аллома Аҳмад ал-Фарғоний, халқимизнинг диний эътиқоди — исломни илм даражасига кўтарган ўлмас манбалардан бири — «ал-Ҳидоя»ни таълиф этган Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳазратлари, ул зоти шарифга эргашиб, бутун ислом дунёсининг меҳру муҳаббати ҳамда юксак эҳтиромга сазовор бўлган бошқа ўнлаб ал-Марғинонийлар кўз ўнгимизда ялт этиб гавдаланади. Уларнинг юксак ақлу заковати туфайли сўлим Марғилон «сундуқ-ул-орифийн», яъни «донишмандлар хазинаси» деган юксак маънавий мақомга

кўтарилгани хаёлимиздан кечади.

Ҳа, бундай ҳиссиёт ва кечинмалар бутун қалбларимизга алоҳида сурур ва гурур бахш этаётгани аини ҳақиқат. Бунинг учун, энг аввало, Яратган Эгам, қолаверса, Истиқлолимизга ҳар қанча шукроналар қилсак — оз. Зеро, айнан Истиқлол ва миллатпарвар Юртбошимизнинг ҳикматию ташаббуслари туфайли асл қадриятларимизнинг устунларидан бўлган ал-Фарғонийлару ал-Марғинонийлар хотирамизнинг унутилаёзган чеккаларидан қалбимизнинг тўрига кўчиб ўтдилар, маънавий қиёфамизнинг «умуртқа суяги» сифатидаги табиий мақомларини яна тикладилар, азиз Ўзбекистонга жаҳон аҳлининг диққат-эътиборини яна бир карра жалб этдилар. «Ўтиш даври» дея аталаётган эркин тараққиётимизнинг энг мураккаб босқичида Ватанга яна бир бор суянчиқ, бизга эса мадад бўлмоқдалар. Бу билан нафақат Фарғона аҳли, балки бутун Ўзбекистон халқи фахрланиши мутлақо табиийдир.

Яна Фарғона деганда, нозиктаъб инсонлар «Хўқанди латиф» дея эркалаган, қадимий тарихимиз ва юксак маънавиятимизнинг асрлар оша сарбалаңд турган безавол қўрғонини эслаймиз, албатта. «Латиф» дегани — ҳам лутф, ҳам латофат, ҳам нафосат демақдир. Қўқон ушбу юксак мақомга, энг биринчи навбатда, маънавий гўзаллиги туфайли эришган, десак хато бўлмас. Чунки бу ерда шаклланиб, асрлар давомида адабиётимизни озиклантириб келаётган «Қўқон адабий муҳити» деган маънавий-адабий-фалсафий воқелик ўлмас қадриятларимиз тамал тошларидан бири — ўзбек адабиётининг алоҳида ва энг таъсирчан мактабларидан бири демақдир. Уни яратиб бизга мерос қилиб қолдирган Ҳувайдо, Амирий, Увайсий, Нодира, Анбар отин, Муқимий, Завқий, Фурқат, Ҳазиний, Муҳйиларнинг ҳар бири ҳикмату нафосат, кенг маънодаги инсонпарварлигу соғлом миллатпарварликка лиммо-лим алоҳида уммондир. Шунинг учун ҳам Президентимиз «...Ватанимиз тарихи ва маданиятида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган шаҳарлардан бири — Қўқон шаҳри ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақбул деб ўйлайман. Қўқон аҳли ўзининг нафис санъати, хунармандлиги ва адабий муҳити, маърифати ва юксак маънавияти билан ном қозонган», дея таъкидлаган эдилар. Ана шундай муҳитнинг маънавий-фалсафий

ҳикматини чуқур туйган, ҳатто мустабид тузум зуғумларини писанд этмасдан «Ўзбегим»нинг ўзлигию гурурини олам узра мадҳ этган Эркин Воҳидовдек улуғларимиз борлиги не бахт!

Қўқон хаттотлик мактаби вакиллариининг илмпарварлиги ва ҳикматпарварлиги туфайли аждодларимиз ақду заковатининг бебаҳо дурдоналари умрбоқийлик касб этгани, улар нафақат бугунги, балки, иншооллоҳ, келгуси авлодларга ҳам илму ирфон гавҳарларини етказиши миллатимизнинг ҳақиқий саодати эмасми? Қўқондаги Адабиёт ва Худоёрхон музейлари каби илмий-маърифий муассасаларда аждодлар руҳини шод этиб, кўз нури ва қалб қўрини илму ҳикматнинг сарчашмаси – китобни асраш ва янгисини яратиш билан шуғулланаётган фидойиларимиз бағрига Истиқлол шабадаси тегиб, янги бунёдкорликларга чорлаётгани бугунимизнинг фараҳбахш ҳақиқатидир.

Фарғона Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Таваккал Қодировдек мумтоз қўшиқчилик, Юсуфжон қизиқ Шакаржоновдек юксак маънавият ва фалсафа билан сугорилган аския-қизиқчилик санъати каби ўлмас қадриятларимизнинг бешикларидан бири, Наби Раҳимов ва Ҳамза Умаров каби театр санъати дарғалари Ватани ҳамдир.

Хуллас, Фарғона дегани, халқимиз томонидан юксак эъзозланадиган хилма-хил қадриятларнинг ватанидир. Ана шу қадриятларнинг рўёбга чиқиши ва ўзини баралла кўз-кўз қилиши Истиқлол берган энг улуғ неъматлардан. Уни қадрига етиш, кўз қорачигидай асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини бир лаҳза ҳам унутмайлик.

Бугунги анжуманимизнинг ана шундай саховатли замин ва маънавий бой муҳитда ўтаётгани унга алоҳида мазмун ва кайфият бахш этади, баён этилажак фикр ва мулоҳазалар маънавий камолотта хизмат қилади, деган умиддамиз.

*Проф. Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси*

Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Орифжон УМАРЖОНОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ислом қадрият сифатида диний қоидалар, кўрсатмалар, тамойиллар йиғиндисидангина иборат эмас, айти вақтда у кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, фалсафий, ахлоқий-эстетик, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларнинг ҳам ифодасидир. Шу маънода, бобокалонимиз Амир Темурнинг ислом дини ва унинг софлигини сақлаш асосида жамиятдаги маънавий барқарорликни таъминлашга эришганини эсга олиш мумкин. «Темур тузуклари»да қайд этилишича, «давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамларга ўхшарким, уни кўрган кимса назарини олиб қочади. Ёхуд насу-нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшик тўсиғи йўқ уйга ўхшайди»¹. Буюк Темур ҳамиша иймонга суяниб иш тутишни таъкидлайди. Иймон, дейди у, инсонни барча жонзотлардан фарқлантириб турадиган хусусиятдир. Иймонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу юртининг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва поклик каби фазилатларни ўзида мужассам этади. Бу фикрлар ислом ва исломий қадриятларнинг халқимиз тарихида тутган буюк маънавий салоҳиятини чуқур тасаввур этиш учун асос бўла олади.

Мустақиллик маънавий меросимизга, хусусан, диний қадриятларимизга янгича муносабатда бўлиш лозимлигини кун тартибига қўйди. Мустақиллигимизнинг илк кўнлариданоқ диннинг маънавий салоҳияти асослаб берилди, унинг ўзига хос ижодкорлик ва яратувчанлик имкониятлари оқилона баҳоланди.

Истиклолга қадар Ўзбекистон ҳудудида атиги 89 масжид ва 2 мадраса бўлиб, уларда 130 талаба таҳсил кўрар эди. Ҳажга, кўпи билан, 4-5 киши борар эди, холос. Диний байрам ва маросимларнинг ўтказилиши қатъий ман этилган, ҳатто халқ байрамларининг аксарияти ҳам диний мазмунга эга, деган тамға остида узоқ йиллар давомида тақиқланган эди. Бугунги кунда эса республикамиз ҳудудида икки мингга яқин масжид фаолият кўрсатмоқда, диний мадрасаларда таҳсил кўраётганларнинг сони кўпайди. Республикамизда ўн йил мобайнида ўн минглаб мусулмон муборак Ҳаж сафарини адо этиш шарафига муяссар бўлди. Ҳаж сафари билан боғлиқ қийинчиликлар ҳукуватимиз томонидан бартараф этилди. Ҳожиларга барча қўлайликлар яратилди, уларга етарли моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Мусулмон байрамларимиз дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Президентининг Фармониға мувофиқ 1992 йил апрел ойида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита тузилди. Ҳукуватнинг ёрдами билан талабалар ва диний мутахассислар ўз билим ва малакаларини Миср, Туркия, Малайзия каби мусулмон мамлакатларида оширмоқдалар.

Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 1-сессиясида сўзлаган нутқида дин арбобларининг мустақилликни мустаҳкамлаш, маънавий ҳаётимизни ривожлантириш соҳасидаги долзарб вазифалари хусусида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эдилар: *«Маънавий тарбияда дин арбобларининг ҳиссаси катта бўлиши керак. Улар ислом қадриятлари ва илмларининг мағзини, эзгулик ва покликка чақирувчи ўғитларни одамлар дилига етказадилар... Муҳтарам уламоларимиз, айниқса, ҳозирги босқичда ҳар бир йигит-қизни илми, маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлиш билан бирга замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилишлари лозим. Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда қоинот сиру асроригача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари керак»²*. Бу — маънавий ҳаётимизнинг моҳиятини ифодаладиган муҳим концепциядир.

Ислом алломалари меросини ўрганиш, нашр ва тарғиб этиш соҳасида ҳам улкан ишлар қилинмоқда. Узоқ вақт ўтмишнинг мулкига айланган исломий адабиётлар ёруғлик юзини кўрмоқда.

Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Фаридуддин Аттор, Бурҳонуддин ал-Марғинович, Жалолиддин Румий ва бошқаларнинг асарлари чоғ этила бошлади. Бурҳониддин ал-Марғинович, Абу Мансур ал-Мотуридий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳазиний каби улуғ аждодларимизнинг таваллуд кунлари кенг нишонланди, уларнинг меъморий мажмуаларини таъмирлаш борасида катта ишлар қилинди. Президентимизнинг саъйи ҳаракатлари билан Тошкент ислом университети таъсис этилди.

Мамлакатимизда эътиқод эркинлиги тамойилларига асосланган ҳолда бошқа динлар, уларнинг ташкилотлари, арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан ҳам кўплаб чоралар кўрилмақда. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Муқаддас-Успенский кафедрал собори ҳузурида диний-маъмурий марказ очилди, Епархиянинг 125 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Бу — республикаимизда диний бағрикенглик тамойилига тўлиқ амал қилинаётганидан далолатдир.

«Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказётган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз, — дейди И.А.Каримов, — диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим»³.

Дунёвий таълимотларга суяниб, демократик жамият қураётган республикаимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг маънавий асосларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда, бошқа маънавий омиллар қатори, ўзида миллий ва умуминсоний ғояларни ифода этиб, ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатни мужассамлаган диний эътиқодлар, диний тамойиллар халқимизнинг ранг-баранг фаолиятини уйғунлаштиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай экан, диний қадриятларнинг маънавий тарбияга кўрсатадиган ўзига хос таъсири ва моҳиятини илмий тадқиқ этиш ижтимоий фанларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

¹ Темур тузуқлари. Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 й., 57-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 й.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 й.

Маликжон БОБОРАҲИМОВ,
филология фанлари номзоғи, доцент,
Фарғона давлат университети

ИСТИҚЛОЛ ВА МАДАНИЙ МЕРОС

Давлатнинг қай даражада кучли эканлиги ерости ва ерусти табиий бойликлари, ҳарбий қудрат ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан ташқари, унинг маданий мероси билан ҳам белгиланади. Унинг аҳамиятини англаш учун Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги (айниқса, Фарғонада айшу фароғат сурган — *таъкид бизники*—М.Б.) генерал-губернатори М. Скобелевнинг: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназулга учрайди», деган гапини эслашнинг ўзи кифоя.

Бизнинг миллатимизга нисбатан ҳам шундай йўл тутилди. Маданий бойликларимиз вагон-вагон қилиб олиб кетилди. Қолганини ўтда куйдирдик, мазорларга кўмдик. Арабий имлода ёзилган, кўмилиб йўқ қилинган китобларнинг аксари тилимиз, маданиятимиз, тарихимиз, санъатимиз, бир сўз билан айтганда, маънавий меросимиз ҳақидаги китоблар экани шубҳасиздир.

Истиқлолнинг бизга берган катта инъоми тилимиз, маданиятимиз ва санъатимизни ўзимизга қайтганидир. Узоқ йиллар давомида маданий мерос ҳисобланган диний қадриятларнинг қораланиши натижасида авлодлар бу гавҳарлардан маҳрум қилинган эди. Ўрта мактабларимизда дарслар худосизликни тарғиб этишга, инсон қудратини улуғлашга қаратилган эди.

Адабиётимизнинг Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга яқинлиги инкор этилганди. Масраб: «Он қадар нурга тўлибмен,

ер-осмонга сиғмадим», — деб нола қилганда, Тангрининг инояти сабабли, нурланганини назарда тутган эди. Ҳолбуки, биз Машрабни даҳрий шоир сифатида ўқувчига тақдим этдик.

Адабий меросимизни менсимаслик тамойили истилочиларнинг буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларини янгилик эмас, балки форсий адабиётнинг таржимасидир, деб туҳмат қилишида ҳам кўринади.

Адабиёт бойлар ва йўқсиллар адабиётига ажратилиши натижасида миллатимиз мулки бўлган улкан адабий хазина лаънатланиб, ҳақиқий дурдоналар халқ назаридан соқит қилиб келинди. Яссавий, Ҳусайний, Амирий, Фазлий Намангоний каби иқтидорли шоирлар адабий мероси бадиий-эстетик қимматига яраша баҳоланмади.

Таъқиб этилган адабий меросимизнинг катта қисмини суфиёна руҳдаги асарлар ташкил этар эди. Жумладан, Аҳмад Яссавийнинг инсонни комилликка етакловчи, руҳни поклашга хизмат қиладиган ҳикматлари, Сўфи Оллоёрнинг дилни Оллоҳга боғловчи мисралари тақиқланган эди.

Миллатпарвар олимларнинг асарлари тақиқ этилиб, ўзлари қувғин қилинди. Эстетик қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган меъморчилик обидалари — масжид ва мадрасалар динга қарши кураш шиори остида вайрон қилинди.

Истиқлол шарофати туфайли қадриятларимизнинг янги саҳифалари очилиб, аждодларимизнинг инсониятга қолдирган маънавий олами янада равшанроқ кўринмоқда. Маънавият ҳақида сўз юритган Президентимиз — *«Маънавият инсон қалбига камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди...»* — деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, маънавият сарчашмалари ҳисобланган маданий меросга истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ алоҳида эътибор берила бошланди. Юртбошимиз уни асраб-авайлаш ва миллий қадриятларни эъзозлашга давлат аҳамиятига молик масала деб қаради.

Истиқлол инсон маънавий оламида катта уфқлар очди. Бугунги жараён инсон омилининг, шахс ижтимоий-сиёсий фаолиятининг қонуний асосда ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради.

«Бугунги кунда, — дейди И.А.Каримов, — гўзал

мамлакатимизда маънавий кўтаринкилик кўзга ташланмоқда, жамиятда бунёдкорлик руҳи ҳукм сурмоқдаки, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур».

Бу маънавий кўтаринкилик ҳар бир фуқарога руҳан тетиклик бахш этиб, Истиқдол ғояларини тарғиб этишга, у берган улур неъматлардан баҳра олишга, маданий меросга шу ғоялар руҳидан келиб чиқиб муносабатда бўлишга даъват этади.

*Собиржон НОРМАТОВ,
Фарғона шаҳар «Уммул-Қуро» масжиди имом-хатиби*

ИСЛОМ: ЎТМИШ ВА БУГУН

Туркистоннинг исломлаштирилиши, асосан, Умавийлар халифаси Абдумалик ибн Марвон даврида юз берган бўлиб, Хуросонга Ҳажжож ибн Юсуф волий этиб тайинланган эди. Халифа Қутайба ибн Муслим ал-Баҳоийни вакил қилиб, лашкарбоши сифатида Туркистонга юборган. Қутайба моҳир саркарда бўлиб, у аёвсиз жанглардан сўнг Туркистонни қўлга киритган, сўнг Жайхун дарёсидан ўтиб, 87/705 йилда турклар билан олишувдан кейин Бухорога тобе бўлган Бойкент шаҳрини фатҳ қилишга муяссар бўлган.

Ҳижрий 88-89-йилларда Термез ва Мовароуннаҳр шаҳарлари, 90-йилда эса Бухоро ва Самарқанд истило қилинди.

Аббосийлар халифалиги даврига келиб, Туркистон ўзига хос исломий диёрга айланди. Ҳатто валийларнинг деярли ҳаммаси туркийлардан эди. Шунинг учун ҳам Туркистон мустақил туркий давлат деб тан олинди.

Ана шу даврда Туркистонда маданият, фан ривожланди, ҳунармандчилик гуллаб-яшнади. «Ҳар бир мусулмонга илм ўрганиш фарздур», деган ҳадиси шариф исломнинг илми ўрганишга катта аҳамият берганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу даврда Ўрта Осиёдан йирик алломаи замонлар етишиб

чиққан. Дарҳақиқат, биз бугун Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Али Қаффоли Шоший, Шайхулислам Бурҳониддин ал-Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Бакр ал-Хоразмий, ал-Жавҳарий, Ибн Жарир ат-Табарий, Абулқосим Муҳаммад ибн Умар аз-Замахшарий каби улуғ боболаримиз билан фахрланишга ҳақлимиз.

Мустақиллик буюк алломаларимизни ва улар қолдирган меросни ўрганишга катта имкониятлар очди. Аждодларимизнинг табаррук мероси эса бугунги кун муаммоларини янада чуқурроқ англашга ва уларнинг ҳар бирига муносиб ечим топишга йўл очмоқда, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Масалан, биргина Имом ал-Мотуридий қолдирган илмий мерос ҳозир ўзларини ислом ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўлган тоифаларга қарши илмий қурол ҳисобланади. Зеро, бу тоифадагиларнинг ҳаракати ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам жуда зарарли бўлиб, айни вақтда дини исломни нотўғри талқин қилиш ва уни бузиб кўрсатишдан иборатдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтмишни ўрганиш бугунги ёруғ кунимиз учун хизмат қилиши айни ҳақиқатдир.

*Расулжон ЮСУПОВ,
Андижон қишлоқ хўжалиги институти, фалсафа
кафедраси мудири*

КАФОЛАТЛАНГАН ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

XX аср илмий кашфиётлар, ахборот ва улкан техникавий имкониятлар асри, унинг охири эса миллий-диний қадриятларнинг қайта тикланиши ва маънавиятга қайтиш даври бўлди. Жаҳондаги энг йирик динлардан бири ҳисобланган ислом ҳам бундан четда қолгани йўқ. Мусулмон дунёси ва ундан ташқарида сўнгги ўн йиллар мобайнида рўй берган воқеалар

жаҳон ҳамжамиятида «исломнинг уйғониши», деб аталган жараён ҳақида гапириш имконини берди.

Дин, шу жумладан ислом дини ҳам, минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганининг ўзиёқ унинг инсон табиатида чуқур иддиз отганлигидан, ўзига хос вазифаларни адо этишга қаратилганлигидан далолат беради. Жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларни ўзига сингдириб, уларни жонлантирган ва барча учун мажбурий қоидаларга айлантирган. Маданият равнақиға катта таъсир кўрсатган. Одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган, уларнинг руҳини поклаб, маънавиятини камол топтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтишда куч бағишлаган. Баъзан умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда уларни келажак авлодларга етказишнинг муҳим воситаси бўлган.

Мустақиллик туфайли виждон эркинлиги тамойилларини тиклаш ва унга оғишмай амал қилиш кундалик ҳаёт талаби ва заруратиға айланиб қолди.

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда кенг жамоатчилик вакиллари — халқ депутатлари, олимлар, мутахассислар, турли миллат ва дин вакиллари фаол иштирок этишди. Бу қонун ўз руҳи ва мазмуни билан илгариги қонунлардан катта фарқ қилар эди. Қонуннинг «Умумий қоидалар» бобида виждон эркинлигининг асосий принциплари, вазифалари, уларни амалга ошириш йўллари, қоидалари ва кафолати, фуқароларнинг бу соҳадаги ҳуқуқ ва бурчлари баён этилган.

Лекин вақт ўтиши билан унга ҳаётнинг ўзи тақозо қилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилди. 1998 йилда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири 23 моддадан иборат бўлиб, унда виждон эркинлиги, ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлик, таълим тизими ва дин, диний ташкилот, диний ўқув юртлари, диний урф-одатлар ва маросимлар, диний адабиёт, хайрия фаолияти, халқаро алоқалар мантиқий ҳамда жамият тараққиётиға мос тарзда асослаб берилди.

Ушбу қонунлардан аён бўлиб турибдики, ижтимоий ҳаётимиздаги бугунги туб бурилиш инсонларни номақбул гоёлардан қайтариб, уларни яратувчиликка даъват қилувчи гоёлар билан қуроллантириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бу ҳақда Президентимиз 1999 йил Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «*Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди*», деб таъкидлаган эдилар.

Бугун олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири — маънавий баркамол инсонни шакллантиришдир. Бунда, шубҳасиз, инсон маънавий ҳаётининг таркибий қисми ҳисобланган дин ўзига хос рол ўйнайди. Шундай экан, диний масалалар ечими ўтмишда ўзини оқламаган атеистик услубни эмас, балки объектив, илмий ёндашувни тақозо этади.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрда, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан изоляцияда яшади. Яъни, бундан бир юзу ўттиз йил муқаддам халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолган эди. Шу давр мобайнида аждодларимиз, миллатимиз машаққатли синов ва курашларни бошидан кечирди. Боболаримиз чоризмнинг беадад зулмини тортган бўлса, оталаримиз Октябрь тўнтаришини, фуқаролар урушини, қулоқлаштириш кампаниясини, Сталин қатағонларини, жаҳон урушларининг азобу уқубатларини ва, ниҳоят, «десантчилар зулми» номини олган саксонинчи йиллар воқеаларининг гувоҳи бўлдилар.

Собиқ мафкура миллий ғурур, Ватан туйғуси ҳақида ҳатто ўйлашга ҳам имкон бермас эди. Мустақиллик туфайли ўзбекчилик, миллатсеварлик, миллатпарварлик, миллий ғурур, миллий туйғу каби олийжаноб қадриятлар қайта тикланди.

Ўзбекистон дунёни, дунё эса Ўзбекистонни қайтадан кашф этди. Ўзбекистон, Ўзбек деган номлар баралла айтиладиган бўлди. Ҳар бир ўзбекистонликда озод мамлакатнинг озод фарзанди сифатида муқаддас Ватан, миллат туйғуси ва ғурури тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

*Анваржон НАБИЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент*

АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА

Ватанимизнинг мустақилликка эришганига ўн йил тўлмоқда. Мана шу даврда жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда содир бўлаётган воқеаларнинг моҳияти ва мазмунини барча фуқаролар ҳам оқилона англаб, уларга чуқур муносабат билдириб, онгли фаолият кўрсатиб келмоқдами ёки йўқми, деган саволнинг туғилиши бугун табиий ҳолдир. Ушбу саволга жавоб бериш кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, маълумоти каби хусусиятлари билан боғлиқ, албатта.

Шунинг учун мамлакатимиз фуқароларига ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни, ундаги муаммоларни, уларнинг ечими билан боғлиқ вазифаларни чуқур ва атрофлича аниқлаб бориш бугунги кун талабидир. Бунинг учун давлатимиз сиёсати, унинг туб мақсадини ўзида мужассамлаштирган миллий мафқурани яратиш ва уни кишилар, айниқса, ёшлар онгига сингдириб бориш зарур.

Юртбошимиз «Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» номли рисоласида миллий ғоя, миллий мафқуранинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш методологиясини белгилаб берди.

Шунингдек, «FIDOKOR» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида «Миллий мафқуранинг шакллантиришдаги энг катта манба — бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки мафқуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган»¹, — деб уқтирган эдилар.

Демак, миллат фарзандлари ўз бобокалонлари томонидан яратилган улуғ ғояларни чуқур ва атрофлича ўрганиб, мағзини чақиб, ўзларининг хатти-ҳаракатларига тақдослаб, онгли фаолият кўрсатишлари бугунги кун талабидир. Миллий истиқлол

мафкураси фуқароларга ўз гурури ва виждонини қадрлаш, уни юксак ва олийжаноб ишларга сафарбар этиш зарурлигини уқтириб, мамлакатимизда ижтимоий адолат ва гўзал инсоний муносабатлар қарор топадиган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролар жамиятини барпо этишдек улуғвор мақсаднинг амалга ошишига хизмат қилади.

Аждодларимизнинг маънавий меросига мурожаат қилганимиз сари, миллий ғоя, миллий мафкурамизнинг фалсафий негизи, унинг мазмуни ва бугунги ҳаётдаги ўрни ҳақида тасаввуримиз янада кенгайиб бораверади.

Бизга маълумки, ислом дини одамларни иймон ва эътиқодди, инсоф ва виждонли, ҳақиқатгўй ва адолатли бўлишга, бағрикенгликка даъват этиб келган. Шундай экан, бугунги кунда ислом динини ўзи учун ниқоб қилиб олиб, отани-болага, болани-отага қарши қўяётган, одамларни, айниқса, ёшларни она-Ватанига қарши курашга, зўравонликка, босқинчиликка ундаётган тажовузкор, экстремистик руҳдаги «ваҳҳобийлик», «ҳизб-ут-тахрир» каби гуруҳларнинг фаолиятларини қандай баҳолаш мумкин? Бу оқимларнинг «раҳбарлар»и ҳокимиятни қўлга киритишдан иборат бош мақсадларини амалга ошириш учун мустақил фикрга, собит эътиқодга эга бўлмаган баъзи фуқароларнинг, айниқса, ёшларимизнинг онгини ислом динига ёт бўлган мафкуралаштирилган ақидалар билан заҳарлашга интилиб келмоқдалар.

Иймон-иродаси, эътиқоди заиф кишиларда инсоний гурур, инсоф, виждон, ор-номус, уят, ҳақиқат ва адолат каби баркамол инсонга хос фазилатлар етишмайди. Бундай кишилар Юртбошимиз таъкидлаганидек: *«турли мафкураларнинг босимида, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол»*².

Демак, дунёвий жамият қуришни мақсад қилиб олган давлатимиз диннинг мамлакатимиз фуқароларини, айниқса, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим маънавий омиллардан бири эканлигини эътироф этар экан, ундан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳақли равишда — *«биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий*

қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан бахраманг қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашшиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»³, – деб таъкидлаган эди.

Миллий ўзлигини англаб етган фуқароларгина ўз давлати тараққиётининг мақсад ва вазифаларни аниқ ва тиниқ идрок эта олади, миллий қадриятларининг умуминсоний мазмунга эга эканлигини, тор миллий манфаатлар билан чекланиб қолмай, инсоният тараққиётига дахлдор умумбашарий муаммоларни ҳам англай оладилар.

¹ Каримов И.А. Донишманда халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман, «FIDOKOR», 2000 йил 8 июн.

² Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 й., 6-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й., 44-бет.

*Ахрор ҲАСАНОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент*

ЁШЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Мамлакатимизда ва унинг атрофидаги қўшни давлатларда содир бўлаётган нохуш воқеалар, айниқса, ёшларга нақадар зарур хулосалар чиқариш даркор эканлигини кўрсатмоқда.

Ёшлар – бу ўзларининг ижтимоий мавқеи, ёши, ижтимоий-руҳий хусусиятлари билан ажралиб турадиган социал-демографик гуруҳ. Ёшлик даврининг ўзига хос хусусиятлари бор.

Бу давр ёшларнинг ўқиши, билим олиши, маълум бир касб танлаши ва уни эгаллаши, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш, ўз дунёқарашини шакллантириб, мустақилликка эришиш, оила қуриш ва ҳоказолар билан тавсифланади. Аммо, бу мақсадларга осонлик билан эришиб бўлмайди, негаки, жамиятни бошқариб турган катта ва ўрта авлод ҳаётга янги кириб келаётган навқирон авлодни дарров тан олгиси келмайди. Бу муаммо, аслида, ёшларнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади: уларнинг тажрибасизлиги, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан чиниқмаганлиги, назарий билим билан амалиётнинг номуаносиблиги, шунингдек, ёшларга хос сабрсизлик, калта ўйлаш, қизиққонлик ва бошқа белгилар бу муаммони янада чигаллаштиради.

Ҳозир республика миқёсидаги жиноятчиликнинг 85 фоизга яқини 25 ёшгача бўлган ёшлар томонидан содир қилинаётганини эътиборга олсак, ёшлар жамият ҳаётида нафақат ижобий, балки салбий таъсир кўрсатувчи куч бўлиши мумкинлигини ҳам англаса бўлади¹. Айрим матбуот хабарлари ва маълумотларига кўра, биргина Бухоро вилояти аҳолисининг 67 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Уларнинг 10 мингдан зиёди ишсиз экани бизни қаттиқ ташвишлантиради. Чунки ишсизлик билан жиноятчиликнинг ораси жуда яқин. Вилоятда юз бераётган жиноятларнинг 70 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирокида содир этилаётгани ҳам шундан дололат беради.

Таъбир жоиз бўлса, ёшлар ҳаракатини жўшқин дарёга ўхшатиш мумкин. Уларга тўғри ёндашсак, мўмин-қобил қилиб тарбияласак, бунёдкорлик авж олиб, жамият равнақ топади, гуллаб-яшнайдди. Мабодо улар қаровсиз қолдирилса, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ғанимларимиз дастёрига айланиб, жамият учун кони зарар кучга айланиши мумкин. Ана шу омилар инobatта олиниб, фидойи ёшларни тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда ёшларга оид дастур ишлаб чиқилди. Дастурда ёшлар бўйича сиёсатнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, имкониятларини кенгайтириш, таълим-тарбия олишга етарли шароит яратиш мақсадида мамлакатимизда турли жамғармалар, ташкилотлар тузилди. Бугунги кунда айнан ана шундай

муассасалар кўмагида ёшларимиз хорижда ўқиш, замон талаблари даражасида касб-ҳунар эгаллашга муяссар бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши ҳаёт қуриш, фаровон турмуш кечирishi учун яратилаётган имкониятлар кенгайиб бораётир.

Ёш авлодни турли қинғир йўللарга кириб кетишдан, номақбул оқимлар таъсирига тушиб қолишдан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Давлатимиз раҳбари И.Каримов 24 январ куни Тошкентда ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида бу ҳақда тўхталиб, ёшларимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш йўлидаги курашнинг икки тамойилини белгилаб берди. Уларнинг биринчиси, бу курашда халқимизнинг азалий анъаналарига, миллий қадриятларига асосланиш бўлса, иккинчиси умуминсоний ва замонавий қадрият ва ютуқларга таянишдир.

Миллий қадриятимизнинг олий белгиси — бу ватанпарварликдир. Ота-боболаримиз, аждодларимиз, алломаларимиз ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Улар Ватанга муҳаббатни ифода этиш борасида ажойиб намуналар кўрсатишган. Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий ўзларининг таҳаллусларини киндик қонлари тўкилган юртлари номлари билан боғлаганлари ҳам бир ибратдир.

Ватанпарварлик туйғуси ўз-ўзидан эмас, балки миллий онг, миллий ифтихор, ўзликни англаш сингари комил инсонга хос бўлган фазилатларни ўстириш орқали шаклланади. Халқимизнинг миллий гурурини, миллий ўзлигини, миллий онгини юксалтириш учун деярли унутилган тарихимиз ҳақиқатини тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Тарихимизнинг гувоҳлик беришича, халқимиз вақтида тарафқашлик қилгани, уюша олмагани, ўзаро келиша олмаганлиги учун юртимиз 130 йиллик қулик асоратига гирифтор бўлди. Шу хусусда ўйлаганда, қадим бир ривоят хаёлдан ўтади. Қадим замонда бошқинчилар Бухорони босиб олиб, мустақкам ўрнашиб олишдан олдин халқнинг келгиндиларга муносабатини билиш мақсадида катта сайил ўтказиб, «Бизни бу ерга нима олиб келди?» деган сўровнома ўтказибди. Биров «Сизни тақдир олиб келди» деса, бошқаси «Ўзларинг келдинглар» —

дебди. Хуллас, биров у, биров бу деб, аниқ жавоб беролмабди. Босқинчилар беҳад қувониб турганларида, Имомқозихон деган ёш бир йигитча жасорат билан ўртага чиқиб, «Сизларни бу ерга бизнинг феъли бадимиз олиб келди, яъни бизнинг бир эмаслигимиз», — дебди. Шунда келгиндилар бошлиғи ҳалиги йигитнинг ақлига тан бериб, шаҳарни унинг ихтиёрига топшириб, орқасига қайтиб кетибди.

Шундай қилиб, миллий қадриятларимиз ёшларимизни руҳий юксалишга даъват этувчи, инсон ички оламини бойитувчи, унинг иродаси, эътиқодини мустаҳкамловчи, виждонини уйғотувчи қудратли ботиний куч сифатида хизмат қилади.

¹ Юнусов К. Социология. Андижон, 1997 й., 102-бет.

*Соҳиб РАУПОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Бухоро давлат университети*

ҚАДРИЯТЛАР ВА МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Мустақиллик шарофати билан ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти қуриш бош мақсад қилиб қўйилган экан, бундай жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири — ижтимоий ва шахсий муносабатлар ўртасида объектив уйғунликнинг таъминланишидир. Лекин бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, бир томондан, жамият ва шахс манфаатлари ижтимоий жараён сифатида доимий равишда давлат томонидан тартибга солиниб ва идора этиб турилса, иккинчи томондан, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, «ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган шахсни¹» шакллантириш лозим бўлади. Бундай шахсни шакллантириш, табиийки, узоқ вақт давом этадиган мураккаб жараёндир.

Бу борада амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлардан кўзланган асосий мақсад — асрлар оша шаклланиб келган ҳалоллик, адолатпарварлик, раҳм-шафқат каби миллий қадриятларимизни инсон эътиқодига айланишига эришишдир. Ўзбек халқига азалдан хос бўлган бундай қадриятлар Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Масалан, «*Оллоҳ таоло ҳаққи, — дейилади ҳадиси шарифда — ўла-ўлгунингизча зиғирдек бўлса ҳам ҳаққингиз бўлмаган нарсани олмангиз, илло қиёмат куни ноҳақ олган нарсангизни кўтарган ҳолда Унга рўбарў бўлмайсиз²*». Ушбу ҳадисда инсонлар ҳалолликка даъват қилинмоқдаки, ҳалоллик манфаатлар уйғунлигини таъминловчи энг катта ҳислатдир. Ҳалол одам ҳеч қачон ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўймайди.

Шуниси ачинарлики, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бойлик орттиришни ягона мақсад қилиб қўйиб, ўз манфаатларини ўзгалар манфаатидан устун қўювчилар ҳам учраб турибди. Шундайларга қарата ҳадиси шарифда, «*фақат ҳалол топиб энглар, ўзингиз бирла жаннат орасида юв тушмасин десангиз, кафтингизни қон билан букмангиз³*» дейилади. Иймонсиз савдогарларга қарата «*савдога на иллат ва на хиёнат ва на ўғрилик бўлмаслиги лозим⁴*», деб хитоб қилинган.

Ўз шахсий манфаатлари билан жамият манфаатларини уйғун ҳолда кўрувчи шахсларни шакллантириш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлардан яна бири — меҳнатга яроқли ва, умуман, бутун аҳолининг собиқ мафкура ҳукмронлиги йилларида шаклланган боқимандалик кайфиятини ўзгартиришдир. Бундай кайфияттаги кишиларни давлатнинг ёрдамидан бевосита ва билвосита фойдаланувчиларидан ўз тақдири учун ўзи курашувчиларга, ўзининг моддий фаровонлиги учун ўзи масъул бўлган кишиларга айлантириш лозим бўлади. Жамиятнинг ҳар бир аъзосида унинг ҳаётда эгаллайдиган мавқеи, муваффақиятлари унинг ўзига, билимига, касб-маҳоратига, астойдил меҳнат қилишига боғлиқлигига ишонч шакллансагина меҳнат қадриятга айланиб, боқимандалик кайфияти йўқолиб боради. Шунинг учун миллий қадриятларимизда меҳнат ҳамиша улуғланган. Ҳадиси шарифда «*...кўтарилган қўл (меҳнат*

қиладиган қўл) туширилган қўлдан (тиланчи қўлдан) яхшидир⁵», деб таъкидланган. Дарҳақиқат, меҳнат олий қадриятга айланиб, жамият «берсанг ейман, урсанг ўламан» тамойилига асосланиб яшовчи кимсалардан батамом қутулган тақдирдагина ўзгалар манфаатини инкор қилувчи шахслар қолмайди.

Миллий қадриятларимиз асосида тарбияланган шахс ўз манфаати билан жамият манфаатини уйғун ҳолда кўрувчи баркамол инсонгина, порлоқ истиқболимизнинг ҳақиқий пойдевори бўла олади.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Тошкент, 2000 й., 12-бет.

² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. («Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»), 4-жилд, 1997 й., 353-бет.

³ Мазкур асар, 357-бет.

⁴ Мазкур асар, 354-бет.

⁵ Мазкур асар, 201-бет.

*Ҳасан ПЎЛАТОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент,
Фарғона давлат университети*

МИЛЛИЙ ҒОЯ — МИЛЛАТЛАРАРО БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Миллий ғоя тушунчаси кенг фалсафий мазмунга эга. Миллий ғоя ҳар бир халқ ёки миллат маънавиятининг, ўзагини ташкил қилади. Унинг таркибига миллий онг, миллий руҳият, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий тикланиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллийлик, ўзликни англаш каби ижтимоий-фалсафий тушунчалар киради. Миллий ғоя ва миллий мафкура ўзаро бир-бирини тақозо этади ва уйғунлашиб кетади.

Халқимизнинг миллий ғояси ва мафқураси қадимий ва мустаҳкам маънавий пойдеворга таянади. Адолат ва тенглик принципларига асосланган миллий ғоя миллатлараро барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омили бўлиб келган ва ана шундай бўлиб қолади. Бу ғоянинг ўзагини Ватан туйғуси ташкил қилади ва бу туйғу миллатлараро муносабатларни баркамол ривожлантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ўзликни англаш ва бошқа миллатларга хайрихоҳлик кўрсатиш миллий ғояни амалга оширишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

«Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқлардан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа мазҳаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган, — дейди И.А.Каримов, — шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон, агар у бизнинг Ватанимизни, тупроғимизни ҳудди биз каби муқаддас билса, Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ».

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида миллий ғоя, аждодларимиз қолдирган маънавий-маданий меросга ва қадриятларимизга таяниб, ватанпарварлик руҳини барчанинг онгига жо қилмоқ муҳим масала. Мустақилликка эришган миллат ўз вазифаларини умуммиллий ғоя ва мафкура сифатида қанчалик теран англаб етса, унинг моддий кучга айланиши, одамлар, онгига ва фаолиятига ижобий таъсири шунчалик самарали бўлади. Миллий ғоя ўзида миллийлик ва умуммиллийликни яхлит дунёқараш сифатида сингдириши билан таъсирчандир. Бу — ўзбекларнинг миллий тафаккурини, миллий онгини кўтаришга биринчи даражали масала деб қараган ҳолда, мамлакатимизда яшаб турган барча миллатлар ва элатлар вакилларининг маданияти, тили, дини, урф-одатлари, бинобарин, миллий онгининг ўсишини таъминлаш, барча миллатлар ва халқлар ва кўп миллатли аҳолининг давлат ва миллий манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлантириш демакдир. Бунингсиз миллий ўзликни тиклаш, тинчлик ва миллатлараро тотувликка асосланган фуқаролик жамиятини барпо қилиш қийин бўлади. *«Марказий Осиёнинг бир халқини бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш лозим, — деб таъкидлайди И.А.Каримов. — Бундай уринишлар қандай*

баҳоналар билан ниқобланмасин, улар фақат минтақадаги фуқаролар тинчлигини ва минтақалараро тотувликни жигдий бузишгагина хизмат қилади, холос»¹.

Ҳар томонлама чуқур англаб олинган миллий ғоя ана шундай гаразли хатти-ҳаракатларни бартараф этишга хизмат қилади.

Диний ақидапарастларнинг динларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, шу асосда, динлараро ва миллатлараро низоларни кужудга келтириш учун уринишлари асоссиз, пуч нарса. Диний бағрикенглик ғоялари Қуръонда ҳам ўзининг чуқур инъикосини топган. Исломи дини миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқарадиган ақидапарастликни нодонлик ва жоҳиллик деб билади. Мусулмонлар бошқа дин вакиллари билан тарафкашлик, калтабинлик ила муомала қилмасликлари керак. Уларнинг худоларини ҳақоратлаб, беобрў қилишлари, динларини камситишлари жоиз эмас².

Демак, миллатлараро ва динлараро муносабатларни ўзаро тенглик ва адолат заминида қуриш жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашнинг муҳим омилидир. Бу борада Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар ҳаммага маълум. Ҳозирги кунда республикамизда 15 та диний конфессия уюшмалари фаолият кўрсатиб, юртнинг тинчлиги ва тотувлиги йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Исломи дини ўзининг жозибали умуминсоний қадриятлари, моҳияти ва мазмуни билан миллий ғоямизнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Исломи дини ғоялари халқларни бирликка, биродарликка, ўзаро меҳр-оқибатга, тинчликка, фаровон турмуш кечиришга чақиради. Бу эса ҳар бир миллат ва халқнинг туб манфаат ҳамда истакларини ифодалайди. Исломи ақидапарастлари тарғиб қилаётган фикрларнинг чин маънодаги исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бундай ғоялар жаҳолатпарастликка, нодонликка, хунрезликка, ноинсоний удумларга асосланган.

«Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш уларнинг қалбига миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадрият руҳида тарбиялашдан иборатдир», — деб уқтиради И.А.Каримов.

Президентимиз кўрсатиб берган ушбу вазифаларни амалга ошириш илм-тарбия ходимларидан жуда катта масъулиятни талаб қилади. Халқимизни ҳушёрликка даъват этар экан, И.А.Каримов, олимлар ва пешқадам зиёлиларни халқ орасига янада чуқурроқ киришга чақиради, халққа мафқуравий озикнинг мезони бўлган ҳақиқат ва фақат ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиб, ишончини қозониш ва шу асосда, уни янги марраларга чорлаш зарурлигини уқтиради. Энг масъул вазифа миллий ғоя ва миллий мафқуранинг таъсирчан моддий кучини рўёбга чиқаришдан иборатлигини қайд этади. «Бунинг учун эса, авваламбор, миллий ғоя, миллий мафқура негизига одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод Ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур» – дейди И.А.Каримов. Бу вазифани амалга оширишда тарихчилар, файласуфлар, «Маънавият ва маърифат» марказлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари керак.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й., 78-бет.

² Ислом асослари. Тошкент, 1991й., 106-107-бетлар.

*Юсуф НИШОНОВ,
профессор, Тошкент давлат тиббиёт институти
Фарғона филиали директори*

МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК – УЛУФ НЕЪМАТ

Тарих миллатнинг мураббийсидир. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасорати тарихий хотирамизни жонлантириб, янги

фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган беназир арбоблар кўп бўлган. Булардан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз нафақат миллий маданиятимиз, балки жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшиб, халқимизнинг миллий ифтихорига айланиб қолганлар.

Халқимизнинг миллий, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва турли миллатга мансуб халқлар тинч-тотув яшаган улуғ аждодларимизнинг маскани бўлиб келган.

Истиқлолимиз ўн йиллигининг энг муҳим якуналаридан бири — барча миллат халқлари учун «Умумий уй»га асос солинганлиги, янги кўп элатли бирлик вужудга келганлиги бўлди. Унинг негизини ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳияти, маънавий-руҳий қадриятларнинг ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши ташкил этади. Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса Мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди. Дарҳақиқат, республикамиз туб аҳолисининг 80 фоизи ўзбеклар бўлса, қолган 20 фоизи ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ турли миллат вакиллари дидир.

Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократиялаштиришга ундовчи таъсирчан куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин, инсониятнинг бойлигидир. Унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзида маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боисдан, Президентимиз ибораси билан айтганда, ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак.

«Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаб туриш жараёнида турли хил миллатлар ўртасида миллатлараро муносабатларни яхшилаш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу борада ҳар бир минтақада яшаётган халқларнинг этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларининг мустаҳкамланаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоғи зарур», — дейди И.А.Каримов. Шубҳасиз, Юртбошимизнинг бу борадаги сиёсати Марказий Осиё давлатларининг асосий стратегик ва миллий манфаатларига тўла жавоб беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида яққол кўзга ташланади. Унда айтилганидек, *«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».*

Шу муносабат билан республикамызда миллий уйғониш жараёнлари фақат ўзбеклар орасидагина кечиб қолмасдан, балки Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларга мансуб фуқарорларимиз орасида ҳам фаоллашмоқда ва этник-маданий жипслашиш юз бермоқда. Энг катта бойлигимиз ҳисобланган бундай аҳиллик — давлатимизда тинчлик-тотувликни сақлаш ва барқарорликка эришишнинг мустаҳкам заминидир.

Бахтиёр МҶМИНОВ,
хорижий мамлакатлар билан дўстлик,
маданий-маърифий алоқалар жамиятлари
Кенгаши вилоят бўлими директори

ИСТИҚЛОЛ ВА ХАЛҚАРО МАДАНИЙ- МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР

Ҳар қандай давлат ва халқ учун бошқа давлатлар ва халқлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш, ўзаро маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш нақадар муҳим эканлиги ҳаммага маълум.

Бу борада азалдан қўлланиб келинган услуб ва имкониятлар мавжуд. Масалан, давлат йўли билан, унинг тизимидаги турли хизматлар орқали алоқалар ўрнатиш энг синалган ва кўп қўлланилган усул ҳисобланади. Айниқса, бу муҳим жараёнларни амалга оширишда илгари ҳам, ҳозир ҳам алоҳида эътиборга молик имкониятлардан бири, бу — халқ дипломатиясидан фойдаланишдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда юзлаб нодавлат жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз Низомига кўра, амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилади, аҳолининг муайян қатлами билан иш олиб боради, мақсад ва гоёларини амалга ошириш чораларини кўради. Зеро, уларнинг фаолияти бир-биридан фарқ қилади, пировард мақсадига эришиш имкониятлари ва услублари ҳам турлича. Бироқ уларнинг барчасини бирлаштирувчи муштарак мақсади ҳам бор, албатта. У ҳам бўлса, халқимизнинг, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун курашиш, бунинг учун мустаҳкам замин яратиш, давлатимизнинг халқаро нуфузини тобора юксалтиришдир.

Нодавлат жамоат ташкилотларининг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ришталарини боғлаш ва мустаҳкамлаш, улар билан маданий-маърифий ва илмий алоқаларни ривожлантириш ҳамда ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилишга йўналтириш борасидаги фаолиятларини вилоятимиз мисолида кўриб чиқайлик.

Республикамикизга, хусусан, Фарғонага жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор қаратган улкан воқеа, бу — буюк аллома, бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини халқаро миқёсда нишонланишидир. Ушбу тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга кўпгина жамоат ташкилотлари муносиб ҳисса қўшдилар. Тайёргарлик жараёнида янги нодавлат жамоат ташкилоти — “Аҳмад ал-Фарғоний” жамғармаси дунёга келди ва барча ташкилий ишлар ана шу жамғарма орқали амалга оширилди.

Шунингдек, бўлимимиз ҳамда Риштон тумани ва Марғилон шаҳри бўлимларининг ташаббуслари билан вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдамида “Бурҳониддин ал-Марғиноний” жамғармаси ташкил этилди. Риштон тумани ва Марғилон шаҳрида улут бобокалонимиз, фикҳ илмининг дунё тан олган алломаси Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Рошидоний илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро симпозиум ўтказилди. Бу нафақат илм аҳли, балки диний уламолар ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлди. Ҳукуматимизнинг ва шахсан Президентимизнинг миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада бойитиш, диний масалаларга муносиб эътибор бериш борасидаги сайъ-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Ҳамюртимиз, ислом ҳуқуқшунослида «Соҳиби Ҳидоя» унвони билан машҳур бўлган Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонланиши, шу улут айём куни Марғилон шаҳрида аллома шарафига қуриб битказилган меъморий мажмуа — ажойиб зиёратгоҳнинг Юртбошимиз ишгирида очилиши вилоятимиз тарихига унутилмас маънавий саҳифа бўлиб қўшилди.

Президентимиз Фармони билан 1997 йил май ойида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларини янада ривожлантириш, бу соҳада делегациялар айирбошлашни йўлга қўйиш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда халқ дипломатияси имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, хориждаги юртдошлар билан алоқа ўрнатиш, хорижлик ишбилармонларни биз билан ҳамкорликка жалб этиш мақсадида кенгаш тузилган эди.

Вилоятимизда ҳам 1998 йил 14 январда унинг бўлими ташкил этилди. Шундан буён вилоят бўлими режа асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. 1998 йилнинг август ойида вилоятимизда “Ҳиндистон 50 йил ичида” номли фотокўргазмани ташкил этиш

ва ўн кун давомида жамоатчиликка намоён этишда бўлимимиз бевосита ташкилотчилик қилди.

Вьетнам Социалистик Республикасининг вилоятимиз билан биродарлашган Фуен провинциясидан дўстона ташриф билан келган делегация тўрт кун мобайнида Қўқон, Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Қува, Риштон, Данғара туманларида бўлиб, маънавий маърифий ишларнинг ташкил этилиши масалалари билан яқиндан танишдилар, Қўқон шаҳри тарихий обидалари, Қувасойдаги "Кварц", "Исфайрам", Риштондаги кулолчилик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти, қишлоқ мактаблари бошланғич таълим тизимида олиб борилаётган ишлар меҳмонларга манзур бўлди. Ушбу делегацияни муносиб кутиб олиш, вилоятимиз билан таништириш ва кузатишдаги хизматимиз учун бўлимимиз Вьетнам элчихонасининг раҳматномасига сазовор бўлди.

Худди шунингдек, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида вилоятимизга дўстона ташриф билан келган япониялик жаноб Като ва Тсуримаки хонимлар ҳам уч кун давомида Фарғона, Андижон вилоятларида бўлишиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида юртимизга келиб қолган, кейинчалик шу ерларда дафн этилган ҳамюртлари ҳақида маълумотлар тўплашди. Ташриф давомида улар Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги ҳамда Андижон вилоятидаги япон аскарлари қабрларини зиёрат қилдилар. Бу зиёрат тўғрисида вилоятимизда фаолият кўрсатаётган "Риштон-Япония" маданий-иқтисодий алоқалар Маркази махсус буклет тайёрлади. Меҳмонлар кўрсатилган илтифотлар учун миннатдорлик изҳор этиб, халқ дипломатияси имкониятларидан кенг фойдаланиш, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамланиши учун хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Италиялик меҳмонларнинг қадим Қўқон ва Андижонни зиёрат қилиш учун вилоятимизга келиши, уларнинг шаҳар жамоатчилиги ва ўқувчилар билан ўтказган учрашув-суҳбати, савол-жавоблари шуни кўрсатадики, нодавлат жамоат ташкилотларининг бу борада фойдаланилмаётган имкониятларидан янада кенгрок, унумлироқ фойдаланиш зарур экан. Бу — давр тақозоси, давр талабидир.

Маълумки, вилоятимизда ихтиёрий, ўз ташаббуслари билан бир ташкилотга бирлашган корейс, славян, қирғиз ва немис миллий-

маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Бўлимимиз Истиқлол ғоялари, миллий қадриятларимиз ва санъатимизни тарғиб қилиш орқали халқимизни, айниқса, ёшларимизни тинчликни қадрлашга даъват этиш ҳамда ёшлар орасида гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик ва экстремистик ғояларга қарши кураш олиб бориш ишига ҳисса қўшиш мақсадида Фарғона, Қўқон, Қувасой, Марғилон шаҳарларида, Данғара, Учкўприк, Қува, Бешариқ, Ёзёвон туманларида "Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон!", "Сен муқаддасан — Аёл!", "Дардинга дармон бўлай, халқим!" мавзуларида тайёрланган ўнлаб концерт дастурларини намойиш этди. Бўлим қошида ташкил этилган "Малҳам" гуруҳи ва бўлим билан ҳамкорлик қилиб келаётган "Севинч", "Хушнаво" гуруҳларининг чиқишлари меҳнат жамоалари, айниқса, ёшларда яхши таасурот қолдирмоқда.

Халқ дипломатиясини ривожлантириш орқали халқаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий муносабатларни самарали йўналтириш, чет эллардаги юртдошларимиз билан тарихий алоқаларни тиклаш, мустақил республикаимиз ва вилоятимизда эришилаётган ютуқларни халқаро миқёсда тарғиб қилиш каби вазифаларни бажаришга бундан буён ҳам муносиб ҳисса қўшамиз, деган умиддамиз.

*Турсунали ЭРБЎТАЕВ,
Фарғона вилояти Охунбобоев тумани
«Мўйи Муборак» масжиди имом-хатиби*

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ХАЛҚҚА ҚАЙТИШИ

Жамиятимизда янгича тафаккурни шакллантириш, халқимизнинг диний қадриятлари, илмий, маънавий-маърифий ва ахлоқий анъаналаридан самарали фойдаланиш — истиқлол талаби, замон тақозосидир. Ислом дини, унинг ҳаётбахш

таълимоти, аввало, инсонни энг мукаррам зот сифатида эъзозлайди. Унинг маънавий камолотига ва ҳаётий манфаатларига хизмат қилади. Мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаш ва ёшларни маънавиятли қилиб тарбиялашда миллий-диний кадриятлардан самарали фойдаланиш ғоятда катта аҳамиятга эга.

Ислом дини мазмун-моҳияти билан азалдан жамият равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келган. Ислом оламида Имом ал-Бухорий номи ҳурмат билан тилга олинади, чунки ул зот илм, хулқ-одоб ва тақвода энг олий даражаларга эришганлар.

Имом ал-Бухорий бизга бой илмий мерос қолдирган. Ул зотнинг қаламига мансуб «ал-Жомийъ ас-саҳийҳ», «ат-Тарих ал-кабир», «ал-Адаб ал-муфрад» ва бошқа йигирмага яқин қимматли асарлар мавжуд. Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ёзиб қолдирган асарлари мусулмонларга ҳидоят йўлини кўрсатувчи манба сифатида асрлар оша ўз қимматини йўқотмасдан келмоқда.

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг «амир-ул-мўъминин фил-ҳадис» - «муҳаддислар султони», «имом-уд-дунё» - «дунё имоми», «шайх-ул-ислом» - «ислом пешвоси» каби бир қанча унвонлари бор. Исми — Муҳаммад. Ал-Бухорий номи эса ул зоти шарифнинг туғилган жойига ишора, яъни нисбасидир. Имом ал-Бухорийнинг энг улуғ фазилатларидан бири ул зот мугаассибликнинг ҳар қандай шаклларида узоқ бўлганларидир. Ўз салоҳиятларидан бирон мартаба ғурурланмаганлар. Мақсадлари бу дунё амалларидан фақат тўғрилиқ ва ҳалоллик билан охират савобини топиш эди.

Имом ал-Бухорийнинг ёшлиқ чоғларига назар солсак, у кишининг ғоятда зийрак ва зукко бўлганликларини кўрамиз. Ҳаётининг илк паллалари ўзидан катта ёшдаги ўқувчилар билан мактабга қатнаб, улар оладиган ҳар хил дарсларни тез ўзлаштириб ола бошладилар. Баъзи манбаларда келишича, Имом ал-Бухорий ўн бир ёшида юзлаб ҳадис ровийларининг тўлиқ номларини билган.

Имом ал-Бухорий — ҳақиқий ифтихоримиз. Муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: «*Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш мен учун улуғ ва шарафли вазифани адо этиш билан баробардир*». Биз улуғ бобокалонимиз билан ҳар қанча фахрлансак — арзийди. Ҳозирги

энг муҳим вазифа — буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг бой илмий меросини пухта ўрганиш, тарғибу ташвиқ ва ҳаётга кенг татбиқ этиш ҳамда шунга муносиб равишда хайрли ишларни амалга ошириб, ёшларнинг маънавий баркамоллиги учун ҳаракат қилишдир.

*Собиржон НОРМАТОВ,
Фарғона шаҳар «Уммул-Қуро» масжиди имом-хатиби*

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ

Оллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, Ватанимиз истиқдоли бугунги кун аҳли-илмларига, хусусан, ўсиб келаётган ёшларимизга миллий қадриятларимиз қатори ажод алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганишга катта имконият яратиб бермоқда. Шу муносабат билан бугун Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва ул зотни етиштирган муҳит ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш ўринлидир.

Буюк муҳаддис бобомиз Имом ал-Бухорий ислом оламида ўзининг фидойи меҳнати туфайли шундай юксакликка эришганки, ул зоти муборакка тенг бирон-бир аллома ҳануз кўринмайди. Ислам оламида бу зоти шарифнинг «муҳаддислар султони» деб номланиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ал-Бухорийнинг қувваи ҳофизаси жуда кучли бўлиб, ўқиган нарсалари ҳеч қачон ёдидан чиқмас экан. Бу Оллоҳ таолонинг ул зотга ато этган инояти эди. Замондошларидан бири унинг зеҳнига ҳаваси келиб, хотирани кучайтириш йўлини сўраганида, Имом ал-Бухорий ҳазратлари: «Бунинг учун муттасил интилиш ва кўп китоб ўқиш керак», — деб жавоб қилган эканлар.

Имом ал-Бухорий замондошларининг гувоҳлик беришича, ул зот ўн ёшлик чоғида жуда кўп ҳадисларни ёд билганлар ва ҳатто устозлари баъзи ровийларнинг исмини нотўғри айтганда, уларни

тузатган эканлар. Бир куни ул зотни синамоқчи бўлиб, «Устозларингиз кимлар, улардан биттадан ҳадис айтинг?», — деб сўрашганда, ал-Бухорий мингта устозидан мингта ҳадис айтиб, мажлис аҳлини лол қолдирган экан. Тарихий манбаларда ул зотнинг иймон-этиқод ва тақволари мустаҳкам бўлганлиги, Рамазон ойида ифторликкача ҳар куни Қуръони каримни бир марта ҳамда ҳар уч кунда саҳарликкача яна бир марта хатм қилганлиги зикр этилган.

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳижрий III аср аввалига тўғри келади. Бу аср ислом оламида «олтин давр» деб баҳоланган. Ана шу даврда ҳадисшунослиқда уч йўналиш бўлиб, биринчиси — «Муснад», иккинчиси — «Саҳиҳ», учинчиси — «Сунан» деб аталган. Саҳиҳ йўналишига буюк муҳаддис олим Имом ал-Бухорий асос солган. Бу йўналишда таълиф этилган тўпламларга фақат тўғри, ишончли ҳадислар киритилган. Шуни таъкидлаш лозимки, исломнинг I-II асрларида ҳақиқий ва тўқима ҳадислар ниҳоятда қоришиб кетган эди. Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ» йўналиши ана шу чалкашликларни ислоҳ қилди.

Имом ал-Бухорий таълиф этган «ал-Жомийъ ас-саҳийҳ» номли ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалидир.

Жаноби Ҳақ таоло ва ул Зотнинг суюкли пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) бир неча ҳадисларида бизларга илм олишни ҳам фарз, ҳам қарз сифатида буюрганлар. Натижада ислом дини етиб келган диёрларда одамларнинг илмга интилиши ва ташналиги бошқа ердагиларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада катта бўлди. Динимиз бизга фақатгина диний илмларни эмас, балки дунёвий билимларни ҳам ўрганишни буюрди.

Имом ал-Бухорий Ҳазрат Умардан шундай ривоят қиладилар: «Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинглар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эмас: бири, кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берса-ю, уни Ҳақ йўлда сарфлаётган бўлса, иккинчиси, кишига Оллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, шу туфайли олий мақомга эришиб, одамларга билганини ўргатаётган бўлса», — деганлар.

Имом ал-Бухорий сабоқлари бутунги кунда ҳам биз учун юксак ибрат мактабидир.

*Набижон ТЕМИРОВ,
педагогика фанлари доктори,
Шокир МАЪМУРОВ,
катта ўқитувчи, Фарғона давлат университети*

БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА «АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИЙҲ» АҲАМИЯТИ

Ўзбеклар маънавий соҳасида ўзига хос дорилфунун яратган халқдир. Президентимиз таъкидлаганидек, «Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавийт, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва, ўз навбатида, фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди»¹.

Шиори эзгулик бўлган ислом, иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида бутун умрини бахшида этган буюк зотлардан бири — Имом ал-Бухорий ҳазратларидир.

Имом ал-Бухорий ислом динига оид 20 дан ортиқ асар ёзган. Ул зоти шарифнинг «ал-Жомиъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») деб номланган ҳадислар тўплами қарийб XII аср давомида Қуръони қаримдан кейинги асосий манба сифатида юксак баҳоланиб келмоқда.

Илк манбаларга асосланиб, пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаш, қиёмега етказиш, илмий тартибга солиш билан кўп олимлар шугулланганлар. Ислом оламида улардан баъзиларигина «мусаҳҳих», яъни энг ишончли ҳадис тўловчи деб тан олинган. Ана шуларнинг олдинги сафида Имом ал-Бухорий ҳазратлари турганлар.

«Саҳийҳ ал-Бухорий»да келтирилган ҳикматлар мажмуаси минг йиллар оша улуғ ғояга — фаровон ва адолатли жамият қуриш, ҳар томонлама етуқ, маънавий қомил инсонларни тарбиялашдек

ўта муҳим ва ғоят олийжаноб мақсадга хизмат қилиб келмоқда. Улар фақат шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириб қолмай, балки инсонларга хос барча хислатлар, фазилатлар, ахлоқ, таълим-тарбия ва бошқа юзлаб қадриятларни қамраб олган.

Уларнинг ҳар бири замирида инсон шахсини шакллантиришга манба бўлган олам-олам маънолар ётибди. Буюк аллома меросининг замонавий аҳамияти, унда мужассам бўлган маънавий бойликларни, барча илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий имкониятларни бугунги жамият ривожига жалб этиш, ёш авлоднинг тарбияси жараёнида фойдаланиш муҳим вазифамиздир.

Имом ал-Бухорийнинг маънавий мероси ҳозирги жамиятимиз, айниқса, ёш авлод, унинг соғлом турмуш тарзи учун катта тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга. Миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз ривожига алоҳида эътибор берилаятган, айниқса, ўзаро меҳр-оқибат, оила, маҳалла каби асл шарқона урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар қайтадан тикланаётган ҳозирги вақтда Имом ал-Бухорий меросининг қадри янада ортиб, кундалик заруратта айланиб бормоқда.

Имом ал-Бухорийнинг муборак номи миллатимиз рамзига айланди. Унинг асарлари, жаҳондаги юздан ортиқ тилларга таржима қилинган ва уларга шарҳлар битилган. Энг муҳими, унинг бой мероси бошқа муштарак маънавий қадриятлар қаторида бошқа халқ ва мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштирадиган маънавий кўприкларнинг энг улканидир.

Президентимиз Фармонига мувофиқ, 1998 йилда буюк муҳаддис таваллудининг ҳижрий тақвим бўйича 1225 йиллиги катта эҳтиром ила нишонланиб, унинг мақбарасида ёдгорлик мажмуи ташкил этилди. Президентимиз ушбу зиёратгоҳнинг очилиш маросимидаги нутқида «маълумки, ислом динининг бош ғояси, бу — «ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий беқиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншоллоҳ. Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод

бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!» — деган эдилар.

Она юртимиз номини жумлаи жаҳонга машҳур этган шундай буюк зотларга муносиб ворислар бўлиш биз — бугунги авлод учун улкан шараф ва катта масъулият, ҳам фарз, ҳам қарзидир.

¹ Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 3-том. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 й., 7- бет.

*Абдухалил ҲАЙДАРОВ,
тадқиқотчи, Фарғона политехника институти*

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА ДИНИЙ МАДАНИЯТ

Мустақил диёримизда миллий тикланиш ва тараққиёт ҳамда покланиш жараёни кечмоқда. Бу жараён миллий ўзликни англаш билан уйғунлашмоқда. Ватан, халқ, миллат, инсонпарварлик туйғуси иймон-этиқод билан қўшилиб, тарихий хотира орқали кўҳна тарихимизни ёдга олиш, ўрганиш иштиёқи тобора жўш урмоқда. Тарих ҳақиқати тикланмоқда.

Халқимизнинг бетакрор тарихи, аждодларимизнинг кейинги авлодлар учун қолдирган битмас-туганмас маънавий мероси, умуминсоний маданиятга қўшган ҳиссаси, инсоний фазилатлари, қаҳрамонлари билан доврўф таратган мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Ота-боболаримиз ва бобокалонларимиздан қолган анъаналар, удумлар, тилимиз, динимиз тикланмоқда.

Истиқлол туфайли асрлар давомида яратилган бой маънавий, маданий меросни ўрганиш бахтига муяссар бўлдик! Шу меросни асраб-авайлаб, тўплаб, эзгулик ва яхшилик йўлида фойдаланиш ва келажак авлодларга етказишда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан яратилган «ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») ҳадислар тўплами буюк аҳамиятга моликдир.

Чунки Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳикматлари, феъл-атвори, хайрли ишлари, келгуси авлод учун қолдирган ибратли мероси у сайқаллаган ҳадисларда мужассамлашган.

Инсонга хос бўлган фазилятлар, одоб-ахлоқ қоидалари, киши маънавиятининг нозик қирралари, унинг муруввати, саховати, дид-фаросати, ота-онаси, қавм-қариндоши, оиласи, халқи, миллати, Ватанига бўлган садоқати, тинчлик, осойишталик, ҳурлик, эркинлик, эзгулик, раҳм-шафқат, табиатта бўлган эъзозли муносабат каби муҳим масалалар ҳадис илмининг асосий мавзуларидир.

"Ал-адаб ал-муфрад" китобида таъкидланишича, Имом Бухорий: "Мен бир минг саксонга муҳаддисдан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари "Иймон — сўз ва амалдан иборатдир", деган эътиқоддаги кишилар эдилар", — деб ёзади.

Имом Бухорийнинг маънавий меросида "ал-Жомеъ ас-саҳийҳ" ("Ишончли тўплам"), "ат-Тарих ал-кабир" ("Катта тарих"), "ат-Тарих ас-сағир" ("Кичик тарих") каби асарлар алоҳида аҳамият касб этади.

Биз демократик, фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Дунёвий жамият диннинг ижтимоий ўрнини ҳамда инсон маънавий оламида тутган нуфузини тўғри баҳолайди.

Ислом динининг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётдаги ўрни истиқлол шарофати ила қарор топган экан, унинг маънавий баркамол инсон тарбиясидаги ўрнини алоҳида таъкидламоқ лозим. Шу боис дин қадрият ва маданият сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, аждодларимиз маданиятининг таркибий қисми бўлган ислом таълимотини ўрганиш ва унинг баркамол ёш авлод маънавий тарбиясига хизмат қиладиган жиҳатларини кенг тарғиб этиш барча зиёлиларнинг, айниқса, маърифат ва маънавият соҳаси ходимларининг асосий вазифаларидан бўлиши керак.

*Гулхумор СОЛИЖОНОВА,
аспирант, Андижон давлат университети*

«АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИЙҲ» – ОИЛА ВА НИКОҲ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАИ

Мустақилликнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган ижобий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига ўз миллий қиёфасида кириб боришга интилоқда. Умумжаҳон маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимизни хотирлаб халқаро миқёсдаги анжуманлар ўтказилаётганлиги, улар қолдирган бебаҳо мероснинг ҳозирги замон муаммоларини ҳам ечишга қодир жиҳатлари қайтадан тикланаётганлиги халқимизга алоҳида сурур бахш этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга¹. Бу ҳақдаги етакчи тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63–66-моддаларида ўз аксини топган². Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан қабул қилинган ҳамда 1998 йилнинг 1 сентябридан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси³да махсус қонун сифатида мустақамланган. Ушбу кодекс нормаларида республикада қурилаётган инсонпарвар демократик давлат вазифаларини бажаришга, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этишга қаратилган қоидалар ўз аксини топган.

Бироқ ҳар қандай ижтимоий қонунлар мажмуини, жумладан, оила ва никоҳ масалаларига оид, мазкур кодексни ҳам мавжуд ижтимоий муносабатларнинг барча эҳтиёжларига бекаму кўст мувофиқ келади, деб айтиш нотўғри бўлади. Сабаби, жамият

ривожланиб, тараққий этиб боргани сайин, қонунлар ҳам ана шу жараёнда жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда такомиллашиб бормоғи лозим.

«Ал-Жомий ас-саҳийҳ»ни оила ва никоҳ ҳуқуқининг манбаи сифатида илмий ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, ислом ҳуқуқининг манбаи бўлган, аждодларимиз одатлари асосида шаклланган ҳуқуқий нормаларнинг аксарияти ҳозирги замон оила ва никоҳ қонунларини умуминсоний қадрият сифатида тўлдириши мумкин. Ҳатто улар айрим замонавий ҳуқуқий нормаларга нисбатан табиий ҳуқуқни таъминлашга кўпроқ мувофиқ келади. Ҳадисларда, айниқса, оила ва никоҳ ҳуқуқининг никоҳ тузишнинг тартиб ва шартлари, эр-хотин ва бошқа оила аъзоларининг ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, никоҳнинг тугатилиши асослари ва тартиби каби қатор ҳуқуқий нормалар жуда мукамал ишланган.

«Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл»нинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қисмидаги 16-моддага ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт» қисмидаги 23-модданинг иккинчи бандига кўра, «балоғатга етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки динига қараб бирор-бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадир. Улар никоҳдан ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтида ҳам ва никоҳ бекор қилинаётганида ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар»⁴, деб таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси халқаро ҳуқуқнинг мазкур нормасига риоя этишни кўзлаган ҳолда кўпчилик давлатларда оилавий муносабатларда эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этишнинг ягона йўли деб ҳисобланган моногам оилалар ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эътиборни қаратди. Бу ҳолат, ҳаттоки, унинг 16-моддасида: «Никоҳ тузишга, лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида... йўл қўйилмайди»⁵ — деб мустаҳкамлаб ҳам қўйилди. Айрим Фарб олималари оила ва никоҳ ҳуқуқи билан демографик воқелик ўртасидаги номувофиқлик сабабли юзага келиши мумкин бўлган табиий ҳуқуқларнинг камситилишидан қутулишнинг бошқа чорасини тополмай, «никоҳ киши

эркинлигини чеклаб қўяди, у инсон табиатига зид нарсадир»⁶, деган ғайриинсоний, аёлларни енгил ҳаётга чорловчи назарияларни илгари сурмоқдалар. Жамиятни бундай ахлоқсиз ғоялардан сақлаш, жамият аъзоларининг барчасига баробар оилали бўлиш ҳуқуқини беришнинг энг тўғри ечими ислом ҳуқуқи, шу жумладан, унинг Қуръони каримдан кейин иккинчи мўътабар манба деб эътироф этилган ҳадисларда қайд этилган. Бу ҳақиқат нафақат аҳолисининг аксарият қисми мусулмон динига мансуб бўлган давлатларда, балки унинг кўпчилигини аёллар ташкил этувчи Шарқий Европанинг айрим славян давлатларида ҳам илғор зиёлилар томонидан эътироф этилмоқда⁷.

Ислом ҳуқуқига кўра, никоҳ — бу фарзанд туғилишини қонулаштириш мақсадида тузилган ўзига хос хусусий битим бўлиб⁸, у ҳар бир аёлнинг никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқини эътироф этган ва кафолатлаган.

Никоҳнинг шартномавий хусусиятларидан келиб чиққан шариатнинг оила ва никоҳ нормалари никоҳга кирувчилар учун бир қатор ҳолатлар, чунончи, никоҳга кирувчи шахсларнинг ўзаро розилиги, никоҳ ёшига етганлик, гувоҳлар иштирокида никоҳ тузилиши, келин учун маҳр белгилаш, томонлар ўртасидаги тенглик ёки кафолат каби ҳолатларни тартибга солган⁹. Бу шартларга риоя этмаслик никоҳни ҳақиқий эмас деб топилшига олиб келиши мумкин бўлган.

Никоҳга кириш учун аёлларнинг розилиги шарт эканлиги ҳақида шундай ҳадис бор:

«Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бокира қизнинг розилигини сўрамай, жувонни эса, ўзи билан маслаҳатлашмай эрга берилмавай», — дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бокира қизнинг рози бўлғони қандай билинғай?» — дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: «Сукут қилса, ризо бўлғонидур» — деб жавоб қилдилар»¹⁰

Ислом ҳуқуқига кўра, никоҳ тузилиши учун икки эркак ёки бир эркак ҳамда икки аёл гувоҳларнинг иштироки шарт бўлган¹¹. Никоҳ ёшини аниқлаш эса йигит ва қизларнинг вояга етганлигини аниқловчи омил бўлиб, уларнинг жинсий вояга етганлиги ҳисобланган»¹².

Шариатда никоҳ қилинган вақтда никоҳланувчи эр

никоҳланувчи хотинга маҳр бериши шарт¹³. Фитратнинг айтишича: «Маҳр, бу — куёвнинг келинга берадиган дўстона ҳадиясидир»¹⁴. «Ал-Ҳидоя»да таъкидланишича, унинг энг кам миқдори ўн дирҳам¹⁵, яъни бир сўм қирқ тийин кумуш¹⁶ миқдорида белгиланган. Аммо «ал-Жомийъ ас-саҳийҳ»да маҳрнинг ҳажми ҳам, вазни ҳам муҳим эмаслиги таъкидланган. Масалан, Саҳл ибн Сааъд ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ (с.а.в.) уйланаётган бир кишига: «Лоақал битта темир узук бўлса ҳам!», деб айтдилар»¹⁷ — деган ривоят келтирилади.

Ислом ҳуқуқининг оила ва никоҳ қонунчилигида шунингдек, қайси тоифадаги аёлларга уйланиш ман қилинганлиги ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Имом ал-Бухорийда бу хусусда, жумладан, қуйидагича ривоят келтирилади:

«Ибн Аббос «насабдош аёллардан етти навъига (она, қиз, сингил, амма, хола, биродарлар қизи, опа-сингиллар қизи) ва эмишганлардан етти навъига (эмизган энага, эмишган сингил, қайнона, ўғай қиз, келин, қайинсингил, келинойи) уylanмоқ ҳаромдур», — дедилар, сўнг, Оллоҳ таолонинг «ҳаром қилинган сизларга (ўз) оналарингиз...» деб бошланадиган ояти каримасини қироат қилдилар»¹⁸. Айни шу ҳолат, гарчи ихчам шаклда бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўз аксини топган. Чунончи, унинг 16-моддасида: «никоҳ тузишга, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташ қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида... йўл қўйилмайди», — дейилган.

Ислом ҳуқуқининг Оила ва никоҳ соҳасида ҳам, ҳадисларда ҳам кенг ва батафсил тўхталган мавзулардан яна бири — бу «талоқ», яъни никоҳдан ажралиш бўлиб, мазкур мавзу муҳаддис тўпламларида жуда мукамал ишланган. Бу ўринда «талоқ»нинг фақат айрим муҳим жиҳатлари ҳақидагина қисқача тўхталиб ўтиш билан чекланамиз.

«Талоқ» — араб тилида «озод бўлмоқ», «ажралмоқ» деган маънони англатиб, эр томонидан эълон қилиниши ёки хотин томонидан талаб қилинганлиги сабабли никоҳнинг бекор қилинишидир¹⁹. Ажралиш инсонга ниҳоятда оғир руҳий жароҳат

етказишини чуқур тадқиқ этган ислом ҳуқуқи турли усуллар билан бу жожевий ҳодисанинг олдини олишга уринган²⁰.

Ислом қонунчилигига кўра, талоқнинг уч тури бўлиб, улар — «аҳсан», яъни мустаҳаб, «ҳасан», яъни суннат ва «бидъий», яъни ҳаромдир²¹.

Ҳадисларни оила ва никоҳ ҳуқуқининг манбаи сифатида ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

— аждодларимиз ислом ҳуқуқининг манбаи сифатида яратган илмий мероснинг, жумладан, ҳадисларнинг аксарияти нафақат ўтмишнинг, балки ҳозирги замоннинг ҳам ҳуқуқ соҳасидаги долзарб муаммоларини ечиш учун муҳим қўлланма бўла олади;

— ўзбек ҳуқуқий меросининг таркибий қисми бўлиши «ал-Жомий ас-саҳийҳ»дан замонвий ҳуқуқшунослик фани ва республика қонунчилигини такомиллаштиришда қадрият сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 й., 168-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси /Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Тошкент. «Ўзбекистон», 1992, 20-21-бетлар.

³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. Тошкент. «Адолат», 2000 й., 3-бет.

⁴ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. Тошкент. «Адолат», 1992 й., 14-15-бетлар.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар...46-бет.

⁶ Ф. Отахўжаев. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995 й., 88-бет.

⁷ С.Н. Абашин. Многоженство запретить нельзя. Разрешить? Юридическая антропология. Закон и жазнь. Москва, «Стратегия», 2000, С.101-115.

⁸ Хидоя: комментарий мусульманского права /Отв. ред., автор вступ. ст и коммент. проф., д.ю.н. А.Х.Саидов /перевод с англ. под ред. Н.И. Гродекова. — Т.1. Ташкент, «Узбекистан», 1994, — С.121.

⁹ У.М. Ахмеджанов. Институт собственности в мусульманском праве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук-М., 1963. — С.56-57.

¹⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 4-китоб. Тошкент. «Қомуслар бош таҳририяти», 1997. 350-бет

¹¹ Хидоя: комментарий мусульманского права... — С.123.

¹² У.М. Ахмеджанов. Институт собственности... — С.57.

¹³ Мухтасар: (Шариат қонунларига шарҳ). Тошкент: «Чўлпон», 1994. 96-бет.

¹⁴ А. Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент. «Маънавият», 1998.-29-бет.

¹⁵ Хидоя: комментарий мусульманского права... — С.161.

¹⁶ Мухтасар: (Шариат қонунларига қисқача шарҳ)... 96-бет.

¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 3-китоб... 411-бет.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар... 46-бет.

¹⁹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 жилдлик. 10-жилд. -Т.: ЎзСЭ бш редакцияси, 1978. 527-бет.

²⁰ Г. Солижонова. Мусулмон оламида аёлларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Адвокат, 1999, 22-бет.

²¹ Хидоя: комментарий мусульманского права... — С. 222-225

Рўзивой КАРИМОВ,

Вилоят Аҳмад ал-Фарғоний жамғармаси раиси

ИСТИҚЛОЛ ВА ФАРҒОНА АЛЛОМАЛАРИ

Истиқлол йилларида миллий-диний кадриятларимизни тиклаш борасида вилоятимизда улкан тадбирлар амалга оширилди.

Республикамиз Президенти, ҳукумати раҳбарлигида 1998 йилда миллий кадриятларимизнинг йўлчи юлдузларидан бўлган ҳамюртимиз, буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний тавалудининг 1200 йиллик юбилеи ЮНЕСКО доирасида юксак савияда ўтказилди. Гўзал Фарғонамиз шуҳратини яна бир бор оламга танитди. Юбилей арафасида ободончилик ишлари амалга оширилди, шаҳримиз марказида миллий боғ барпо этилди. Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси ва оромгоҳи бунёд этилди.

У вилоят, республика тадбирлар ўтказиладиган ҳақиқий маънавий тарбия масканига айланди. Шу кунга қадар минглаб ҳамюртларимиз оромгоҳни зиёрат қилдилар. Хориждан келган сайёҳлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда, яна кўплаб сайёҳлар

келиши кутилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан 1998 йилдан буён ҳар йили октябр ойида Аҳмад ал-Фарғонийни хотирлаш куни ўтказилмоқда. Буюк алломага бағишлаб илмий рисоалар чоп қилинмоқда. Илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар, кечалар ўтказилиб, буюк алломанинг бой илмий мероси халқимизга чуқур сингдирилмоқда.

Алломанинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш борасида Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти олимлари илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Унинг асарларини ўзбек тилига ўгириш, янги асарларни чоп этишга ҳаракат қилинмоқда. Вилоят телекомпаниясида йирик олимларнинг чиқишлари, эшиттириш ва кўрсатувлар мунтазам олиб борилмоқда.

Шунингдек, жаҳон халқларининг маънавий-диний тараққиётига, ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, нодир истеъдод соҳиби Бурҳониддин ал-Марғинович таваллудига 910 йил тўлиши муносабати билан унинг хотирасини абадийлаштириш, халқимизни аждодларимиз маънавий меросидан баҳраманда қилиш мақсадидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори халқимиз хоҳиш иродасининг амалдаги исботи бўлди. Юбилейга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Марғилон шаҳри ва Риштон тумани марказида улуғ алломага атаб улкан мажмуа барпо этилди. Юбилейга қадар Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Бурҳониддин ал-Марғинович ар-Рошидоний таваллудининг 910 йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Марғилон шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманга хорижий мамлакатлардан кўплаб меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Юбилей тантаналарида ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов қатнашиб, нутқ сўзладилар. Юбилей кунида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, вилоят ҳокимлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётида тутан ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

У анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Юбилей муносабати билан буюк алломанинг «Ҳидоя» номли шоҳ асари ўзбек тилида нашр этилди.

Шунингдек, вилоятимизда қатор алломаларимизнинг таваллуд саналари мунтазам нишонланмоқда. Жумладан оташзабон шоир Ҳазинийнинг 130 йиллик юбилеи. Муҳаммадаминхўжа Муқимийнинг 150 йиллиги, Чархийнинг 100 йиллиги юбилейлари юксак савияда ўтказилди. Шу кунларда вилоятимизда ҳазрат Ҳувайдонинг 300 йиллиги юбилейини ўтказиш учун кенг миқёсда тайёргарлик ишлари бошланиб, унинг уй-музеи ва мажмуасини барпо этиш чоралари кўрилмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг миллий онг ва мафкурамизни изчил шакллантириш ҳақидаги қимматли таклифлари асосида вилоятимизда туркум тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2000 йилнинг 12 декабр куни «Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик — тараққиёт омили», 2001 йил 25 апрел куни «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуларида республика илмий-амалий анжуманлари ўтказилди.

Мазкур тадбирлардан кўзланган асосий мақсад — миллий-диний қадриятларимизни янада улуғлаш, бой илмий меросимизнинг маънавий-маърифий аҳамиятини ёшларимизга синдириш орқали уларни Ватанга муҳаббат, истиқдол ғояларига садоқат руҳида вояга етказишдир.

*Маликжон БОБОРАҲИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент,
Фарғона давлат университети*

**БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ — БУЮК
ФАҲИХ**

Сўнгги йилларда ижтимоий муносабатларнинг тубдан янгиланиши миллий ва ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги

тасаввурларни ўзгартирибгина қолмай, шу билан биргаликда, илк нишонлари пайдо бўлаётган қадриятлар, йўналишлар, тушунчалар учун манба бўлмоқда. Хусусан, маънавият соҳасида бошланган жиддий ишлар дилни қувонтиради. Айниқса, сўнгги кунларда миллий мафкурамизни шакллантириш, ёшларни маданий меросимиз, бой анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, улуғ юртимиз ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласининг биринчи ўринда туриши сиёсатимизнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб турибди. Жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган фарғоналик улуғ алломаларнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш амалга оширилаётган энг шарафли ишлар сирасига киради.

Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил ал-Марғиноний ар-Рошидоний — жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган ана шундай улуғ алломалардан биридир. Истиқлолга қадар бу аллома ҳақидаги маълумотлар тор доирадаги кишиларгагина маълум бўлиб, кенг халқ оммаси унинг ижодий меросидан бебаҳра қолган эди.

Бурҳониддин Марғиноний ар-Рошидонийнинг «Бидоят-ул-мубтадий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят-ул-мунтаҳий» («Битирувчилар учун тугал таълим»), «Нашр-ул-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб-ут-тажнис» («Мувофиқлаштириш китоби»), «Китоб-ул-мазид» («Илмни зиёда қилувчи китоб»), «Маносик-ул-Ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Мажмаъ-ул-навозил» («Нозил бўлган аҳкомлар тўплами»), «Китоб-ул-фаройиз» («Фарзлар китоби») каби асарлари инсоният камолоти учун ҳозирга қадар беминнат хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 2929-инвентар рақам билан сақланаётган Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг «Катоиб-ул-аълom-ал-ахёр фи табақоти фуқаҳо ва машойихи мазҳаби-н-Нуъмон» («Нўмон мазҳабига мансуб таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақида китоб») номли асарида келтиришича, Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Рошидоний «Ҳидоя»нинг яратилиши ҳақида «Бидоят-ул-мубтадий» асарининг сўзбошисида шундай ёзади: «Абул Ҳасан Али ибн Бакр ибн Абдужалил бир куни фикҳ масалаларига

бағишланган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги ҳақида фикр билдирди. Ироққа сафар қилганимда, у ерда «ал-Мухтасар ал-Кудурий» («Кудурий қисқартмаси»)ни кўрдим. У фикр бобида ажойиб асар эди. Бу пайтгача каттаю кичик барча «ал-Жомеъ ас-сағир» («Кичик тўплам»)дан фойдаланар эди. Шунда фикрға оид барча асарларни жамлаб, улардан энг зарур масалаларни олдим ва бу асарга «Бидоят-ул-мубтадий» деб ном бердим. Кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб, уни «Кифоят ул-мунтаҳий» деб номладим».

Мазкур асарлар ҳанафий мазҳабидаги фикр ҳий масалалар ечимига асосий қўлланма ҳисобланган «Ал-Ҳидоя»нинг яратилишига сабаб бўлган. Унинг негизини фикр илми асосчиларидан бўлган, ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа — Нўъмон Ибн Собит, моликия мазҳабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ ибн Анас, шофия мазҳабининг асосчиси Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофий, ҳанбалия мазҳабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ханбал каби фақиҳларнинг йирик асарлари ташкил этади. Шунингдек, ушбу асарнинг яратилишида ислом оламида биринчи бўлиб олий қози лавозимини эгаллаган Ёқуб ибн Иброҳим ал-Куфий ал-Ансорий Абу Юсуф, Абу Ҳанифанинг шогирди ва издоши Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳасан аш-Шайбоний имом Муҳаммад, Абу Ҳанифанинг замондоши ва сафдоши Абу ал-Ҳазл Зуфар ибн Ҳазлларнинг асарлари, саҳобаларнинг ривоятлари ҳамда ҳадисларнинг аҳамияти катта бўлган. Булардан ташқари, «Ҳидоя»да асосий фикр ҳий масалаларнинг шарҳи ва ечимига Абул Ҳазл ибн Муҳаммад Баздавийнинг «Мабсут», Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ ул-кабир» («Катта тўплам»), Кудурийнинг «Мухтасар ал-Кудурий» каби асарларига ишора қилинган.

Аждодларимизнинг теран иддизларидан озиқланган ва чуқур илмий далилларга асосланган Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Рошидонийнинг асарлари, айниқса, «Ҳидоя» ислом ҳуқуқшунослигининг умрбоқий қўлланмаларидан, қолаверса, умумжаҳон маданиятининг ноёб дурдоналаридан бири сифатида ўзининг қадр-қимматини асло йўқотмайди.

Абдувосит ЙЎЛДОШЕВ,
фалсафа фанлари доктори,
Набижон СОЛИЕВ,
филология фанлари номзоди,
Абдухалил ҲАЙДАРОВ,
тадқиқотчи, Фарғона политехника институти

БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

IX-XII асрларда Марказий Осиё, жумладан, Мовароуннаҳр жаҳон маданий тараққиётига беназир ҳисса қўшган юрт сифатида оламга танилди. Дунёвий фанлар билан бир қаторда, илоҳиёт илмлари ҳам ривожланди ва бу соҳада йирик алломалар етишиб чиқди. Улардан бири — буюк ватандошимиз, фақиҳ Бурҳонуддин ал-Марғинонийдир.

Маънавий меросимизни том маънода ўрганиш, хусусан, Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг руҳини шод этадиган хайрли ишлар истиқлолдан сўнг бошланди. 1991 йилдан бошлаб фидойи олимлар, ёзувчи ва журналистларимизнинг Бурҳонуддин ал-Марғинонийга бағишланган матбуотдаги чиқишлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Марказий Осиё ўлкаларига ҳанафийлик мазҳабининг кенг тарқала бошлагани мамлакатимизда калом илми ва Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг майдонга келишига асос бўлган. Бу жараёнга, шубҳасиз, ислом ҳуқуқшунос олимлари, хусусан Бурҳониддин ал-Марғиноний катта таъсир кўрсатган.

Фикҳ — минг йиллар давомида шаклланган мусулмонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, уларнинг жамиятда тутган мавқеини, шахс ва жамиятнинг уйғун ва барқарор ривождаги тартиб-қоидаларни мувофиқлаштириб, муайян бир тизимга солувчи қонунлар тўпламидир. Бошқача айтадиган бўлса, фикҳ, бу — инсоннинг кундалик ҳаётида учрайдиган муаммоларни ечишда, инсон лафзи билан айтилган сўз, жиноят ва жазо, оилга тааллуқли масалалар, молиявий, маъмурий, иқтисодий, ижтимоий,

давлат қурилишига дахлдор соҳаларни қонун йўли билан ечадиган ҳуқуқий қарашлар тизимидир.

Академик Н.Иброҳимовнинг таъкидлашича, ўша даврларда фақиҳлар аҳоли орасида анча юқори нуфузга эга бўлганлар. Чунки улар теран билимлари, шариат ва калом ишларини кенг эгаллаганликлари билан ажралиб турар эдилар. Фақиҳлар фақат назариётчи бўлибгина қолмай, илмларини ҳаёт амалиётига ҳам кенг татбиқ этишган. Фақиҳлар, одатда, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиб, маҳаллий халқларнинг урф-одати, турли расм-русумларини яхши билганлар ва шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, турли муаммолар, жанжал, низо ва ихтилофли масалаларни ҳал этганлар.

«Ал-Ҳидоя» Қуръони карим, ҳадислар, саҳобаларнинг ривоятлари, суннийлик оқимининг асосий мазҳабларининг асосчилари қолдирган муътабар манбаларга, уларнинг шоғирд ва ҳамфикрлари таълиф этган асарларга асосланган. Тўрт жилд, 57 бобдан иборат бўлган ушбу йирик асарда ижтимоий ҳаётда учрайдиган деярли барча чигал масалаларнинг ечими баён қилинган.

Мамлакатимизда жамиятнинг маънавий камолоти, баркамол авлодни тарбиялаш бош масалалардан бири сифатида қаралаётган долзарб пайтда, Бурҳонуддин ал-Марғиновий мероси гоят улкан илмий, тарбиявий ва ижтимоий аҳамият касб этади.

*Исматулла ТЎХТАРОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент,
Ҳабибулла АБДАСОВ,
катта ўқитувчи, Фарғона Политехника институти*

ТАСАВВУФ ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Истиқлол шарофати туфайли миллий-диний кадриятларнинг тикланаётгани, халқимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб

бораётгани, шу билан бирга, битмас-туганмас маънавий бойлигимиз бўлган тасаввуф таълимотига ижобий муносабатнинг шаклланаётганлиги давр талаби, қолаверса, айни ҳақиқатдир.

Давр тақозоси билан мумтоз адабиётимизнинг аксарият қисми тасаввуф фалсафаси таъсирида яратилган. Демак, тасаввуф илмидан хабардор бўлмай туриб, уларнинг моҳиятини англаб етиш ва тушуниш амримаҳолдир.

Тасаввуф инсон, унинг моҳияти, ҳаётининг мазмуни ва мақсад-муддаоси, бу ўткинчи дунё лаззату ташвишларининг асосий сабаблари тўғрисидаги дунёвий ҳақиқатни англаб етишга ёрдам беради. Агар тасаввуф таълимотининг жамиятдаги ана шу бетакрор ва беназир тарихий ўрнини назарда тутадиган бўлсак, у ҳозирги вақтда ҳаётимизга муайян хавф-хатар туғдираётган диний-экстремистик оқимларга қарши муҳим ғоявий-илмий қурол сифатида катта аҳамиятга эга бўлишига ишончимиз комил. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимизга бўлган муносабатда қуролдан эмас, балки уларни йўлдан оздирадиган, фикран чалғитадиган, онгини заҳарлайдиган ҳар хил ёт ғоялардан чўчиш керак. Чунки бунинг оқибати анча оғир бўлиши мумкин. Зеро, ёшлар бугунимиз бўлибгина қолмасдан, улар юртимизнинг эртаси ҳамдир. Истиқдол ва истиқбол тақдирни эса ёт ғояларга берилган кучларга топшириш тарихга хиёнат қилиш билан баробардир.

Шундай экан, тарихий-илмий ва тасаввуфий асарларни омдалаштириш ишларини янада жадаллаштириш м а қ с а д г а мувофиқдир. Маънавий баркамол бўлишни ихтиёр этган бугунги авлод бундай манбаларга ҳар қачонгидан кўра муҳтождир.

Тасаввуф илмига оид адабиётларнинг олам юзини кўра бошлагани бамисли булоқнинг кўз очганлигига қиёс, холос. Ҳали бу булоқ жуда узоқ даврлар кишиларнинг маънавий ташналигини қондиришга хизмат қилиши лозим. Айни чоғда, тасаввуф улкан назарий меросгина эмас, балки жонли ҳаёт, амалиёт билан бевосита боғлиқ бўлган фалсафий таълимот эканлигини ифодаловчи оммабон ва бадиий эшиттириш ҳамда кўрсатувларни кўплаб тайёрлаш фойдадан холи бўлмайди. Масалан, «дил ба ёру, даст ба кор» («дил Оллоҳда, қўл меҳнатда бўлсин»), деган нақшбандия тариқати шиорининг не-не покдоман зотларга асрлар давомида дастуруламал бўлгани, бу шиор биз кўзлаган

мақсад — озода ва обод жамиятни барпо этишда ҳам муҳим рол ўйнаши кенг тарғиб қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, у барчамизни ўзликни англашга ва бунёдкорликка даъват этади.

Бизнингча, тасаввуфнинг мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига, комил инсоннинг тарбияланишига беқиёс ҳисса қўша олувчи таълимот эканлигини назарда тутиб, уни тадрижий равишда бошланғич синфлардан то олий таълимга қадар махсус тизим асосида ўрганиш, бу ишга дахлдор бўлган ўқув қўлланмаларини яратиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Дарҳақиқат, бизга сув ва ҳаводек зарур бўлган миллий-диний қадриятларимиз ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга қодир. Маънавий баркамол ёшлар эса ҳеч қачон сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетмайди.

Хулоса қилиб айтганда, туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга ошириладиган ҳозирги тарихий даврда ҳар томонлама етук комил инсонни шакллантириш учун тасаввуф таълимотига оид адабиётларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам каттадир. Тарихини, аجدодлари кимлар эканлигини яхши билган авлодгина муносиб ворис, Ватани ва халқига садоқатли фарзанд бўла олади. Ўтмишнинг аччиқ ҳақиқатини, миллатнинг беқиёс бой меросини, илм-фани, муқаддас дини ва урф-одатларини чуқур идрок этган ҳар томонлама баркамол авлод Мустақилликнинг қадрига етади, унинг пойдеворини мустаҳкамлашга бор куч-қувватини ақлу заковатини бахш этади.

*Ўйдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари номзоди*

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

Миллий мафқуранинг асосий тамойилларини тарғиб этишда энг катта масъулият зиёлилар, адиблар, шоирлар, санъаткорлар

зиммасига тушади. Чунки адабиёт — ҳаёт дарслигидир, ундан сабоқ олган ўқувчи элу юртнинг фидойисига айланади. Истиқлол даври адабиёти ўз зиммасидаги ана шу муқаддас вазифани ҳалол ва сидқидилдан адо этишга астойдил киришмоқда.

Шу жиҳатдан истиқлол даври адабиётининг илк қалдирғочи сифатида парвоз қилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи ибратлидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси — Ўзбекистон Республикасига бағишланган бу романда халқимизнинг 130 йилдан зиёд давом этган рус мустамакачилиги давридаги оғир ҳаёти ва кураши тасвирланган. Унда уч авлод вакиллари иштирак этади.

Ижтимоий-публицистик услубда битилган бу романдан Деҳқонқулнинг оиласи бошига тушган чексиз фожеалардан хабардор бўламиз. Бугун умрини ҳукмрон мафқуранинг тазйиқи остида ўтказган, аммо қосаси оқармаган Деҳқонқул «Пахта иши» муносабати билан қамоққа олиниб, 8 йилга кесилганда ҳам ўз оиласи, онаси, бола-чақаси билан эмас, шўр босган, оғуланган даласи билан хайрлашувга боради. Унга дил розини айтар экан, «мен қайтаман бағринга, албатта қайтаман. Тупканинг тагида бўлса-да, қайтиб келаман!», деб ваъда беради.

Романни ўқиб чиққач, унинг бағрига яширинган Ҳаққушнинг ота-боболардан мерос қолган она тупроғимизнинг қадрига етиш, бошимизга тушган кўргуликларнинг сабабини аниқлаш, уларнинг такрорланмаслигига қалқон бўлиш учун тайёр тур, деган нидосини эшитамиз ва ҳушёр тортамиз.

Бугун инсоннинг ахлоқий-маънавий камолоти асосий вазифалардандир. Президентимизнинг ёшларни етук ахлоқий ва юксак маънавий асосларда тарбиялашга биринчи даражали сиёсий масала сифатида эътибор бераётганликлари шундан далолат беради. Юртбошимиз томонидан кун тартибига қўйилаётган мазкур вазифани адо этишда бадиий адабиётнинг роли беқиёсдир. Чунки, инсон руҳини тарбиялаш ва унга таъсир этишда ҳеч қайси соҳа адабиётчалик таъсирчан кучга ва чексиз имкониятларга эга эмас.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, адабиётимизда кейинги йилларда яратилган О. Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам»,

«Тепаликдаги хароба», А. Иброҳимовнинг «Уйқу келмас кечалар», Х. Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романлари, Р. Отаулининг «Улус» насрий достони, Н. Норқобиловнинг «Қоялар ҳам йиғлайди» қиссаси ибратлидир.

Айтиш мумкинки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мамлакатимизда аждодларимиз қадриятларига асосланган мустақиллик маънавиятининг тамал тошини бунёд эта олди. Уларнинг ҳаётбахш илдишларидан озиқланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий ғоя ва миллий мафкура тамойилларини яратдик. Ана шу тамойиллар асосида тарбияланган шахсни камолга етказиш ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Энди мустақил фикрга эга бўлган ва ўз фикрини ҳар қандай вазият ёки шароитда ҳам ҳимоя қила оладиган, унча-мунча тарғиботлар шамолига эгилиб кетавермайдиган шахс маънавиятини камол топтириш вазифасини ҳал этмоғимиз лозим. Эркин фуқаролик маънавиятининг асоси эса маърифатдир. Юксак маънавиятли ҳар бир инсон «*халқимиз, миллатимиз гардига гармон*» бўлмоқликни ўзининг муқаддас бурчи деб англаши шарт.

*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси*

НАВОЙИШУНОСЛИК: КЕЧАГИ КУН ТАҲЛИЛИ

«Ўтмишга қараб иш тутиш хайрли», деган улўф ҳикмат бор. XX аср ўзбек халқи тарихидаги энг мураккаб ва зиддиятли даврлардан бири сифатида мангуликка нақшланди. Янги аср бўсағасида ўтган давр сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш келажакдаги асосий йўналишларни белгилаб олиш, истисносиз, ҳар бир соҳага тааллуқли ҳодир. Шу жиҳатдан Юртбошимиз

томонидан айтилган халқимизнинг севимли фарзанди, ҳассос шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига яна бир қарра эътибор қаратиш, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган оташин шеъриятини ўсиб келаётган авлод қалбига синдириш ҳақидаги мулоҳазалар ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам муҳим вазифалар қўяди.

Мустақиллик йилларида навоийшунослик кўзга кўринарли ютуқларга эришди. Мустабид тузум даврида манъ этилган тадқиқот мавзулари бўлмиш улуғ шоир ижодидаги қуръоний асослар, суфиёна дунёқараш масалаларида салмоқли тадқиқотлар яратилди. Бу соҳада Н. Комилов, Ҳ. Кароматов ва бошқаларнинг тадқиқотларини мисол келтириш мумкин. Навоий лирикаси, эпик мероси янгича қарашлар асосида қайта нигоҳдан ўтказилмоқда. Катта-кичик юзлаб рисола ва мақолалар нашр этилди. Уларнинг кўлами мустақиллик йилларидаги навоийшунослик ҳақида баъзи хулосалар қилишга имкон беради. Шу билан бирга, навоийшунослик тарихининг бир асрлик даврини холис баҳолаш ва келажак йўналишларини белгилаб олишга ҳам имконият туғдиради. Дарҳақиқат, йиллаб ўқувчилар учун тушунарсиз бўлиб туюлган айрим хулосаларнинг «асоси, манбаи» бугунги кун нигоҳи билан қарагандагина ойдинлашмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, XX аср навоийшунослигининг илк даврларига тааллуқли мулоҳазаларни баён этиб ўтсак.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш узоқ тарихга эга. Унинг шахсига муносабат ҳам турлича бўлган. XX асргача Навоий ижодига муносабат - унинг асарларини тарғиб этиш, кўчириш, маҳорат мактаби сифатида ўрганиш билан белгиланган бўлса, XX асрда, том маънода, навоийшунослик фан сифатида шаклланиб, ривожланди.

Навоийшуносликнинг ана шу иккинчи даври жаҳондаги буюк сиёсий ўзгаришлар жараёнида туғилганини таъкидламоқ лозим. Россияда рўй берган Октябр тўнтариши ва "Қизил империя" ҳукмронлигининг Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ўрнатилиши натижасида Ўзбекистон тарихига қизиқиш кучайди. Бу қизиқиш, маълум бир манфаатлар юзасидан, Европани ҳам қамраб олди. 1868 йилда Венгриянинг Туркиядаги элчихонаси ходими М. Белен томонидан ёзилган «Алишер Навоий» илмий ахбороти яна

долзарб бўлиб қолди. Француз олими Люсьен Буванинг 1926 йилда "Осиё" журналида эълон қилинган "Темурийлар даври цивилизациясидан лавҳалар" мақоласи, Эдгар Блошенинг "Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги"даги қайдлар ва инглиз олими Эдуард Брауннинг "Эрон адабиёти тарихи" асаридаги Навоийга бағишланган бўлимларни шу даврнинг эътиборга лойиқ тадқиқотлари қаторига қўшиш мумкин. Шу йилларда собиқ СССР таркибидаги туркий халқлар орасида Навоий даҳосини улуғлаш ва миллат тимсоли даражасига кўтариш тамойили анча кучайганини кузатиш мумкин. Бу йўлдаги илк уриниш Навоийнинг ҳижрий сана билан 500 йиллик тўйини нишонлаш муносабати билан 1926 йилда Бокуда "Алишер Навоий — буюк турк шоири" шиори остида ўтказилган «Илк туркология қурултойи»да намоён бўлди¹. Унда асосий эътибор Навоийнинг туркий тиллар ривожига қўшган ҳиссаси, давлат арбоби сифатидаги мавқеи ҳамда ижодида етакчи ўрин тутган тасаввуф ғояларига қаратилди. Ўша даврнинг етук олимларидан Исмоил Ҳекметнинг "Навоий ҳаёти ва адабий мавқеи", Мирзо Жалол Юсуфзоданинг "Навоий ҳақида", Чубонзода Бакрнинг "Навоий — тилчи" ва Мирзо Муҳсин Иброҳимийнинг "Форс адабиётининг Навоийга таъсири" масалаларидаги маърузалари фақат қатнашчиларнинг эмас, балки барча туркий халқлар адабиётшуносларининг диққатини ҳам ўзига тортди ҳамда уларни Навоий ижодини ўрганишга илҳомлантирди. Ўша йили Ўзбекистонда ҳам, хусусан, "Маориф ва ўқитувчи" газетасида босилиб чиққан Абдурауф Фитрат ва Вауд Маҳмудийларнинг Навоий ҳақидаги қатор мақолаларида қурултой таъсири сезилиб туради.

Айтиш мумкинки, Боку қурултойи навоийшуносликнинг янги даврини бошлаб берди. Бироқ қурултойда шаклланган руҳий муҳит рус шарқшуносларининг безовталанишига сабаб бўлди. Унинг материалларида акс этган Навоий ҳаёти ва ижоди талқини давр мафкурасига зид деб топилди. Бу хусусда шарқшунос Е. Э. Бертельс шундай ёзган эди: "Навоийшуносликнинг бу босқичига хос хусусият сифатида шуни айтиш мумкинки, Навоий ҳақида фақат миллий буржуазия вакиллари маъруза қилиб, унинг номидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Шу жиҳатдан бу даврда чиққан ишлар фойдасиз бўлиб, ҳатто ғайри илмий ва зарарли эди. Боқарида нашр этилган «Навоий» тўплами (1926) эскирган материаллар асосида ёзилган ва асосий масалаларни бутунлай нотўғри ёритган мақолалардан иборат. Аммо ушбу муваффақиятсиз юбилейга СССР Фанлар Академияси дарҳол жавоб қайтарди»².

Тезда Тошкентда, шўро тили билан айтганда, "социалистик платформа"даги Навоий конференцияси чақирилди. Мақсад Боқари қурултойи "пантуркистик" ғояларининг халқлар орасида тарғиб этилишига йўл қўймаслик ва Навоийнинг буюклигини унинг ижодидаги интернационалистик ғояларга таяниб кўрсатиш эди. Илк қурултой материалларидаги миллий ифтихор туйғуларига "пантуркизм", «ўтмишни идеаллаштириш» каби ёрлиқларни ёпиштириш учун уларга зид ғояни кўтариб чиқадиған кучли тадқиқот керак эди. Бундай тадқиқотнинг энг яхши кўриниши сифатида В.В. Бартольднинг "Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт" номли тадқиқоти дунёга келди.

Унда омма орасида ҳукм сурган Навоий талқинидан кескин фарқ қиладиған образ яратилди: Навоий эксплуататорлар синфига, умуман, шоҳ тузумига нафрати беҳад бўлган ва шу туфайли султондан анча хўрликлар кўрган халқ вакили сифатида ўта бўрттириб кўрсатилди. Бу тадқиқот кенг ташвиқ ва тарғиб этилиб, Бартольд «қолипи»да пиширилган ишлар рағбатлантирила бошлади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 1940 йилда чиққан "Родоначальник узбекской литературы» (Т., 1940) ва "Алишер Навоий" (М.-Л., 1946) тўпламларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, Олим Шарафиддинов, Садриддин Айнийнинг Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографиялари ва яна бир қанча мақолаларни ҳам шу қаторга киритиш мумкин. Бу ҳол, маълум маънода, Навоийни нотўғри талқин қилишга, унинг зиддиятларга бой ҳаётини бир қолипга туширишга ва ўқувчилар онгида шоҳ тузумига норози, исёнкор Навоий образининг қатъий шаклланишига олиб келди. Тузум манфаатларига мослаштирилган бундай бирёқлама таълимот кўпчилик ўзбек зиёлилари, адабиётшуносларнинг норозилигига сабаб бўлган. Улар ошкора чиқишга журъат этмасалар-да, баъзи рус шарқшунослари воситасида айрим қарашларга зарба берганлар. Бунга мисол

қилиб, ўша даврда Тошкентда яшаган ва маҳаллий шарқшунослар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, уларнинг фикрлари билан яқдил бўлган А.А. Семеновнинг Бартольд концепциясига қарши ёзган "Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Мирзо муносабатларига доир" номли мақоласини кўрсатиш мумкин. У ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида мавжуд бўлган султон ва шоир ўртасидаги муносабатларни кейинги асрларда Россия шароитида маълум бўлган "Шоҳ ва Пушкин" муносабатлари билан тенглаштиришни жиддий қоралайди³. Бироқ шу билан бирга, Семеновнинг ўзи ҳам ҳиссиётга берилиб кетиб, Навоий ва Бойқаро муносабатларида вақти-вақти билан юз бериб турган келишмовчилик, совуқчиликларни назардан қочирган. Шунингдек, Навоийнинг насл-насаби масалаларида ҳам хатога йўл қўйган.

Ҳар ҳолда кейинги давр тадқиқотчилари Навоий ҳаётини ёритишга бағишланган ишларида Семенов фикрларини ҳам ҳисобга олишлари керак эди. Афсуски, адабиётнинг мезон ва йўналишини белгиловчи ҳукмрон мафкуранинг тазйиқи остида бу мақола инобатга олинмади ва тезда барчанинг ёдидан кўтарилиб кетди. Бартольд концепцияси эса, Навоий ҳаёти талқини масаласида кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб қолаверди. Унинг қарашлари Е.Э. Бертельс, О. Шарафиддинов, С. Айний, А. Боровков ва кейинги навоийшунослар томонидан янада кенгайтирилди ва мустаҳкамланди.

Шўро даврида адабий ва маданий меросни тадқиқ этишда гоёвий кураш тамойиллари ҳукмрон бўлиб келди. Шу сабабли тадқиқотчиларимиз адабиёт тарихини ёритишда унинг "социалистик дунёқараш"га тўғри келмайдиган томонларини четлаб ўтиш орқали ўқувчиларга "коммунист" шоир ва ижодкорларни тақдим этиб келишга мажбур эдилар. Шунинг учун XX аср ўзбек навоийшунослиги учун шоирнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш эмас, балки унинг асарларини тўплаб, бадий маҳоратини жаҳон классиклари даражасида очиб бериш, таъбир жоиз бўлса, Навоийни сақлаб қолиш муҳим эди. Бу вазифа, адо этилди, десак хато бўлмас. Ҳар бир ўзбек хонадонидан ташқари, ўзбек маданиятига қизиққан турли миллат ва мамлакат намоёндаларининг китоб жавонлари улуғ ўзбек шоирининг ноёб

асарлари билан бойиди. Ўзбек китобхонлари ҳақли равишда Навоий асарларининг заҳматкаш тадқиқотчилари П. Шамсиев, Н. Маллаев, Ҳ. Сулаймон, И. Султон, А. Қаюмов, Б. Валихўжаев, А. Ҳайитметов, С. Эркинов, А. Абдуғафуров, С. Фаниева, Н. Комилов ва яна ўнлаб фан фидойилари билан фахрланади.

Аммо ўтган асрнинг охириги чорагида, айниқса, улуғ шоирнинг 550 йиллик тўйидан кейинги даврда ҳукмрон мафкура учун Навоий мавзуси ўзининг стратегик аҳамиятини деярли йўқотгани сезилади. Шундан фойдаланган баъзи олимларимиз Навоий дунёқарашини, иложи борича, мантиқан, тарихийлик принципи юзасидан баҳолашга ҳаракат қилганлар. Академиклар И. Султон, А. Қаюмов, Б. Аҳмедов, Б. Валихўжаев, А. Ҳайитметов, А. Ўринбоев ва бошқа олимларимизнинг тадқиқотларидаги айрим мулоҳазалар бу фикрни тасдиқлайди. Шу даврда Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳам чуқур ўрганиб, олдин йўл қўйилган хатоларни аста-секин тузатиб бориш имконияти туғилган эди. Афсуски, шу мавзудаги тадқиқотларда манбалар қайта кўрилмасдан, балки рус шарқшунослари ҳамда совет давлатининг ўша "машъум шаклланиш даври"да Навоий ҳаёти ва фаолияти борасида "оқимга қараб" ёзилган тадқиқотлар асос қилиб олинди. Оқибатда бир вақтлар кўринмас тазйиқ остида рўй берган хатоликлар юзлаб кейинги тадқиқотларда янада чуқурлашиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, омма онгида Навоий таржимаи ҳолининг асли шундай эканлигига ишонч туғдириб борди.

Мустақиллик шарофати билан илм-фанимиз эркин нафас ола бошлади. Мана, ўн йилдирки, ўтган давр хатоликлари имкон қадар тузатилиб бормоқда Миллатимизнинг улуғ фарзанди Алишер Навоий шахсининг холис талқинини яратиш бугунги кун талабидир.

¹ Буюк турк шоири Мир Алишер. /Илк туркулужи қурултой материаллари Баку, адабиёт жамияти, 1926.

² Е.Э. Бертельс. Навои и Джами. Избр. Труды. Москва, Наука, ГРВА, 1965г.,стр. 67.

³ Семенов А.А. Взаимоотношения Алишера Навои и Султона Хусейн Мирза.//сб. исследований по истории народов Востока. М.-Л., 1960. стр. 238.

*Рабоҳат НОРМАТОВА,
ўқитувчи, Чуст шаҳар педагогика билим юрти*

НАВОИЙ ИЖОДИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК ҲОЯЛАРИ

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Алишер Навоий

Ватан — муқаддас қадрият. У, энг аввало, ҳар бир инсоннинг киндик қони тўкилган жой, ўз-ўзига беқлигини ифодаловчи макон ва замон, маънавий камолот ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир. Ҳар бир одам ўз орзу умидлари-ю дард-аламини Ватан тақдири билан боғлаб, унинг тимсолида ўз халқининг ақл-идроки, ор-номуси ва виждонини кўриб келган, шунинг учун ҳам ватанпарварлик туйғуси ижтимоий муҳит бағрида камолотта эришадиган азалий қадриятдир.

Инсонийлик эса ўзини, ўзлигини, ўз Ватанини ҳис этган, элига, юртига меҳр-оқибатли одамдагина бўлади. Ана шу улуғ туйғудан маҳрум кишилардан ҳар нарса кутиш мумкин. Юртимиз тинчлигини бузаётган бир гуруҳ ақидапарастлар ватанпарварлик, инсонийликдек буюк неъматлардан бегонадилар. Ёшларимизни шундай гуруҳларга қўшилиб қолмасликдан асрамоғимиз лозим. Бунинг йўлларида бири — яратилаётган асарлар тарбиявий томондан бой бўлмоғи керак. Айтарсиз, инсонийликдан бебаҳра одамлар китоб ёки рўзнома ўқийдими? Тўғри, улар бу ишга қодир эмас. Шундай одамлар борки, зангори экран орқали ўзбек тилида яхши кўрсатув бўлаётган бўлса, мурватни бураб, ёт элларнинг жангари киносини кўради. Бир-бирини аямай отишлар, юртни хонавайрон қилишлар, ярим яланғоч аёлларнинг макр-

ҳийлаларини томоша қилади. Ўшаларда меҳр-вафодан дунёга келган инсонийлик, ватанпарварлик туйғуси нима қилсин? Навоий ғазалларидан бирини маромига етказиб қўйлаётган санъаткорни «ўчириб», тушуниб бўлмас ҳайқириқларга тўла бўлган қўшиқларга ихлос қўйган инсонда ўзлигини англаш қаерда бўлсин?

Миллатчилик қилмоқчи эмасман. Тил билинг, дунёни билинг, моддий томонингиз бутун бўлса, дунё кезинг. Имконингиз бўлса, Европа давлатларида ўқинг. Ҳозирги замон техникаси билан боғлиқ бўлган киноларни кўринг, илми, маданиятли инсон бўласиз. Ана шунда ҳам Ватан туйғуси қалбингизда бўлсин, инсонийликни унутманг! Ватан туйғуси — буюк туйғу, инсонийлик эса ундан ҳам буюк. Шоир ижодида, айниқса, ғазаллари, туюк, рубоийларида бу ғоялар асосий ўринга қўйилган. Хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин, бир хил кўз билан қараб, баҳо берган. Меҳр-оқибатли, муҳаббат ва садоқатли, камтар ва саховатли инсонни инсонийлик хусусиятига эга деб биламиз. Шундай фазилатга эга бўлган тимсоллар Навоий асарларида кўп ўринларда учрайди. Шу ўринда Меҳинбону, Ширин, Фарҳод, Шопур, Лайли, Мажнун ва бошқаларни айтишимиз мумкин.

Ўз муҳаббати йўлида сафарга чиққан Фарҳод Арман диёрига етиб келади. Қараса, тоғда ғуж-ғуж одам тош йўниш билан овора. Ишбошилар уларга дағдаға қилар, халқ эса қаттиқ тошларни ушатомай азоб чекарди. Сабабини сўрабди. Фарҳод халқни чекаётган азобини кўриб, уларга ёрдам беришга киришиб кетибди. Усталардан ўрганган ҳунарини ишга солибди. Одамларнинг уч йилда қиладиган ишларини бир кунда бажарибди.

Келтирилган эпизоддан кўриниб турибдики, Фарҳод шоҳнинг ўғли бўлишига қарамай, камтар, меҳнатсевар, меҳр-оқибатли йигит. Севгида ҳам садоқат борасида ҳам тенги йўқ инсон.

Вужудида инсонийлик барқ уриб турган инсондагина муҳаббат ва унга садоқат туйғуси бўлади. Ўша инсон Фарҳод десак — янглишмаган бўламиз. Фарҳод эл-улусга меҳрибон, севгига садоқатли, олийжаноб дўстларга ҳақиқий дўст бўлгани учун ҳам Баҳром, Шопур каби дўстлари унинг ўлиmidан кейин хоки-пойини азиз тутиб, ҳурматини жойига қўйдилар. Ҳатто, Баҳром

Арман юртига бориб, Шеруяни топиб, отаси етказган зиёнлар учун товон тўлаттиради. Баҳром ўзи билан келган Хитою Чин лашкарларига ҳам нақду ганжлар улашиб, юртларига қайтарди. Ҳоқонга: «Фарҳоду Баҳром бир-бирини топди, — деб айтинлар» — деб тайинлайди. Ўзи эса Шопур билан Фарҳодни қабрида мужовир (турғун яшаб қолувчи) бўлди. Бу дostonнинг асрлар оша яшаб келаётганлигини боиси унда ҳақиқий инсонга хос бўлган юксак фазилатлар жамо-жамлигида. Қолаверса, унинг инсонларни егук тарбиялай оладиган гоёвий бойлигида.

Алишер Навоий ғазалиётида инсоний, оилавий муносабатларда ҳам ибрат бўлгулик ҳаётий сабоқлар, кечинма, мулоҳазалар мужассам асарлар кўп. Мана шундай ғазаллардан:

Кимки онинг бир малак сиймо париваш ёри бор,
Одами бўлса, пари бирла малокдин ори бор.
Кеча улким гирманур бир гул била, не тонг,
Фунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот агар изҳори бор.

Навоий «Хамса»сига киритилган «Садди Искандарий» дostonида «Кабутар» ҳикояси берилади. Ҳикоя қилишларича, чаққон бир кабутар шоҳнинг қўлига тушиб қолади. Бир неча йил қимматбаҳо тошлар билан безатилган қафасда яшайди. Қунларнинг бирида кабутар қафасдан чиқиб, эркинликка эришади. Ўз юртига, ўз уйига қараб йўл олади. Бир неча кундан сўнг етиб келиб, уйи вайрон этилганини кўради. Шунда кабутар вайрона бўлса ҳам шодик билан ўз уйига жойлашади. Кабутар учун безатилган шоҳ қасридан қадрдон уйини афзал кўради.

Халқимизда бир мақол бор. «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл». Бу мақол «Кабутар» ҳикоясининг гоёси билан уйғундир. Навоий бу ҳикояни келтириш билан она юртнинг тупроғи ҳар бир киши учун беҳад азиз эканлигини таъкидлайди.

Мусофирликни оғир, машаққатли эканлигини, она юртнинг азизлиги ва уни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмаслигини шоир болалик ва йигитликда Машҳадда таҳсил олган йиллари чуқур англаб етган эди. Навоий учун оғир, аммо ибратомуз ҳаётий-фалсафий хулосалар берган ана шу йиллар кечмиши унинг бутун умри ва ижоди мобайнида чуқур из қолдирган. Шу боис

мусофирлик, ўз юртидаги эркинлик ғояси унинг эпик асарларида ҳам, лирик асарларида ҳам ёрқин ифодаланган.

Она юртнинг бебаҳолигини тараннум этган шоир:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни як қалам,
Тўрт девон бирла назми панж ганж,
Даст берди чекмайин андуҳи ранж.
Назму нарим қотиби тахминшунос,
Ёзса, юз минг байт этар эди қиёс,

деб Ватанини кўз-кўз қилиб турувчи тили ҳақида куйлайди.

Ҳақиқатдан ҳам шоир ўзбек тилини элга намоиш қилиб, шу тилда «Хамса»дек катта дoston битди. Тил—миллат кўрки. Тилнинг йўқолиши миллатнинг йўқолишидир. Шунинг учун юртни севган одам унинг тилини, ўзлигини асрамоғи керак.

Элни улуғлаган, юртни ардоқлаган инсонни эл-юрт ҳам эъзозлайди. Фикримизнинг далили сифатида «Одами эрсанг» деб аталувчи Навоий ҳақидаги ривоятни келтирмақчиман:

Мир Алишер Навоийнинг ёши бир жойга етганда, кўнгли Ҳажга боришни истаб қолибди. Юрт султони, дўсти Ҳусайн Бойқаро билан хайрлашиб кетиш мақсадида унинг ҳузурига борибди. Ҳусайн Бойқаро:

— Сиз Ҳажга бориб келган кишилардан кўпроқ савоб ишлар қилган мўътабар зотсиз, — деб Навоийга рухсат бермабди. Султонга нима деб жавоб қайтаришни билмай, Навоийнинг боши қотибди.

Орадан бир йил ўтибди. Навоий яна Ҳажга кетиш ҳаракатига тушибди. Сафари олдидан дўсти Султон Ҳусайн Бойқаро билан кўришиш учун саройга келибди.

— Сиз билан хайрлашиш учун келдим, — дебди у. Ҳусайн Бойқаро юртнинг нотинчлиги, улус орасида норозиликлар кучайиб кетаётганини айтиб: — Сизсиз улусни бошқариш қийин. Аъёнларга ишониб бўлмайди, пайимни қирқиш мақсадида улар. Дўст деб билсангиз, мени ёлғиз ташлаб, ҳеч қаёққа кетмангиз, — деб илтимос қилибди. Навоий нима дейишини билмабди. Ҳажга кетворай деса, юртнинг султони, ёшлиқда бирга ўйнаб, ўсган

Дўсти борманг, деб турибди. Дўстининг илтимосини қабул қилибди.

Келаси йил Наврўзи оламда, албатта, сафарга отланаман, — деб кўнглига тутиб қўйибди. Бу орада қиш чиқиб, баҳор сепини ёйиб кириб келибди. Ҳамма ёқни Наврўзи олам эгалабди. Навоий «Султон жавоб берса ҳам, бермаса ҳам, албатта, жўнаб кетаман», дебди ўзига ўзи. Подшо хафа бўлиб қолмасин деб унинг ёнига борибди.

— Жўнашингиз аниқми? — деб сўраб қолибди Ҳусайн Бойқаро. — Ҳа, бу гал сафардан мени ҳеч ким қайтара олмайди. Ҳатто, Сиздек азиз дўстиму, юрт султони ҳам, — деб жавоб берибди. Навоий — Ундай бўлса, мен рози. Майли, дўстим, Ҳажга борсангиз, бора қолинг. Менинг учун ҳам зиёрат қилинг. Зиёратингиз қабул бўлсин, — деб юзига фотиҳа тортибди, кейин: кетишингизни ҳеч ким билмасин. Тунда яширинча йўлга отланинг, — дебди.

Навоий дўсти билан хайрлашиб, уйига жўнабди... Борса, ҳовлиси одамга тўлиб кетибди. Ҳазрат сафар ихтиёрини тарк этинг, сизсиз ҳолимиз забун бўлади: ариқлар қазиш, бинолар қуриш тўхтаб қолади. Эл тўс-тўполондан чиқмайди. «Сиз бинолар қурдирдингиз, ҳаммомлар, кўприклар, ариқлар, ҳовузлар, боғу-роғлар, кутубхоналар барпо этдингиз. Булар савобнинг ўрнини босолмайдими? Яна бири: — Сиз етимларга — ота, уйсизларга — уй, сувсизларга сув бўлдингиз, шунинг ўзи савоб эмасми? Тўғри айтдингиз, отахон!» — деган сўзлар ёғилибди. Деҳқон бобо ҳақ гапни айтдилар. Ахир ўзингиз демаганмидингиз?

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Сиз сафар ихтиёр этган экансиз, улус буни кечиктиришингизни ё қолдиришингизни ўтиниб сўрайди. Навоий ўйлаб-ўйлаб, Ҳажга бориш ниятини кечиктирибди...

Ривоятдан кўришиб турибдики, Навоий дўстга садоқатли, улуста меҳрибон инсон эди. Шунинг учун ҳам унинг асарларида, юқорида айтганимиздек, инсонийлик, ватанпарварлик гоёси юксакликка кўтарилган.

«Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифамиздир, — деб таъкидлайдилар Ислоҳ Каримов — Бундай етук ёшларни тарбиялаш учун инсонийлик, ватанпарварлик туйғуси керак. Бу туйғунини ёшлар қалбига шакллантиришда Навоийдек буюк даҳларнинг асарлари асқотади, деган умиддаман. Уларнинг босиб ўтган йўллари ёшларимизга ўрнак бўлишини истайман».

*Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди*

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Маълумки, Қўқон қадимдан маданий марказ, шоирлар шаҳри бўлиб келган. Айти пайтда шаҳарда ўлкашунослик ва адабиёт музейи мавжуд бўлиб, уларда халқимизнинг тарихи, адабиёти ва санъатига доир ноёб асарлар жамланган. Жумладан, Фафур Гулом номидаги вилоят адабиёт музейида икки мингта қўлёзма, икки мингдан зиёд тошбосма, бир неча минг шўро даври нашрлари, жами 14 минг экспонат бор. Ўзбек адабиётининг фахри ҳисобланмиш Муқимий, Фурқат, Завқий, Ниёзий каби шоирларнинг ноёб дастхат асарлари, оташин шоир Усмон Носир асарларининг нодир нашрлари, Қўқон хаттотлик мактаби вакиллари: Сулаймонқули Рожий, Каримжон Раҳимжон ўғли, Мирзо Хўқандий, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Носир ҳожи Муҳсинийлар китобат қилган қўлёзмалар бор.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳада бўлгани каби маданий меросни ўрганиш борасида ҳам мислсиз имкониятлар очилди. Шунинг учун ҳам адабиёт музейи жамоасининг ташаббуси ҳамда шаҳар ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида 1992 йилда Ўзбекистон Фанлар

академияси Х. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг Қўқон бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлимнинг асосий текшириш ва ўрганиш объекти сифатида Қўқон адабиёт музейининг қўлёзмалар хазинаси белгиланди. Бўлимнинг молиявий харажатларини эса шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига олди.

Тўрт кишидан иборат илмий ходимлар дастлабки ишни музей хазинасидаги қўлёзма ва тошбосма китобларни янги ташкилдан қайта дафтарларига ўтказишдан бошладилар. Кейин эса қўлёзма ва тошбосма китобларни илмий тавсиф қилишга киришдилар. Бу жараёнда ўзбек халқининг адабиёти, маданияти, санъати, фан тарихи нуқтаи назаридан алоҳида илмий аҳамиятга молик қўлёзмалар ажратиб олинди, монографик тавсиф қилинди.

1992–98 йиллар давомида фонddaги 1000 га яқин қўлёзманинг илмий тавсифи тузилди. Қўлёзмаларни ўрганиш жараёнида меросимиз тарихи учун қимматли манбалар ҳақида шаҳар, вилоят, республика телевидениеси орқали ахборотлар бериб борилади. «Қўқон садоси», «Фарғона ҳақиқати», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Миллий тикланиш» газеталари, «Шарқ юдузи» журнали ҳамда «Адабий мерос» тўпламида кўпгина илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинди. Амирий, Нодира, Муҳйи, Муқимий, Фурқат, Завқий, Маҳмуд Ҳаким каби шоирларнинг жамоатчиликка маълум бўлмаган ўнлаб шеърлари аниқланиб, матбуотда чоп этилди. Нодира таваллудининг 200 йиллигига атаб буклет нашр этилди. 1998 йил 10 июнда «Қўқон хонлиги тарихига оид қўлёзма манбалар» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилди. Илмий тадқиқотларда асосий эътибор шўролар даврида ижоди ноҳақ қораланган ёки бирёқлама баҳоланган ижодкорларнинг адабий меросини ҳолисона ўрганиш ва муносиб баҳолашга қаратилди. Таниқли шоир Ҳазинийнинг ижодий меросидан намуналар «Тасаддуқ, ё Расулulloҳ» номли алоҳида тўплам шаклида, республикаимиз мустақиллигининг бир йиллиги нишонланган кунларда 50 минг нусхада чоп этилиб, китобхонларга тақдим этилди. Қатағон даврининг қурбони бўлган таниқли шоир, таржимон ва хаттот

Мирзо Хўқандий (1880-1943) қаламига мансуб «Йигирма ҳикмат» асари ҳам худди шу йили «Ёзувчи» нашриётида нашр этилди. Катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Аҳмадҷон Мадаминовнинг илмий изланишлари натижасида Муқимий, Фурқат, Завқийнинг янги топишган шеърларидан иборат китоб тайёрланди. «Янги баёз» деб номланган ушбу китоб 1997 йилда Тошкентдаги «Рухафзо» нашриётида босилиб чиқди. 1999 йилда эса Ҳазинийнинг илгари нашр этилмаган юзта шеърини ўз ичига олган девони «Маънавият» нашриёти томонидан нашр этилди. Улуғ мутасаввиф шоир Ҳувайдонинг мукамал девони ҳам А.Мадаминов томонидан нашрга тайёрланган. Булардан ташқари, Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг шеърлари (А. Турдиалиев тайёрлаган), Муҳсинийнинг танланган шеърлари (Н. Неъматов тайёрлаган) ҳам нашрга тахт қилиб қўйилган. Амирий, Азимийларнинг тўлиқ девонлари, Зорийнинг шеърини мажмуаси (А.Мадаминов тайёрлаган), шунингдек, Қўқон тарихига оид «Тарихи Шохрухий» асари катта илмий ходим Солижон Йўлдошев томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашрга тайёрланмоқда.

Яқинда бўлимимиз мустақил фаолият кўрсатадиган «Хазина» қўлёзмалар илмий-тадқиқот марказига айлантирилиб, унинг низоми ишлаб чиқилди. Низомга мувофиқ, у шаҳар ҳокимлигининг ва ҳомийларнинг моддий ёрдами асосида фаолият кўрсатади. Шунингдек, мазкур Низомда марказнинг юридик ва жисмоний шахслар билан тузадиган ўзаро шартномалари асосида араб, форс ва туркий тиллардаги китоблар, газета-журналлар, алоҳида васиқа, ёрлиқ, шажара-насабномалар ва бошқа матнларни жорий ёзувга ўгириш, таржима қилиш ҳисобига ҳам қўшимча маблағ топиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Мустақилликнинг 10 йиллигида қайтадан ташкил этилаётган бу марказ аждодларимизнинг кўп асрлик бой меросини ўрганиш ва халқимизга тақдим этишда нафақат водийдаги, балки республикамиздаги етакчи илмий муассасалардан бирига айланади.

Неъмат ЖАББОРОВ,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси

НОДИРА ҒАЗАЛЛАРИНИНГ НОЁБ ҚЎЛЁЗМАСИ

Мустақиллик йилларида аجدодларимиз меросини ўрганишга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Аجدодларимизнинг дунё кутубхоналарида сақланаётган асарларини аниқлаш ва уларни Ватанимизга олиб келиш чоратadbирларини кўрилмоқда. Айнан шу мақсадда, *Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузурида тузилган махсус комиссия* фаолият кўрсатмоқда. Мазмун-моҳияти билан эзгуликка йўналтирилган ушбу савобли ишга нафақат комиссия, балки ҳар бир давлат, нодавлат ва жамоат ташкилоти қўйингки, ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси олиб борган тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган аждодларимизнинг, шу жумладан, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг дунё кутубхоналарини безаб турган асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам мазкур комиссия ишига имкон қадар ёрдам бериши мумкин¹.

Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан таъсис этилган Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолиятининг иккинчи йўналиши — мустабид тузум даврида турли (девор орасида, мозор ичида, уй томида ва бошқа) йўллар билан сақланиб қолган фуқароларимиз тасарруфидаги ноёб ёзма (қўлёзма ва тошбосма) меросимиз намуналарини тўплаш, ўрганиш ва нашр этишга қаратилган. Ўтган қисқа давр мобайнида жамғармамиз мингдан ортиқ ана шундай асарларни жамлашга муваффақ бўлди². Уларнинг орасида ўта ноёб қўлёзмалар ҳам бор. Шулардан бири — Нодиранинг ғазаллари битилган ноёб қўлёзмадир. Унда хотин-қизларимизнинг ёрқин тимсоли, буюк истеъдод ва ноёб иқтидор соҳибаси, Қўқон адабий муҳитида вояга етиб, унинг ўта нозик жиҳатларини чуқур туйган нозиктаъб ва ҳассос шоира, юксак

бадий маҳорати Мағрибу Машриқни лол қолдирган халқимизнинг сеvimли фарзанди Моҳларойим Нодиранинг Комила лақаби билан ўзбек (10 та) ва тожик (12) тилларида битилган жами 22 та газали келтирилган³. Гарчи мазкур газалларнинг айримлари нашр қилинган бўлса-да⁴, лекин уларнинг қўлёзмадаги кўринишлари ўзига хос жиҳатлари билан китобдаги газалларни мазмунан бойитишга хизмат қилади. Масалан, Моҳларойимнинг «васли ёр истасанг жаҳондин кеч,» деб бошланувчи газали нашр этилган тўпламдагидек

Ёрким ер⁵ тубида пинҳондур,
Нодира моҳи осмондин кеч,

деган байт билан эмас, балки шеър мазмунига мантиқан мос келувчи қуйидаги байт билан яқунланланган:

Ёрким сар тубида пинҳондур,
Комила моҳи осмондин кеч.

Мазкур қўлёзмадаги Нодиранинг ижодидан миллий-диний қадриятларимиз — Наврўз байрами, азиз авлиёлар тараннум этилган айрим газалларни эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, уларда ҳадиси шарифларнинг чуқур мазмуни Комиланинг юксак бадий маҳорати билан уйғунлашиб кетганлигига ишонч ҳосил қиласиз, деган умидда қоламиз:

Жаҳон боғида эй ҳури паризод,
Хижилдур қоматингдин сарви шамшод.

Нағл фил бирла қон тўкмак фанида,
Кўзунг шогирд шўху ғамза устод.

Хиромон келгил эй сарвиравоним,
Қаддинг хайлини бисёр айладим ёд.

Ул мани эй висолидин айирдинг,
Элингдин эй фалак, юз доду фарёд.

Манго сеҳр ичра эй гардун, жафо қил,
Бўлубман дарду ғам чекмакка муътод.

Тилар нолон кўнгил тандин фароғат,
Бу булбулни қафасдин айла озод.

Агар эр каъба таъмири муродинг,
Кўнгил вайронасини қилғил обод^б.

Фалак жаври била ул ой фироқи,
Санга эй Комила, бас мунча бедод.

Манго лаълингдин айру коми жон талх,
Эрур андин шароби арғувон талх.

Эрур гулли мавсими булбул нашоти,
Бўлуру айши анинг фасли хазон талх.

Жаҳондин кетти ул шоҳи жаҳоним,
Манга бўлди фироқида жаҳон талх.

Суюрман ёрни йўқким рақиби,
Нечук ким, яхшидур ширин, ямон талх.

Фироқинг захридек қотил эмастур,
Ҳалоҳил бирла қилдим имтиҳон талх.

Фарҳи кўз тутма ҳижрон шарбатидин,
Эрур захри ҳалоҳил бегумон талх.

Манго йўқтур ҳаловат сандин эрур
Ки, бўлмиш рўзгорим он Жинон талх.

Агар томса кўзумдин қатра ёш,
Бўлуру дарёдаги оби равон талх.

Манго эй Комила, лаълидин айру,
Агар шакар есам бўлғой даҳан талх.

...

Чаман шуд тоза рў то фасли гулгашти баҳор омад,
З ҳар шохи гули яксару қадди гулғаддор омад.
Муборак бод наврўз тарби боғи табиатро,
Гул шоди шикүфту меваи ишрат бибор омад.

Кишавад ин бўстонро шоҳиди гул тарҳи сунбул,
Бидеҳ соқий қадаҳ ҳангоми тағйири хумор омад.
Баъл ойин бу банд эй боғбон, имрўз гулшанро,
Амири аср, яъни соя-и Парвардигор омад⁷.

Чаманзори хиёлаш навбаҳори дигар дорад,
Дил аз худ рафт чандоники, гулшан дар кунор омад.
Шудам нақши қадам то пойи пўсро назм гаштам,
Бароҳаш хоксориҳойман охир бакор омад.

Бароҳаш хок будам Комила аз интизориҳо,
Багардун шуд ғуборам, бар сарам кони шаҳсувор омад.

...

Шайхул кибор, зубдаи оли Расул буд,
Рахти сафар кашид суйи жаннат-ил-хулуд.
Дар танғнойи олам имкон бижадду жуҳд,
Иршоди роҳи толиб кўмакистагон намуд.
Султони тахти мағфира Аллоҳ буд кек,
Кардэ либоси фақр ба бар рақси менамуд.
Рўзона дарс паңди ҳидоят шиор дошт,
Шабҳо то раҳам бақиём аст дар сужуд.
Шаҳбози дасти қудрат сайёд бе дуранг,
Дилҳойи мўъминони художўй роз буд.
Халқ нағўш бўйи хуш афқанда дар жаҳон,
Дар равзаи мунаввараш атр кардэ дур.
Тарихи софут рақам кард Комила,
Қутбул-машойихи уламо буд, рафт зуд.

...

¹ Бу ҳақда қаранг: Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларимизнинг халққа қайтиши (Хоразм) III тўплам, 2001 йил. 37-41-бетлар.

«Александриядаги «ал-Марси» кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаларнинг каталоги» (Искандария шаҳри, 2000 й., арабча) номли китобнинг II жилди 471-бетида келтирилишича, буюк бобокалонимиз Бурҳониддин ал-Марғинович таълиф этган «ал-Ҳидоя» асари қўлёзмасининг бир нусхаси Александриядаги «ал-Марсий» кутубхонасида сақланади.

² Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, 2000 йилнинг 20 июл куни Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма манбалардан иборат ўзбек халқи қўлёзма мероси миллий марказининг Самарқанд бўлими очилди. Ҳозирги вақтда жамғарма унинг электрон версиясини тайёрламоқда. Электрон кутубхона ахборот узатишнинг халқаро тизимлари билан боғланади ва халқаро илмий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради.

³ Нодирабегим мероси бўйича тадқиқот олиб борган ва халқимизни ундан баҳраманд қилишга салмоқли ҳисса қўшган олимлардан Тўхтасин Жаалилов, Азиз Қаюмов ва Маҳбуба Қодированинг хизматларини алоҳида қайд этишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Истиқлол йилларида Нодирабегим таваллудининг 200 йиллиги республикамиз жамоатчилиги томонидан кенг нишонланди. Шу муносабат билан унинг таржимаи ҳоли ва мероси кўпгина тадқиқотлар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар, мақола ва рисоаларда атрофлича ёритилди.

⁴ Қўлёзманинг 117а саҳифасидаги «Дамики, лабларидан зоҳир этса ёр ҳадис», 117б-саҳифасидаги «Ҳар қачонким, деса ул лаъли шакарбор ҳадис», 117б-саҳифасидаги «Васли ёр истасанг жаҳондин кеч», », 117б-118а саҳифалардаги «Май ичсан эй кўнгул, эддин ниҳон ич», 118а-саҳифасидаги «Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж», 119а-саҳифасидаги «Ул пари пайкарки, ҳажридин жаҳоним бўлди талх», деб бошланувчи ғазаллари 1960 йилда нашр қилинган Нодира номли китобнинг 55,54, 61, 62, 63, 70-бетларида келтирилган. (Қаранг: Нодира. Шеърлар. Иккинчи нашри. ЎзССР Давлат Бадиий Адабиёт Нашриёти. Тошкент., 1960 й. Нашрга тайёрловчи Азиз Қаюмов.)

⁵ Мазкур байт қўлёзманинг 117б- саҳифаси ва Нодира номли шеърлар тўпламининг 61-бетида келтирилган.

⁶ Бу байт орқали «инсон кўнгли Каъбадан афзалдур, ...» мазмунидаги ҳадисга ишора қилинган.

⁷ Бу ерда «Подшоҳ бамисоли Аллоҳнинг ердаги соясидир. Кимики уни иззат-икром қилса, Аллоҳ Таолони иззат-икром қилган бўлади. Агар кимики уни хорласа, гўё Аллоҳни хорлаган бўлади» мазмунидаги ҳадисга ишора қилинган.

Отабек ЖЎРАБОЕВ,
илмий ходим, Алишер Навоий номидagi
Давлат адабиёт музейи

ҲАЗИНИЙ ВА ФУРҚАТ: РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ УЙҒУНЛИК

Халқнинг руҳияти ва маънавиятини ифода этувчи раҳнамолар ҳамма даврларда бўлган. Тарихимиз саҳифаларида шундай улуғ даҳоларнинг номлари кўп бор қайд этилган.

Миллатимиз қалби ва адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган руҳпарвар асарлар соҳиби Зиёвуддинхон Каттахожа ўғли Ҳазиний (1867-1923) ижодининг моҳияти маънавий юксаклик, яъни инсонни ирфон ва камолотга етказишдан иборатдир. Комил инсон тушунчаси эса тасаввуфнинг бош мақсади бўлиб, халқни шу гоя сари чорлаган таълимотлардан эканлиги маълум. Ҳаёти ва ижоди ушбу таълимот билан боғлиқ мумтоз шоирларимиз бисёр. Аммо тасаввуфда муайян тариқатнинг пешвоси даражасига етган ижодкорлар алоҳида мавқега эгадирлар. Ана шундай сиймолардан бири – Ҳазиний Тўра Ҳўқандийнинг асарлари матбааларда пайдар-пай босилишдан аввалроқ **“Туркистон вилояти газети”**да бир ажабтовур мақола эълон қилинган эди¹.

Мазкур газета, шубҳасиз, бир қанча маърифий-маданий янгиликларни ҳам амалга оширган. Лекин аслида мустамлака сиёсатига хизмат қилган бу нашр “холис майдон” сифатида ҳам фаолият кўрсатар, Туркистон халқларининг миллий-маънавий кўринишини, юксалишини “чертиб” турарди.

Газетанинг “Письма в редакцию (из Намангана)” рукни остида **“Наманганлик муллабачча”** имзоси билан чоп этилган номсиз бир мақолада Ҳазиний шеърларига “ўзига хос” раддия акс этган.

Исмини кўрсатмаган мақола муаллифи Ҳазинийнинг баъзи шеърларига даъво қилган. Хусусан, шоирнинг қуйидаги мисралари “мунаққид”да таажжуб уйғотган:

Ул шариат мазҳари рўйи ғубор ўлди дариф,
Кетти ҳоло равнақи ислом хор ўлди дариф,
Қозилар ҳукми, ажаб, безътибор ўлди дариф,
Зикри ҳақ монеъ, шарорат ошкор ўлди дариф,
Яхшиларга турғали Фарғона тор ўлди дариф...²

Ҳазинийнинг мазкур мухаммаси Туркистоннинг ўша даврдаги руҳий манзарасини чизиб бергандек бўлади. Муҳитга бу тахлит ёндашувни Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Муҳсиний, Камий, Сидқий (Шавкат-Шеван) каби ижодкорларнинг асарларида ҳам кўриш мумкин. Улар назарда тутган масала ҳам кўзда тутилган даврнинг ижтимоий-сиёсий аҳволидан огоҳ замондошларимизга маълум ва бу жиҳатдан шоир ҳақ эди.

"Муллабачча" мақсадини шундай баён қилади:

"... беш-олти калима баҳс-мунозара шеърларидан тобтим; рўбару бўломай, ҳайрон бўлуб, охири ўйладимки, Тошканди ҳаводис номасига ёздурсам..."

Мазкур "баҳс"дан мисол:

"Эй Ҳазиний, айтибсизки:

— "Қозилар ҳукми, ажаб, безътибор ўлди дариф..."

Қайда қозилар ҳукми безътибор эканким, жанжал қилиб борса, қозилар ҳукми йек тараф қилғонда, бузуб юбормакка биравни ҳагди бўлурму? Агар инонмасангиз, бизи Намангонга келиб, Асғархон гузарида қимор ўйнаб, ё ҳаром шарбатлардин бирор навъини ичиб кўрсангиз, билурсизки, жаноб қозин киром, зул эҳтироми олий мақомимиз Асғархожа эшон қозимиз олти ойдин оз ҳибс қилурларму ё зиёда?"

Шеърдаги қозилар ва уларнинг ҳукми тўғрисидаги фикр Асғархожа қози каби инсонларга маъқул келмаган кўринади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, истиқлолдан кейин ошкор бўлган кўпгина тарихий маълумотларда ҳам мусулмон суди — қозилик маҳкамаси чор мустамлакаси даврида сиқувга олинган, ўз мақомида кўрилмаган. Асосан, фуқаролик ишларинигина ҳал қилиши мумкин бўлган.³

Фикримизча, ўз даврида бу шеър анча шов-шувга сабаб бўлган. Шоирнинг ҳозирда ҳаёт - 1922 йил туғилган, кенжа ўғли Сотиболдихон отадан нақд қилинган Ҳазиний ҳаётига оид бир

воқеа шундан далолат беради:

"Бир кунн Ҳазиний тўрани маҳаллий қозилардан бири чақиртириб:

— Эшонбува, бу бир шеърларида "қозилар ҳукми безътибор ўлди" дебсиз. Қачон бизни ҳукмимиз безътибор қолиб, бекор бўлган экан? — дея, қистовга олибди.

Ҳазиний тўра эса:

— Ҳа, тақсир, ҳукмларингизни губернатор тасдиқламаса, бекорда. Безътибор бўлгани шуда, — деб жавоб берсалар, қози эътироз билдиролмай қолган экан".

Академик шоир Фафур Фуломнинг (Исажон аския меросидан олинган) "Аннақулбек қози" ҳикоясида ҳам бут таққан ҳолда ҳукм чиқарувчи қозилардан бири тилга олинади. Ҳикояда қози ўз бўйнидаги бутга ишора қилган ҳолда: *"...бу Оқпошшонинг Худоси... Шу бўлмаса, бизнинг ҳукмимиз ҳам бир пақир..."*, дея алоҳида таъкидлайди⁴.

Бундай мисоллардан ҳам шоир Ҳазинийнинг мазкур мавзудаги фикри жуда чуқур ва кенг маънода бўлганлиги, номи юқорида айтиб ўтилган қози ва "муллабачча" кабилар эса унга "юзакни" ёндошганликлари ойдинлашади.

Лекин ўша даврнинг илғор зиёлиларидан бири, Наманганнинг Тўрақўрғони ва унинг атрофида 20 йил қозилик қилган Исҳоқхон тўра Ибрат (1862-1937) Ҳазиний ижодига яхши муносабатда бўлганлигини унинг мусаввада-мажмуасидан⁵ ҳам билиш мумкин. Бу қўлёзма манбада бошқа шоирлар билан бир қаторда Ҳазиний асарлари ҳам алоҳида эътибор билан кўчирилган.

Шариат "посбони" сифатида Ҳазиний мисраларини танқид этган номаълум муаллиф давом этади:

"Ва..." шарорат ошкор ўлди" — дебсиз; қайда — Чорсуда хамр ичиб ва зино қилиб юрулубдур; ҳар қандоқ хилофи шаръий бўлса ҳам ёшуруб қилурлар..."

Шунга ўхшаш заиф даъволардан фақат ёқа ушланади, холос. Ҳатто, шоирни гуноҳкорлик ва *"ашулага муносиб шеър айт"* моқликда айблаб, қўшиқнинг ҳаромлигини таъкидлайди. Бу хусусда кўп бора тўхтагани учун, нақшбандия тариқатининг намояндаларидан Маҳдуми Аъзам Аҳмад Хожагий Косонийнинг *"Рисолаи самоъийя"* асридан иқтибос келтириш билан

чекланамиз:

"Билгил, эй гарвеш, инсон руҳоният ва нафсониятдан таркиб топгандир: бу икки сифатдан қайси бири ғолиб келса, инсон ўшанга тобеъ ва мойил бўлиб кетаверади. Мусиқа эса, "Аҳлуллоҳ" (тариқат аҳли) учун лозим ва лойиқ бир сифатдир. Ёқимли савтлар ҳақ Таолонинг ўз бандаларига бўлган хитобидур. Бинобарин, инсоннинг ёқимли куй ва овозларни эшитганда руҳоният томони ғолиб келса, демак у ҳақ Таолога муқарраб (яқин) бўлиш томонига ўтган бўлади".⁶

Таъкидланган мақоладаги даъволарга гўёки жавоб тарзидаги Ҳазинийнинг ушбу байти ўринлидир:

Бу олам халқига ҳар ким насихат қилса, ёқмайду,
Неча бемаънилар айтур: "Ҳазинийнинг мазоси йўқ".⁷

Умуман, шоир ижоди ҳаётий воқеликларга бойлиги билан ажралиб туради. Масалан, айна пишиқчилик пайти Ҳазиний жўралари билан қишлоқлардан бирига борибди. Сафар Қўқон аравада бўлгани учун, манзилга етиб келгач, ҳамма бир-бир сакраб тушибди-ю бир оёғи ногирон киши тушолмай қолибди. Шу пайт Ҳазиний тўра югуриб бориб, ҳалиги яримжон кишини аравадан кўтариб, тушириб қўйибди. Турганлардан бири Зиёвуддинхон эшонга:

— "Қап-катта, обрўли одамсиз. Ўзингиздан кичикни кўтариб нима қилардингиз? Бунга бошқалар ҳам бор эди-ку?!" — деб дашном берган бўлибди.

Шунда Ҳазиний тўра:

— "Маломат қилсангиз, қилаверинг. Маломатда — саломат", — дея кулиб қўя-қолган экан:

Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса,
Балки иймони хатарлик, анда гайрат бўлмаса...
"Халқ аро расво бўлубман" — деб, Ҳазиний, ғам ема,
Етмагай ҳеч ким саломатта маломат бўлмаса.⁸

Халқ ва унинг зиёдилари томонидан, доимо ҳақиқатни сўзлаб, эзгулик сари чорлаган Ҳазиний тўранинг эъзозланиши ҳамда

хурмат эътиборининг ошиб бориши ўша вақтда айримларга, тўғрироғи, ҳукмрон тоифага ёқмаганлиги аниқ. Цензор ва миссионер Н.Остроумов муҳаррирлигидаги **"Туркистон вилояти газети"**, албатта, зикр этилгандек, рағбағлантирганлиги табиий. Кўпчилик мақолаларнинг уюштирилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжудки, балки, сўз юритаётган "мақола" миз ҳам шу тахлит бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Остроумовнинг эса **"ўзбек халқи тақдири тарихида ўта реакцион рол ўйнаган"** лиги ва **"унинг кирдикорлари ҳақида"** бир неча тадқиқотларда таъкидланган⁹.

Мустамлакачи кучлар халқимизга ёт ғоя ва мафкуранинг татбиқига ҳаракат қилиб, Президентимиз И.Каримов ибораси¹⁰ билан айтганда, **"энг даҳшатлиси фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги"**ни барпо этишга киришган бир даврда, "билиб-билмай", унга хизмат қилган юқоридаги каби "мунаққидлар" бўлганлиги, аччиқ бўлсада ҳақиқат.

Аmmo тақдири азалда битилган адолат, албатта, рўёбга чиқади. "Ниҳоят... ҳаётда ривожли бир шайх ва шоир бўлиб танилган"¹¹ Зиёвуддинхон халқ томонидан "Ҳазиний тўрам" ва "Эшонбува" дея эҳтиром қилинди. Унинг ирфони ва бунинг ниҳоятидаги асарлари жуда кўплаб мухлис орттирди. Натижада шоир ижодининг ихлосмандлари бўлмиш Камий Шоший, Сирожиддин Маҳдум, Юсуфжон Рожий, Мирзо Аҳмад, Муҳаммад Расул, Камолхон Тошкандий, Муҳаммад Зуфар каби шоир, хаттот ва ноширларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1910-1915 йиллар давомида **"Баёзи Ҳазиний"** тўлдирилган ҳолда 8 марта чоп этилди.

Ҳазиний шеъриятидаги асосий ғоя эса азалий ва абадий ҳақиқатни тараннум этиш, халқни эзгулик, поклик, одамийлик сари чорлаш, жаҳолат, адоват, адолатсизлик, ёвузлик, вафосизлик каби иллатларни қоралаш эди. Шоир халқ тили ва энг муҳими дилига яқин услубда ижод этиб, инсон гўзаллиги ва камолотини куйлади. Шу боис у замондошлари томонидан **"шоир оташзабон"**¹² деб эътироф этилган.

Шу ўринда алоҳида диққатта сазовор жиҳат ҳақида фикр билдириш жоиз. Маълумки, мумтоз адабиётимизда исломий ишонч-эътиқод тамойилларига асосланган кўплаб асарлар яратилган. Аллоҳга ҳамд, муножот, пайғамбаримизга наът ва

бошқалар шулар жумласидандир. Яна бир туркум ижод намуналари борки, улар "Охиратнома", "Қиёматнома", "Сиротнома" каби асарлардир. Бундай асарлар XIX аср қўлёзма манбаларида, айниқса кўплаб учрайди. Ҳатто, XX аср бошларида босма усул билан чоп этилган кўпгина нашрларини ҳам кўриш мумкин. Бу, албатта, замона ва халқ тушунчаси билан боғлиқ. Мазкур давр эса чор истибдоди ўлкамизда авжига чиқа бошлаган давр бўлиб, ўша вақтда маҳаллий миллатлар эрки, маънавияти, тили ва динига тажовуз қилинганлиги тарихдан маълум.

Зикр этилган "номалар" маълум жиҳатдан мусулмон халқнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилганлигини ҳам эътироф этиш зарур. Бироқ Ҳазиний ориф шоир сифатида халқни турли даҳшатлар билан қўрқитиб эмас, Аллоҳнинг лутфу карамига умидвор бўлиш орқали уни севишга даъват этиб, Ҳақ ҳукмларини муҳаббат билан адо этишга чақирган. Инчунин Муҳаммад Мустафодан (с.а.в.) нақл этилган ҳадисда (Имом Муслим ривояти): "Дин аҳкомларини халққа осон қилиб кўрсатинглар, қийин қилиб кўрсатманглар. Уларга Аллоҳнинг ваъдаларини гапириб, башорат беринглар, азобларидан кўп гапириб, безитиб қўйманглар!" — дейилади¹³.

Шоир ҳам ҳолис Аллоҳ учун ибодат қилишни, яхши амаллар ила умр дафтарини безашни ва шу тариқа икки дунё саодатига эришиш мумкинлигини алоҳида уқтирган. Унинг қуйидаги байтида, билдирилган фикрларга уйғун равишда, иқтибос санъати воситасида Қуръони Каримдан лафзан келтирилади:

Холиқим берди хабар: "Увфи би аҳдикум..." дебон,
Содиқи аҳду вафо, оламда монандинг сени...¹⁴

"Увфи би аҳдикум" — "аҳдга вафо қилмоқ" маъносида бўлиб, бунда "Бақара" сурасида келган қуйидаги оят назарда тутилган:
"Эй бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг ва Менга берган ваъда-аҳдга вафо қилинг. Шунда Мен ҳам аҳдга вафо қиламан. Ва Мендангина кўрқинглар."¹⁵ Я ў н и , Аллоҳга бандалик аҳди бажо келтирилса, ўз аҳдига вафо бобида Тангри Таолодан ўзга вафодорроқ зот йўқлиги таъкидланган. Бу тахлит сатрларни битиш ижодқордан юксак маънавий-маърифий

савия талаб этади.

Зиёвуддинхон Ҳазиний тўра Пайғамбаримиз (с.а.в.) авлодларидан ҳисобланмиш саййид-тўраларга мансуб бўлиб (бунга оид шажаравий ҳужжатлар ҳозиргача сақланган), 30 ёшида иршодга эришиб, тариқат шайхи бўлганлигига унинг шеърлари ва "Тазкираи Қайюмий"да ишорат бор.

Сулуқим Қодирия, раҳбаримдур пири пийроним...¹⁶

Мазкур сатрда Ҳазиний ўз тариқатини аниқ билдирмоқда. Ушбу, сатр мансуб ғазалнинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, унга Фурқат Ёрқандда туриб мухаммас битган.

Маърифатпарвар ва зукко шоир Зокиржон Фурқат (1858-1909) ҳам шайх ва шоир Ҳазиний билан сулук жиҳатидан, демакки қалбан чамбарчарс боғланган деб тахмин қилиш мумкин.

Аввало, Фурқат ва Ҳазиний замондош бўлсалар-да, уларнинг кўришганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бироқ Қўқондаги "Жомеъ" мадрасасидаги таҳсил давомида Зиёвуддинхон шаҳардаги Муқимий етакчилик қилган шоирлар даврасидан баҳраманд бўлганлиги табиийдир. Ана шу давранинг фаол иштирокчиси Фурқат 31 ёшида Қўқонни тарк этганда, Ҳазиний 22 ёшда бўлган. Икки шоирнинг ўзаро учрашуви ҳамда ижодий мулоқотларини тасаввур этиш қийин эмас. Тақдирлари мураккаб бу ижодкорларни боғлаб турган узилмас ришта - Муҳйиддин Абу Муҳаммад ибн Абу Солиҳ Абдулқодир Гийлоний (1077-1165) номи билан боғлиқ тасаввуфнинг Қодирия тариқати эди.

Ҳазинийнинг:

Мадад айларга ул кун дастгири раҳбарим бордур,
Жаноби Ғавс ул-Аъзам, қутб ул-ақтоб сарварим бордур!¹⁷
мисраларига Фурқатнинг ҳамоҳанг сатрларини учратамиз:

Ё ғуломи шайхи Ғавси Қодирия, раҳбарим,
Бўлдингиз шаҳри Намангонда фано, айланг мадад...
Фурқатий, йўлларда қолди Ғавси Аъзам дастгир,
Қўл тутарга йўқ эрур бир раҳнамо, айланг мадад.¹⁸

Юқорида келтирилган Фурқат шеъридаги - "Бўлдингиз шахри Намангонда фано..." жумласи бу икки ҳаммаслак мутафаккир ўртасидаги ажиб ва сирли боғлиқликни кучайтиради.

Фикримизча, Фурқат, Наманган шахрида фано бўлган (яъни, вафот этган) деганда, Мажзуби Намангонийни назарда тутган. Чунки Абдулазиз Мажзуб Намангоний (в. 1273/1856-57 й.) ўз даврининг энг етук тасаввуф намояндаси бўлиб, унинг қаламига мансуб "Девон" ва тазкира маълум. Мажзубдан сўнгра издошлари томонидан "мажзубхонлик"лар ўтказилиб турилган. Уларда Мажзуби Намангонийнинг ирфоний шеърлари куйга солиниб, хониш қилинган. Бу эса, ўз навбатида, суфийлар хонақосидаги зикр вазифасини ҳам ўтаган.

Ҳазиний тўра шеъриятида Мажзуб ва мажзубхонликларга ишоралар мавжуд¹⁹. Бу бежиз эмас, негаки, Зиёвуддинхон Ҳазинийнинг муришиди комили Муҳаммад Ҳакимхон халифа эшон Хўқандий (в. 1314/1897 й.) айнан Мажзуби Намангонийнинг шогирди, муриди ва халифаси бўлган. Ҳазиний муттакоси Ҳакимхоннинг вафотига бағишланган "ҳажрида" радибли марсия-мухаммасида "Дарғаҳи Мажзубга хизматларидур ошкор...", дея эътироф этган. Булардан эса - Мажзуб, Ҳазиний ва Фурқат орасида узвий ришталар, руҳий алоқа-робита борлиги ойдинлашади. Бундай боғлиқликлар ҳамда Ҳазиний шеъридаги Яратганга илтижо, мунг ва қайғунинг қурбатда юрган дилхаста Фурқат кўнглидан жой олган.

Мазкур шеърни эса Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи "Фурқат фонди"да²⁰ сақланаётган, шоирнинг Ёрқанддаги ҳаётига дахлдор, "Кажкул дафтари"дан аниқлашга муваффақ бўлдик. Фурқатнинг ҳаёти ва ижодига оид ноёб манбалардан бири 187 варақдан иборат бўлган дафтар араб, форс ва ўзбек тилларида юритилган. Унда нўжум, калом, ҳисоб, тиббиёт ва тасаввуф илмларига оид маълумотлар жамланган. Матнлар дафтар саҳифаларига Фурқатнинг ўз дастхати билан настаълиқ ва таълиқ хатларида кўчирилган. Бундан Зокиржон Холмуҳаммад ўғлининг дунёқарашини нечоғлик кенг, билими чуқур ҳуснихат соҳиби бўлганлиги англашилади. Факт шуки, дафтарнинг 150⁶-152^а варақлари ҳошиясига, қора сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида битилган Фурқатнинг шу кунгача бизга маълум бўлмаган,

Ҳазинийнинг "қилмасам бўлмас" радиопрограммаларига боғланган 7 банддан (35 мисра) иборат мухаммасдир. У нашр этилган Фурқат ижодига мансуб биронта тўпламда ҳам, шоирнинг шеърлари мавжуд бошқа манбаларда ҳам учрамайди. Эҳтимол, келгусидаги тадқиқотлар зикр этилган шеърнинг ўзга манбаларини ҳам аниқлаши мумкин.

Ҳазинийнинг шеърлари 1910 йилда илк мартаба Орифжонов матбаасида "Баёзи Ҳазиний" номи остида жамланиб, чоп этилганда шоир аллақачон "нафақат Фарғона, балки Тошкент ва ғайри ерларда маълум ва марғуб бўлиб"²¹ улгурган ва кўплаб асарлари ўнлаб қўлёзма баёзлардан ўрин олган эди. Она Ватандан йироқда, юрт соғинчидаги Фурқатта Ҳазиний шеърлари ё қўлёзма китоблар ёки номалар воситаси ила етиб борган бўлиши мумкин. Фикримизча, тахмис Фурқатнинг охириги шеърларидан. Чунки биринчидан, асарнинг руҳияти шундан дарак берса, иккинчидан, "Кажкул" дафтаридаги сўнги шеър ҳам шудир.

Мустамлакачилик сиёсатининг бевосита давомчиси бўлган шўро даврида "реакцион" ёрлиғи остида ўрганилмаган, аммо, халқ томонидан доимо севилган Ҳазинийнинг ижодини ўрганишга Истиқлол йилларида алоҳида эътибор беорилди, таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланди. Унинг ижоди нақадар ардоқли эканлигини Фурқатдек оташнафас шоир боғлаган мухаммасдан ҳам билиш мумкин. Қуйида Зиёвуддинхон Ҳазинийнинг газалига Зокиржон Фурқат боғлаган ана шу мухаммас илк бор эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ҳазиний газалига Фурқат мухаммаси

Манам, аҳли фано янглиғ, риёзат қилмасам бўлмас,
Топиб бир пири донони, инобат қилмасам бўлмас,
Бўлуб хоки роҳи, хизмат давомат қилмасам бўлмас,
Гунаҳга тавба айлаб эмди, тоат қилмасам бўлмас,
Хатою маъсиятларга надомат қилмасам бўлмас.

Дариғо, билмадим ўзни, юруб бу карру фарлиқда,
Гунаҳ қилмаққа бўлдум, бир шижоат пеша харлиқда,
Юрурман то бу дам, мағрур ўлуб, бу бебасарлиқда,
Абас ўтги йигитлик, сад дариғо, беҳабарлиқда,
Фаниматдур, тирикликда ибодат қилмасам бўлмас.

Гунаҳ қилмоқдин ўзга, манга бир иш бўлмади асло,
Ўз амсолим ичида юз қаро бўлдум, бўлуб расво,
Бу дунёда манингдек бир гунаҳлик банда йўқ пайдо,
На юз бирла борурман, туҳфасиз Ҳақ қошиға фардо,
Ҳаётим борича эмди, итоат қилмасам бўлмас.

Ҳабибин уммати қилди, мани ул поки Яздоним,
Яна берди қўлумға нақди миллат бирла исломим,
Кетар вақтимда манга, рўзи қилсун нури иймоним,
Сулуким Қодирия, раҳбаримдур пири пийроним,
Саҳарлар ҳифзи иллоллоҳни одат қилмасам бўлмас.

Ибодат айламакға ман хоҳиш одатни тарк эттим,
На зикри ҳақ этай — деб, кечалар роҳатни тарк эттим,
Риёзат шиддатин тортмоққа ман тоқатни тарк эттим,
Юруб нафсим учун, шул вақтгача, тоатни тарк эттим,
Қаноат шаҳриға бориб, тижорат қилмасам бўлмас.

На бўлди тийра кўнглум, махзанида сидқ ила ҳиммат,
На бир ерга юзлансам, анда юзланғай манга некбат,
Кима бир яхшилиқ қилсам, етар ўрниға юз кулфат,
Фужури рафиқ исёним, халойиқлар аро шуҳрат,
Мадина-Маккатуллоҳни зиёрат қилмасам бўлмас.

Тугалди барча умрум, сад дариғо, беҳабарлиқда,
На иш қилсам, бўлур ул иш бири бирдин батарлиқда,
Мани ҳолим на кечгай, Фурқат, ушбу беҳазарлиқда,
Эгосиз ит каби умрум ўтубдур дарбадарлиқда,
Ҳазиний, ихтиёри эмди, ҳижрат қилмасам бўлмас.

- ¹ Туркистон вилояти газети (Туркестанская туземная газета). 1908. 14 сентябрь. №74. 3-саҳифа.
- ² Қаранг, шеърнинг тўлиқ шакли: Ҳазиний. Девон. (нашрга тайёрловчилар: Мадаминов А., Жўрабоев О.) Тошкент, Маънавият, 1999, 125-бет.
- ³ Қаранг: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент, "Шарқ" НМК. 2000 й., - 198-199, 208-210-бетлар.
- ⁴ Фафур Фулом. Аннақулбек қози. (Менинг ўғригина болам. Қисса ва ҳикоялар.) Тошкент, Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, 160-161-бетлар.
- ⁵ Қаранг: Ўз Р ФА Шарқшунослик институтида сақланувчи №11620 қўлёзма — "Ибрат мажмуаси".
- ⁶ Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фикҳристи. Тошкент, 1993, 46-бет.
- ⁷ Ҳазиний. Мазкур манба, 47-бет.
- ⁸ Ҳазиний. Мазкур манба, 91-бет.
- ⁹ Долимов У. "Исҳоқхон Ибрат". Тошкент, Шарқ. 1994 й., 23-бет; Қосимов Б., Жавҳарова Р. "Сидқий Хондайлиқий". Тошкент, Маънавият. 1998 й., 17-бет.
- ¹⁰ Каримов И.А. "Адолатли жамият сари". Тошкент, Ўзбекистон. 1998 й., 6-бет.
- ¹¹ Қайюмов П.Д. "Тазкираи Қайюмий". III китоб. Тошкент, 1998 й., 562-бет.
- ¹² Баёзи Ҳазиний. (Унвон варағи). Т., Орифжонов матбааси. 1910.
- ¹³ Муслим ибн ал-Ҳажжож. Уватов У., Мерос. 1995 й., 61-бет.
- ¹⁴ А.Мадаминов домла кутубхонасидаги Абдуллажон Насимий мусаввада-баёзи, 61 а варақ.
- ¹⁵ Қуръони Карим. "Бақара" сураси. 40-оят. Тошкент, Чўлпон. 1992 й.
- ¹⁶ Ҳазиний. Тасадуқ ё Расулуллоҳ. Тошкент, Ёзувчи. 1992 й., 8-бет.
- ¹⁷ Ҳазиний. Девон. Тошкент, Маънавият. 1999 й., 143-бет.
- ¹⁸ Мадаминов А. Фурқатнинг янги топилган шеърлари. Фурқат ижодиёти. Тошкент, Фан. 1990. 112-138-бетлар. *Favs ul-Aъзам* - Абдулқодир Гийлонийнинг куняси (лақаби) бўлиб, энг буюк *favs* (мадад берувчи), яъни, авлиёларнинг буюғи демакдир.
- ¹⁹ Ҳазиний. Мазкур манба, 78-бет.
- ²⁰ Қаранг, фонд ҳақида илк бора: Расулова Д. Фурқат фонди. / Фурқат ижодиёти. Тошкент, Фан. 1990 й., 79-82-бетлар.
- ²¹ Баёзи Ҳазиний. Мазкур манба.

Гулноз САТТОРОВА,
аспирант, ЎзФА Алишер Навоий номидagi
Тил ва адабиёт институти

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ МАВЗУСИ

Истиқлол нури ила йўғрилган мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизнинг тикланиши халқимиз ижодий салоҳиятининг янада юксалиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Кечаётган маънавий янгиликлар жароғининг самарали бўлишида халқимизнинг бадиий-эстетик анъаналари, хусусан, адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Мустақиллик йиллари адабиётнинг бадиий тақомилига хос белгилардан бири шундан иборатки, ёзувчиларимиз адабиёт майдонига янги типдаги қаҳрамонларни олиб кирмоқдалар.

Истиқлол шарофати билан адабиётга ишбилармон, тадбиркор, янгича дунёқарашга эга зиёли, фидойи шахс образлари кириб келди. Шу билан бирга, тарихни акс эттиришда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Тарихий ҳақиқатни тасвирлаш кучайди: шўро даврида қора бўёқ чаплаган, босмачи, бой, эшон, миллатчи каби тамғалар билан лаънатланган салбий образлар бугун ҳолис баҳоланмоқда.

Бу ҳол Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул, Ғ. Ҳотам ижодида, айниқса, яққол кўринмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, янги қаҳрамон характеридаги ҳолатлар ҳам янгича бўлади. Жумладан, миллий ўзлик ва юртни босқинчилардан ҳимоя этишга бел боғлаган, ўз тақдирини она юрт билан уйғунлаштирган кишилар характеридаги мардлик, олийжаноблик, тўғри сўзлик ва донолик, ор-номус ва виждонни ҳар нарсадан устун қўйган қаҳрамонларнинг типик вакиллари яратилди.

Қатагон йиллари даҳшатлари акс этган воқеалар Х. Дўстмуҳаммаднинг «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози»,

«Тўхтабойнинг бойликлари», Н.Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди», «Бевақт чалинган бонг», «Маймун етаклаган одам» каби ҳикояларида маҳорат билан тасвирлаб берилган. «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози»да Миркомилбой, «Шамолни тутиб бўлмайди»да Байна момо, «Бевақт чалинган бонг»да қоровул чол, «Уйи куйган одам»да Тўқсабо образлари нафақат давр иллатлари, балки инсон тақдири, руҳиятини очиб беради.

Давр иллатлари акс этган асарларни Назар Эшонқул ижодида кўплаб учратиш мумкин. Албатта, яқин ўтмишнинг аянчли, машғум кунларини тасвирлаш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаш кўплаб адибларимиз ижодида кузатиладиган ҳолат. Табиийки, адиб эътиборини, асосан, қора кучларни фош этишга эмас, балки, тарихнинг кўпчиликка сирли бўлиб қолган, бугунги кун ўқувчисига маънавий озуқа берадиган жиҳатларга қаратмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, Н. Эшонқул ҳам маълум маънода ўз бадий ниятига эриша олган дейиш мумкин. Дарҳақиқат, унинг «Бевақт чалинган бонг», «Шамолни тутиб бўлмайди», «Маймун етаклаган одам», «Оғрик лаззати», «Ўлик мавсум» каби ҳикояларидаги қаҳрамонларнинг тақдири, дунёқараши, кўнгил изтироблари ва мураккаб характерлари ўқувчини мушоҳада қилишга мажбур қилади. Уларга ҳамфикр, сирдош бўлиш анча қийин. Китобхон ички бир ҳадик билан узоқдан кузатиб туриб қаҳрамонга ҳамроҳ бўлади. Ёзувчи тасвирлаган образлардаги характернинг бу даражада мураккаблиги қаҳрамоннинг инсон аталмиш зотта ишончсизлиги, аламзадалиги, ҳаёт ташвишларидан безганлиги бунга сабаб бўлса керак.

Х. Дўстмуҳаммад шундай ёзади: *«Ёш адиб яратган сюжет қурилмаси, низо ва оҳангларнинг барчаси — ўйчан ва сермушоҳада наср намунасидир. Уларда воқеалар персонажлар кўлами эмас, қаҳрамон қалби шуурида кечаётган ўй-мушоҳадалар ва кечинмаларнинг таҳлили биринчи планга чиқади»*. Дарҳақиқат, ёзувчи тасвирларида шундай жумлалар мавжуд. «Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма тешик бўлиб кетган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли халқоб билан тўлган айвонига сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждоғларининг унут бўлган

яловигади уйининг олдидаги орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар кўпориб ташлашга кучлари етмагач, кавлаб олишга мажбур бўлган баланд толга осиб қуритарди»¹.

Асарда момонинг ҳамқишлоқларига нисбатан нафрати «... бу қишлоқнинг аёллари энди фақат ҳезалак тувади» ёки «Ҳақим отчопармисан, бунча урғочи байталга ўхшаб қийшанглайсан», «Эй, сенмисан Салим кўса, хотинингни иштонини кийиб юрибсанми, дейман», дея масхараомуз иборалардан ўта моҳирона ифодаланган.

«Бевақт чалинган бонг»да қоровул чол жамиятдаги фаҳш ишларга ҳам бефарқ қарайди, хотини хиёнат қилган қоровул чол аёл зотига нисбатан нафрат билан боқади. Ҳар иккала асарда бир-бирига ўхшаш жиҳатлар ҳар икки қаҳрамоннинг атрофдаги кишилардан узилиши ўз хаёллари қобиғига ўралиб қолиш, ҳаётда соядек, синиқ хотирадек ҳаракатланиш ва йиллар шамоли ўчира олмаган қалбларидаги қасос ўтининг тўсатдан алангаланиб, бутун вужудида ғайри табиий куч пайдо қилиб бонг уришида кўринади. Бу бевақт чалинган қасос бонги кутилмаган бир ташқи куч таъсирида содир бўлади. Н. Эшонқулнинг тасвирашича, Байна момо «кичкина, сочлари ошпоқ бўлиб қолган рамақижон кампир» билан девдай Замон отбоқарнинг қиёфасини қиёслайлик. Ёки ичкиликдан, бу дунё ғам андуҳларидан букчайиб қолган маймоқ, қоровул чолнинг айни куч-қувватга тўлган ёш котиб билан қиёслайдиган бўлсак, улар ўртасидаги кучлар нотенглиги ортга чекиниб, ишониб бўлмас даражада ваҳшийларча қасос ғалабасининг чизгиларини адиб маҳорат билан тасвирлаган.

Инсон ҳаётида эзгуликлар ҳам, ёвузликлар ҳам учраб туриши турган гап. Ҳатто ёвузлик қилган инсон ҳам қилмишини сартарози қилар экан. Байна момо ҳам, қоровул чол ҳам ўз қотиллигидан одамлар олдида хижолат чекади. Оллоҳ олдида гуноҳкор эканликларини ҳис этадилар. Шу сабаб, суюнчи олгани кирган аёлларга Байна момо «боринглар, ўликларингга йинганлар», деб аччиқ, беписанд гап қилади. Қоровул чол эса саросимада котиб билан ўтган ширин ҳаётининг хотиралари гирдобга айланишини ҳис этиб, яқин кишисини йўқотгандек ғам-андуҳга ботади.

Н. Эшонқул «Шамолни тутиб бўлмайди» асарида Байна момо образи орқали инсоннинг мураккаб руҳий ҳолатини, чигал жумбоқли тақдирини узундан узоқ рамзий тасвирларда, руҳий

портрет орқали ёритади, қаҳрамонни сўзлатмайди. Лекин у ҳақдаги маълумотларни ёзувчи ўз психологиясида шакллантириб, сўзлаб бериш йўли билан ўқувчига етказади.

Асарни ўқиш жараёнида китобхон қоровул чолнинг очиқ қотиллик қилишига кўникади. Омадсиз ва кимсасиз чолга нисбатан китобхон қалбида илиқлик туғилади, жирканч ва худбин ҳамда бахтсиз котибга нисбатан нафрат пайдо бўлади. Шу сабаб, икки асар қаҳрамони характери билан танишар эканмиз, уларнинг қотиллик қилишини тушунгандек бўламиз. Бу қотиллик китобхон кўз ўнгида содир бўлади. Чунки ёзувчи китобхонни шунга тайёрлаб ва кўниктириб борадики, натижада инсон ҳаётининг яқун топиши кишига оғир ботмайди, аксинча, узоқ вақтлик руҳий қийноқлардан сўнг орзуси амалга ошган кишидек эркин тин олади.

Шу ўринда яна бир фикр туғилади, бу икки қаҳрамонни, Байна момони ёлғизлик ва нафрат гирдобига отган ёки қоровул чолни ишончсизлик ва лоқайдлик сари етаклаган воқеаларнинг бош сабабчиси Замон отбоқар ва котиб эдими? Бунинг сабаби давр иллоти, сиёсатнинг қатағон ва қулоқ қилиш каби ўйинлари эди, деб ўйлашимизга асос бор. Ушбу асарлар китобхонни ўтмиш даҳшатлари билан таништириб, уларни бугунги бахтиёр, ёруғ кунларнинг қадрига етишга даъват этади.

¹ Н. Эшонқул. Шамолни тутиб бўлмайди.

*Ўқтамжон ЭШОНБОБОЕВ,
Бурҳониддин ал-Марғиноний шаҳар жамғармасининг раиси*

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ САЙҚАЛЛАНГАН МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

Истиқлолимиз шарофати билан халқимизнинг муқаддас эътиқоди — Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросимизни асраб-авайлаш, буюк алломаларимизнинг илмий

ғоялари ва асарларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва халқимизга етказиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ҳурматли Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, давлатимиз ва миллатимиз тарихини ота-боболаримизнинг муқаддас динидан айри ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмайди. Исломий қадриятлар ва тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Кечираётган ҳаётини Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло барчамизга берган энг олий неъмат деб қабул қилади.

Муқаддас динимизни, Қуръони карим оятларини, ҳадисларни, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий каби минглаб аждодларимиз қолдирган меросни чуқур ва кенг ўрганиш, тарғиб қилиш, халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг бу бебаҳо хазинадан баҳраманда бўлишига шароит туғдириш барчамизнинг муҳим бурчимиздир. Бу шарафли бурчни бажариш борасида Фарғона вилоятида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Машҳур олим Аҳмад ал-Фарғоний, ислом қонуншунослигининг йирик намояндаси Бурҳониддин ал-Марғиноний каби бобокалонларимизнинг асарлари бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг натижалари халқимизга тақдим қилинмоқда, мақбаралари эса обод этилмоқда.

Юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг қадамжоларига илмий-тадқиқот экспедициялари ташқил этиш, халқаро, республика ва вилоят миқёсида-илмий-амалий ва илмий-назарий конференциялар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Жаҳон ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги муносабати билан ибратли ишлар амалга оширилди. Республикамиз Президенти айтганларидек, *«ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда»*.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилон шаҳри X асрдаёқ савдо ва маданият ўчоқларидан бири бўлиб танилган. Жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган улуғ алломаларнинг

қадамжолари ва мақбаралари мавжуд бўлгани учун ҳам у қадимдан «Сундуқ-ул-орифин», яъни олимлар макони деб аталган. Шу ерда туғилиб, кейинчалик Ислом дунёсидаги машҳур илм-фан марказларида самарали илмий фаолият кўрсатган улуғ алломалар анчагина. Жумладан, Бухорода яшаган Имом Заҳириддин ал-Ҳасан ибн Али Абу Маҳосим ал-Марғилоний, Имом Зиёвуддин Али ибн Абдулазиз ал-Марғилоний, Низомиддин ибн Абу Бакр ал-Марғиноний, Бурҳониддин Зарнужий ал-Марғиноний каби бобокалонларимиз номи ниҳоятда машҳурдир.

Фарғоналик олимлар ислом маданиятининг марказлари деб эътироф этилган Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида улуғ олимлардан тарбия олиб, камолга етганлар. Ана шундай устоз алломалардан бири ёзганидек:

Сен бойлик истасанг, Ҳиндистонга бор,
Тиловат истасанг, Маккага йўл ол.
Илм дуру-гавҳарин топмоқ истасанг,
Рўйи замин шаҳри Самарқандда қол.

Ҳамшаҳримиз Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллик муносабати билан бобокалонимизнинг қадамжолари бўйлаб илмий-тадқиқот экспедицияси ташкил этилди. Экспедиция бир неча бор Самарқанд, Бухоро, Туркистон шаҳарларида бўлиб, бобокалонимизнинг ҳаёти ва бой мероси билан боғлиқ қимматли маълумотлар тўплади. Аини пайтда экспедиция аъзолари Самарқанддаги Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Саййид Аҳмад Хожа Косоний – Маҳдуми Аъзам, Шайх Бурҳониддин Соғаржий, Мавлоно Бурҳониддин ал-Марғиноний, Имом Муҳаммад Абу Мансур Муҳаммад ибн ал-Мотуридий, Шайх Абдурахмон ад-Доримий ҳазратларининг мақбараларини тавоф этди. Мозорлар ва мақбараларни зиёрат қилди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси экспедиция аъзоларида катта таассурот қолдирди. Бу муқаддас масканни бунёд этишда фарғоналик усталарнинг қатнашганлиги қалбимизга алоҳида сурур бағишлади.

Экспедиция аъзолари Бухорода бўлганларида у ердаги қадамжолар, хусусан Абдулхолиқ Фиждувоний, Хожа Мир Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбараларини тавоф этди. Дарҳақиқат, Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаларидан Муҳаммад Хожа Порсо номи Марғилон билан бевосита боғлиқдир. Шаҳримизда бу улуг зотнинг қадамжоси бор.

Шундан кейин экспедиция аъзолари Туркистон шаҳрида бўлиб, Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилдилар. Зиёрат асносида ул ҳазратнинг ҳикматларини яна бир бор қалбларимизга жо этдик:

Умнат бўлсанг ғарибларга тобеъ бўлғил,
Оят, Ҳадис ҳар ким айтса, сомеъ бўлғил,
Ризқу-рўзи ҳар ким берса, қонеъ бўлғил,
Қонеъ бўлиб завқ шаробин ичдим мано.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуслари билан вилоятимизда Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин ал-Марғиноний каби алломаларнинг маҳобатли ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Улар ўзлигимизни англашга, истиқлолимизни қадрлашга, халқимизни покликка, яратувчанликка даъват этувчи муқаддас қадамжоларга айланиб бормоқда, шаҳарларимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилмоқда. Бу ҳақда муҳтарам Юртбошимиз Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқларида, жумладан, шундай деган эдилар:

«Марғилон деганда, бётакрор табиати, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари, ўзлигимиз рамзига айланиб кетган ранго-ранг дўппилари билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Бу замин азал-азалдан одоб-андишали ва бағри кенг, меҳнаткаш ва тадбиркор, меҳмондўст халқи, моҳир ҳунармандлари, уста боғбонлари, хушовоз ҳофизлари билан шуҳрат қозониб келади».

*Қаҳрамон ШОАКРАМОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси*

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ — ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Келажакда бу макон — Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи — ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва ғоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишончим комил.

Ислом Каримов

Жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлиши — бу тарихий ҳақиқатнинг рўёбга чиқишидир. Дарҳақиқат, ушбу ўлка қадимдан Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотурудий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби нафақат миллий маданиятимизга, балки жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар ва улуғ зотлар макони сифатида машҳур бўлиб келган. Аллоҳ назари тушган заминда халқимизнинг миллий-диний қадриятлари асрлар оша шаклланиб, бойиб борган. Шунинг учун ҳам машҳур сайёҳлар қадим замонлардан ушбу ўлкани ўрганиб, у ҳақида тарихий асарлар яратган. Улардан Ибн Баттута, Клавиho, Ибн Фадлон қолдирган маълумотлар, айниқса, қимматлидир. Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган қадимий ва навқирон Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимизнинг мамлакатни дунёга танитган манзиллар сифатидаги ўрни мустақиллик туфайли янада мустаҳкамланиб бормоқда. Биз ана шу беназир бойликдан самарали фойдаланмоғимиз лозим. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, *“тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши — буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб*

қолмоғи лозим.”¹

Сайёҳлик узоқ манзилларни бирлаштирувчи, турли халқ ва маданиятларни ўзаро бойитувчи соҳалардан биридир. Шу боис унинг маънавий-маърифий аҳамияти ҳам беқиёс: улуғ аждодларимизнинг қадр-қимматини кўтариш, ҳурматини жойига қўйиш, зиёратта келувчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, ватанпарварлик туйғусини қалбига сингдириш, илм, ҳаёт қадри-қимматини англаб етишга ёрдамлашиш, Ўзбекистон донишманд инсонлар юрти эканини дунёга ёйиш кабиларни сайёҳлик орқали самарали амалга ошириш мумкин.

Истиклол йилларида улуғ аждодларимизнинг мақбаралари таъмирланиб, янги маҳобатли ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Шулардан бири — Самарқанд вилоятининг Челақ туманидаги Ҳарганг қишлоғида барпо этилган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидир. Гарчи республикамызда 1000 дан ортиқ тарихий обидалар мавжуд бўлса-да, хорижий сайёҳларнинг кўпчилиги айнан ана шу табаррук қадамжога зиёрат зиёрат қилишни афзал кўрмоқдалар.

Дарҳақиқат, ислом оламининг беназир мутафаккири, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий умумжаҳон, айниқса Шарқ халқлари маданиятига қўшган салмоқли ҳиссаси туфайли бутун дунёга машҳурдир. Унинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик ва маънавий комилликка етакловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, фарзандларимиз онгу шуурига теран сингдириб бориш, Президентимиз И.А.Каримов шахсий ташаббуслари билан ташкил этилган Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг асосий мақсадларидан биридир. Ҳозирги кунда Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи буюк зотнинг хоки-поклари қўйилган муқаддас зиёратгоҳга айлантирилган. Мажмуани ривожлантириш, зиёратчилар сонини кўпайтириш Жамғарманинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу азиз жой одамларни эзгуликка етакловчи, охиратни эслатиб турадиган макон бўлиб қолишига ҳамма асос бор.

Мазкур ёдгорлик мажмуи, республикамызнинг бошқа тарихий-маданий обидалари каби, хорижий сайёҳларнинг ва фуқароларимизнинг суюкли масканига айланиб бормоқда. Охирги икки йилда зиёратчилар сони 2 млн. кишидан ошиб кетди.

Шундан 20 фоизи хорижлик меҳмонлардир. Ҳаж сафарига боровчи фуқароларимиз ўз зиёратларини Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи зиёратидан бошлаши гўзал ва ибратли анъанага айланиб бормоқда.

Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида республика ҳаётининг турли соҳаларидаги, шу жумладан, сайёҳлик борасидаги фаолиятимизни сарҳисоб қилар эканмиз, эришган ютуқларимиздан кўзимиз қувончга тўлади. Айрим имкониятларимизнинг фойдаланилмай қолганлигидан афсусланамиз. Уларни амалга ошириш чоралари ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш лозимлигини янада чуқурроқ англаб етамиз.

Миллий-диний қадриятларимиз намуналаридан бири ҳисобланган мазкур мажмуа нафақат халқимиз, балки дунёдаги барча мусулмонлар, қолаверса жаҳон жамоатчилиги учун табаррук зиёратгоҳ бўлиб қолади.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. — Тошкент, Ўзбекистон, 1998 й., 127-128-бетлар.

*Рустам ТОЖИБОЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент,
Қўқон педагогика институти*

ТУРКИСТОНДАГИ ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИДА ДИН ҲАҚИДАГИ ДАРСЛАР

XX аср бошларида Туркистонда миллий уйғониш даври авж палласига кирган эди. Миллатга ўзлигини танитишда янги усул мактабларининг аҳмияти катта бўлди.

Янги усул мактабларида асосий эътибор ўқувчиларнинг маънавий жиҳатдан камолга етишига қаратилди. Бунда дин ҳақидаги дарслар ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Жаҳид

муаллимлари ўз ўқувчиларига диний фанлардан «Ақойид», «Ислом тарихи»ни ўтишар, дастлаб «Хафтияк»ни, сўнг «Қуръони карим»ни мутолаа қилдирар ва ёд олтирар эдилар.

«Ақойид» дарси I ва II синфларда ўтилган. Ўқувчиларнинг ислом асосларини пухта билиб олишлари осон бўлиши учун илғор жаҳид муаллимлари бу фан бўйича ўзбек тилида дарсликлар ёзган. Жумладан, тошкентлик машҳур жаҳид муаллими ва адиби Мунаввар қори Абдурашидхонов «Ҳавойижи диния», қўқонлик жаҳид муаллими Абдулвахҳоб Ибодий «Эътиқоди исломия», Аҳмаджон қори «Аҳаммул-ислом» каби дарсликларни ёзиб нашр эттирганлар.

«Ҳавойижи диния» 6 жузъдан иборат: «Мусулмонлик», «Шариати исломия», «Рўза», «Закот», «Ҳажнинг шартлари». Ҳар бир жузъ ўқувчилар ёши ва савиясига мос ҳолда кичик-кичик фаслардан ташкил топган. Уларда жузъ мазмунини қамраб олган барча масалалар ўз аксини топган¹.

«Ҳавойижи диния» 1908 йилда ёзилган. У алоҳида-алоҳида жузълар ҳолида ҳам, барча жузъларни ўз ичига қамраб олган китоб ҳолида ҳам 1920 йилгача кўп марта қайта-қайта чоп этилган. Туркистон ўлкасидаги деярли барча янги усул мактабларида бу дарслиқдан фойдаланганлар. Чунки «Ҳавойижи диния» равои тилда, содда ва энгил услубда, ўқувчилар учун тушунарли қилиб ёзилган. Замоначининг машҳур адиби ва жаҳид муаллимиларидан бири бўлмиш Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ўзи ташкил этган янги усул мактабларида устози Мунаввар қорининг мазкур дарслигидан кенг фойдалангани архив ҳужжатларидан маълум².

Абдулвахҳоб Ибодийнинг «Эътиқоди исломия» дарслиги янги усул мактабларининг 2-синф ўқувчиларига мўлжаллаб яратилган. Бу дарслик 4 жузъдан иборат бўлган: «Иймон ва ислом», «Таҳорат», «Салот», «Савм, закот ва ҳаж». Унинг алоҳида чоп этилган биринчи жузъини кўришга муяссар бўлдик³. Мазкур дарслик савол-жавоб усулида содда ва равои тилда ёзилган.

Ўқувчилар савод чиқарганларидан сўнг «Тажвид»ни ўрганганлар ва «Хафтияк» ўқишни бошлаганлар. 4-синфда эса Қуръони карим ўрганилган. Илғор муаллимлар эса Қуръонни тафсири билан биргалиқда ўқитганлар. Бу оятлар мазмунининг ўқувчилар қалбига етиб боришини тезлаштирган. Айрим илғор

муаллимлар, жумладан, Мунаввар қори она тилимизда «Тажвид» дарслигини яратган. Бу, ўз навбатида, қироат самарадорлигини оширган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат каби машҳур адиб ва муаллимлар «Ислом тарихи» бўйича дарсликлар ёзиб нашр эттирганлар. Уларда пайғамбарлар ва ислом тарихи ўқувчилар билиши учун етарли бўлган ҳажмда қисқа ва лўнда ёритилган.

Янги усул мактаблари учун «Ўқиш китоби» тарзида яратилган дарсликларда ҳам диний ақидалар ўз аксини топганини кузатиш мумкин. Бу ўринда Х.Х. Ниёзийнинг «Ўқиш китоби», «Енгил адабиёт», «Қироат китоби» дарслиklarини эслаш кифоя. «Ўқиш китоби»нинг дастлабки беш дарси Аллоҳга ҳамд ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) васф этилган шеърлардан ташкил топган⁴.

«Енгил адабиёт» дарслиги «бир ақллик мактаб боласининг жаноби Ҳаққа қилгон муножоти» шеъри билан бошланган:

Ё Илоҳо, ҳурмати Одам Ато,
Биз гўдакларга илм айла ато.
Биз умид ила мактабга келиб,
Ўқутаймиз, токи бўлғил деб ризо⁵...

Бундай мисолларни Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Мирзойи Хўқандий ва бошқа жаҳид муаллимларининг дарсликларида ҳам учратиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, янги усул мактабларида дунёвий илмларга оид дарслар диний асослар билан кўшиб олиб борилган. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларда эътиқод ва маънавиятнинг тўғри шаклланишига ёрдам берган.

¹ Мунаввар Қори. Ҳавойижи диния. Тошкент, 1993.

² Х.Х.Ниёзий архивининг каталоги. Кўп томлик, биринчи том. Тошкент, 1990 й., 309-311-бетлар.

³ Абдулваҳҳоб Ибодий. Эътиқоди исломия. I жузъ. Хўқанд, 1913.

⁴ Ниёзий Х.Х. Тўла асарлар тўплами. Беш жилдлик, иккинчи жилд. Тошкент, 1988 й., 314-317-бетлар.

⁵ Мазкур асар, 343-бет.

Муҳаммаджон ХЎЖАЕВ,
Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Мустақил ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатимизда иқтисодиёт, фан ва маданият, шунингдек халқ таълими соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, халқ таълими соҳасида истиқлолнинг илк йилларидаёқ сезиларли ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", деган илҳомбахш шиорни ёшларнинг салоҳиятига, иқтидор ва интилишларига катта умид билдириб ўртага ташлаган эди. Шу тўғрисида ҳам мустақилликнинг дастлабки йилидан бошлаб иқтидорли болалар учун йўналтирилган синфлар, лицей ва гимназиялар тармоғига асос солиниб, янги типдаги бу таълим муассасалари самарали фаолият кўрсата бошлади. Фарғона шаҳридаги "Шодлик", "Парвоз", Марғилон шаҳридаги "Истиқбол" гимназиялари, Фурқат, Бешариқ туманларидаги лицей-интернатлар ҳар томонлама етуқ, чуқур билимли авлодни вояга етказмоқда.

Миллий қадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириш масаласига ҳам катта аҳамият берилмоқда. "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси" каби анъанавий вилоят танловларининг мазмун-моҳиятига истиқлол ғоялари ва ватанпарварлик ҳамда миллий қадриятлар сингдирилди. Барча ўқув муассасаларида маънавият ва маърифат хоналари ҳамда бурчаклари ташкил этилган.

Ёш мустақил давлатимизнинг олиб бораётган сиёсати, халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, таълим-тарбия жараёнида қўлланила бошланган янги услуб ва педагогик технологиялар вилоят халқ таълими бошқармаси 1990 йилда таъсис этган "Устоз" газетаси саҳифаларида кенг ёритиб борилмоқда.

Яқинда Халқ таълими бошқармасида вилоят ҳокимининг

фармойишига асосан, махсус "Алгоритм" ҳисоб рақами очилди. Корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, муассасалар бу рақамга пул маблағлари ўтказаяптилар. Бу махсус рақамга тушаётган маблағлар ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини бойитиш, уларни техник асбоб-ускуна ва компьютерлар билан таъминлашга сарфланмоқда. Жорий йил 12 майдаги шанбалиқда ишлаб топилган маблағлар эса кам таъминланган оила фарзандларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш учун ишлатилди.

Вилоятимизда янги мактаблар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Ўтган ўн йил мобайнида 78861 ўринли 191 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Болалар боғчаларининг сони эса шу давр ичида 66 тага ортди. Кези келганда, қувасойлик тадбиркор - "Имкон ЛТД" фирмасининг раҳбари Набижон Маҳмудовнинг таҳсинга сазовор эзгу ишлари хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. У ўз маблағлари ҳисобига Пастки Валик қишлоғидаги 14-мактаб учун 422 ўринли бино қуриб берди, замонавий ускуналар билан жиҳозланган мактаб гимназияга айлантирилди. Бу ерда 400 нафар иқтидорли бола биология, химия, чет тили ва она тили бўйича пухта билим олмақда. Н.Маҳмудовнинг ташаббуси кенг қулоч ёйди. Ундан намуна олган қатор тадбиркорлар мактабларни таъмирлаш, синф хоналарни жиҳозлашни ўз зиммаларига олдилар.

Ўтган давр мобайнида лицей ва гимназиялар сони сезиларли даражада ўсди. Ҳозирги кунда вилоятимизда 35 та лицей ва 22 та гимназия фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг хорижий давлатлардаги таълим муассасалари билан алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Жорий ўқув йилининг ўзида 5 та мактаб Япония ҳукуматининг берган беғараз гранти туфайли янги парталар, стол-стулар, спорт ва техника асбоб-анжомларига эга бўлди. АҚШнинг АКСЕЛС, «Тинчлик корпуси» каби ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Етти нафар ўқитувчимиз АКСЕЛС орқали АҚШга етти ҳафталик курсларга ўқишга юборилди. Тинчлик корпуси кўнгилиларини бугун кўпгина ўқув муассасаларида учратиш мумкин. Улар инглиз тилини ўқитишга яқиндан ёрдам бермоқдалар. БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қишлоқ жойларида очилган уй боғчаларига, айниқса, катта эътибор бериб, уларга юмшоқ ўйинчоқлар, болалар мебелли,

ўқув қуроллари ҳада қилди. Қува туманидаги Янги ҳаёт қишлоғи, Исажонов кўчаси, 117-уйда жойлашган "Бойчечак" уй боғчасида бўлган ЮНИСЕФ вакиллари бу муассасанинг тажрибасини бошқа давлатларда оммалаштириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Мактабларда бюджетдан ташқари маблағ топиш ишлари ривож топди. Вилоят ҳокимлигининг кўрсатмасига биноан, таълим муассасаларига жами 837 гектар ер, 411,6 гектар боғ ажратилган. Боғ ва далаларда етиштирилаётган ҳосилни сотишдан олинаётган даромад мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оила фарзандларининг дам олишларини ташкил этишга сарфланмоқда. 2000 йилнинг ўзида Қувасой шаҳри мактаблари 7 миллион сўмлик даромад олишди. Беш гектарлик боғлар ажратилган Олтиариқ туманида эса миллионер мактаблар дунёга келди. Ишлаб чиқариш, айниқса, Қўқон, Фарғона шаҳарлари, Охунбобоев ва Данғара туманларида муваффақиятли равишда олиб борилмоқда.

Халқ таълими бошқармаси ўқувчи ёшларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ҳақида қайғурмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ўқув муассасаларида 10200 фан тўғарақлари фаолият кўрсатиб, уларда 185 минг ўқувчи шуғулланмоқда.

Узлуксиз таълимни амалга ошириш мақсадида вилоятда Мустақиллик йилларида 35 та боғча-мактаб, 6 та мактабга тайёрлаш маркази, ота-оналар ўртасида маърифий ишлар бўйича 100 тадан ортиқ қисқа муддатли гуруҳлар, 38 та махсус соғломлаштириш ўқув муассасалари ташкил этилган.

Вилоятимизда ҳалол ва сидқидил меҳнатлари билан катта обрў-эътибор қозонган педагоглар сони кўпайиб бормоқда. 200 нафар ўқитувчи ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган. Қўқондаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси Манзурахон Мадалиева эса Ватанимизнинг энг олий — "Ўзбекистон қаҳрамони" шарафли унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги бизни ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишга ундайди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қўлга киритган ютуқларимиз билан бир қаторда, камчиликларимиз, ҳали фойдаланилмаётган имкониятларимиз ҳам бор. Уларни рўёбга чиқаришнинг чоратадбирлари келгуси йил режаларида кўзда тутилган. Уларнинг мазмун-моҳияти эса, пировард натижада, баркамол инсонни вояга етказишга қаратилган.

МУНДАРИЖА

З. МУНАВВАРОВ. Сўз боши ўрнида	3
М. АБДУЛЛАЕВ, О. УМАРЖОНОВ. Маънавий янгилашиш ва диний қадриятлар	6
М. БОБОРАҲИМОВ. Истиқлол ва маданий мерос	9
С. НОРМАТОВ. Ислом: ўтмиш ва бугун	11
Р. ЮСУПОВ. Кафолатланган виждон эркинлиги	12
А. НАБИЖОНОВ. Аждодлар мероси ва миллий мафкура	15
А. ҲАСАНОВ. Ёшлар ва миллий қадриятлар	17
С. РАУПОВ. Қадриятлар ва манфаатлар уйғунлиги	20
Ҳ. ПЎЛАТОВ. Миллий ғоя — миллатлараро барқарорлик- нинг муҳим омили	22
Ю. НИШОНОВ. Миллатлараро ҳамжиҳатлик — улуг неъмат	25
Б. МЎМИНОВ. Истиқлол ва халқаро маданий-маърифий алоқалар	28
Т. ЭРБЎТАЕВ. Имом ал-Бухорий ва миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши	31
С. НОРМАТОВ. Имом ал-Бухорий сабоқлари	33
Н. ТЕМИРОВ, Ш. МАЪМУРОВ. Баркамол ёшларни тарбиялашда «ал-Жомий ас-саҳийҳ» аҳамияти	35
А. ҲАЙДАРОВ. Имом ал-Бухорий ва диний маданият	37
Г. СОЛИЖОНОВА. «Ал-Жомий ас-саҳийҳ» — оила ва никоҳ ҳуқуқининг манбаи	39
Р. ҚАРИМОВ. Истиқлол ва Фарғона алломалари	44
М. БОБОРАҲИМОВ. Барҳониддин ал-Марғиноний — буюк фақиҳ	46
А. ЙЎЛДОШЕВ, Н. СОЛИЕВ, А. ҲАЙДАРОВ. Бурҳониддин ал-Марғиноний ва унинг маънавий мероси	49
И. ТЎХТАРОВ, Ҳ. АБДАСОВ. Тасаввуф ва комил инсон тарбияси	50
Й. СОЛИЖОНОВ. Истиқлол ғояси ва ҳозирги адабий жараён	52
Ш. СИРОЖИДДИНОВ. Навоийшунослик: кечаги кун таҳлил	54

Р. НОРМАТОВА. Навоий ижодида ватанпарварлик ва инсонийлик ғоялари	60
А. ТУРДИАЛИЕВ. Аждодлар меросини ўрганиш йўлида	65
Н. ЖАББОРОВ. Нодира газалларининг ноёб қўлёзмаси	68
О. ЖЎРАБОВ. Ҳазиний ва Фурқат: руҳий-маънавий уйғунлик	73
Г. САТТОРОВА. Мустақиллик йиллари ўзбек ҳикоячилигида тарихий ҳақиқат мавзуси	84
Ў. ЭШОНБОБОВ. Истиқлол туфайли сайқалланган муқаддас қадамжолар	87
Қ. ШОАКРАМОВ. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи — Истиқлол неъматини	91
Р. ТОЖИБОВ. Туркистондаги янги усул мактабларида дин ҳақидаги дарслар	93
М. ХЎЖАЕВ. Мустақиллик йилларида Фарғона вилоятида таълим тизимининг тараққиёти	96